# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТЎПЛАМИ

**46-47-сон (234-235) 2006 й. ноябрь**

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:*

*тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

## МУНДАРИЖА

*Иккинчи бўлим*

452. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 15 ноябрдаги ПФ—3818-сон Фармони

453. «Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 ноябрдаги ПФ—3820-сон Фармони

454. «2006—2008 йилларда тўқимачилик саноати корхоналарини модернизация қилиш ва техникавий қайта жиҳозлаш Дастури тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 13 ноябрдаги ПҚ—510-сон қарори

455. «Ўзавтойўл» Давлат-акциядорлик компанияси ташкилий тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 14 ноябрдаги ПҚ—511-сон қарори

456. «Республика пиллачилик тармоғини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 15 ноябрдаги ПҚ—512-сон қарори [Кўчирма]

457. «2007 йилда қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 ноябрдаги ПҚ–514-сон қарори [Кўчирма]

*Учинчи бўлим*

458. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида («Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилганлиги ҳамда уларнинг молиявий жавобгарлиги эркинлаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 10 октябрдаги ЎРҚ–59-сон Қонуни)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 ноябрдаги 235-сон қарори

459. «Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 21 ноябрдаги 241-сон қарори

460. «Техноген хавф юқори бўлган зоналар давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида (Ўзбекистон Республикасининг «Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида» 2006 йил 28 сентябрдаги ЎРҚ–57-сон Қонуни)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 22 ноябрдаги 242-сон қарори

461. «Ўзбекистон Республикаси оммавий ахборот воситалари вакилларини давлат ҳокимияти органлари ҳузурида аккредитация қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 23 ноябрдаги 243-сон қарори

*Тўртинчи бўлим*

462. «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 10-моддасининг биринчи қисмини шарҳлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг 2006 йил 20 ноябрдаги қарори

*Бешинчи бўлим*

463. «Микрокредит ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режасини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2006 йил 7 октябрдаги 24/5-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 11 ноябрда 1639-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

464. «Самарқанд вилояти ғазначилик ижросида бухгалтерия ҳисоби ҳақида вақтинчалик қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2006 йил 24 октябрдаги 90-сон буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирли-*

*ги томонидан 2006 йил 11 ноябрда 1601-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

465. «Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, маҳаллий бюджетларга бюджет ссудаларини бериш ва олинган бюджет ссудаларини қайтариш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2006 йил 25 октябрдаги 92-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 14 ноябрда 1052-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

466. «Ташкиллаштирилган биржадан ташқари савдоларда кўчмас мулк объектларини сотиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 2006 йил 9 октябрдаги 01/23-18/04, 14, 4-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 14 ноябрда 1640-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

467. «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари, кредит уюшмалари ҳамда микрокредит ташкилотлари ижро органлари раҳбарлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодларга нисбатан малака талаблари қўйиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқарувининг 2006 йил 7 октябрдаги 24/6-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 14 ноябрда 1641-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

468. «Корхоналар тасарруфида қолдириладиган, давлат мулкини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан тушган маблағлардан мақсадли фойдаланилишини назорат ва мониторингини юритиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2006 йил 9 октябрдаги 87-сон буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 15 ноябрда 940-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

469. «Йўл ҳаракати қоидаларини бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқишни ташкил этиш ҳамда ҳайдовчилик гувоҳномасига талон бериш ва алмаштириш тартиби тўғрисидаги Йўриқномаларни тасдиқлаш ҳақидаги буйруғига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2006 йил 17 октябрдаги 223-сон буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 21 ноябрда 933-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

470. «Микрокредит ташкилотлари томонидан молиявий операцияларни амалга ошириш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқарувининг 2006 йил 7 октябрдаги 24/3-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 23 ноябрда 1642-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

471. «Юридик шахслар томонидан истеъмол қилинган электр энергияси учун тўлов муддати ўтган дебитор қарзларни мажбурий тартибда ундириш тўғрисида»ги Йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Олий хўжалик суди, Адлия вазирлигининг 2006 йил 24 ноябрдаги 2006-49, СП-01/752, 30-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республи-*

*каси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 24 ноябрда 1466-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2006 йил 11 ноябрдан 24 ноябргача бўлган маълумот

Тузатиш

# ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## 452 Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 27 сентябрдаги ПҚ—475-сонли қарорига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи ҳужжатларига иловага мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Мамлакатни ислоҳ қилиш ва янгилашнинг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш масалалари бўйича Давлат маслаҳатчисининг хизмати (Ф.Х. Отахонов) зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,
2006 йил 15 ноябрь,
ПФ—3818-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2006 йил 15 ноябрдаги
ПФ—3818-сонли Фармонига
ИЛОВА

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи ҳужжатларига киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 2 октябрдаги ПФ—2084-сонли Фармони билан тасдиқланган акциядорлик тижорат банки Кенгаши Намунавий низомида:

а) 4-банднинг:

еттинчи хатбошидаги «банк облигацияларини» сўзларидан кейин «(очиқ турдаги акциядорлик жамияти шаклидаги банклар учун)» сўзлари қўшилсин:

ўн еттинчи хатбоши сифатида қуйидаги жумла илова қилинсин: «банкни ривожлантириш бизнес-режасини тасдиқлаш»;

ўн еттинчи—йигирманчи хатбошилари тегишли равишда ўн саккизинчи—йигирма биринчи хатбошилари деб ҳисоблансин;

б) 5-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«корпоратив бошқарув бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга

риоя этиш борасида банк акциядорлари умумий йиғилишларида ҳар йили ҳисобот бериш».

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Пул массаси ўсишини чеклаш ва молия интизомига риоя этиш масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 30 мартдаги ПФ–3047-сонли Фармонининг 8-банди чиқариб ташлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2005 йил 27 декабрдаги ПҚ–244-сонли Фармони 4-бандининг тўртинчи хатбошидаги «ставка бўйича сақлаб қолинсин» сўзларидан кейин «қимматли қоғозлар бозорида брокерлик фаолиятини юритаётган микрофирмалар ва кичик корхоналар бундан мустасно, улар ялпи даромаднинг 10 фоизи миқдоридаги ставка бўйича ягона солиқ тўлайдилар» сўзлари илова қилинсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## 453 Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2006 йил 7 сентябрдаги ПҚ–460-сонли қарорига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг фаолиятини ташкил қилишни такомиллаштириш тўғрисида» 2005 йил 4 апрелдаги ПФ–3592-сонли Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси тўғрисидаги низомга иловага* мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг раиси Б.А. Мусаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,
2006 йил 21 ноябрь,
ПФ–3820-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## 454 2006—2008 йилларда тўқимачилик саноати корхоналарини модернизация қилиш ва техникавий қайта жиҳозлаш Дастури тўғрисида

Тўқимачилик саноатини жадал ва барқарор ривожлантириш, тайёр, сифатли ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш қувватлари оширилишини рағбатлантириш, уни экспортга етказиб беришни кўпайтириш, шунингдек тармоқ корхоналарини модернизация қилиш ҳамда техникавий қайта жиҳозлаш ҳисобига янги иш ўринлари барпо этишни таъминлаш мақсадида:

1. «Ўзбекенгилсаноат» ДАК томонидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ишлаб чиқилган, 2006—2008 йилларда тўқимачилик саноати корхоналарини модернизация қилиш ва техникавий қайта жиҳозлаш Дастури (кейинги ўринларда — модернизация Дастури) маъқуллансин, Дастур:

«Ўзбекенгилсаноат» ДАКнинг 1-иловага* мувофиқ 2006—2008 йилларда тўқимачилик саноати корхоналарини модернизация қилиш ва техникавий қайта жиҳозлаш лойиҳалари рўйхатини;

2-иловага* мувофиқ 2006—2008 йилларда ҳудудий бошқарув тасарруфидаги тўқимачилик саноати корхоналарини модернизация қилиш ва техникавий қайта жиҳозлаш лойиҳалари рўйхатини ўз ичига олган.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва «Ўзбекенгилсаноат» ДАК модернизация Дастурига киритилган лойиҳаларни амалга ошириш учун тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича ишларни фаоллаштирсин.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ, мулкчилик шаклидан қатъий назар, енгил саноат корхоналарини модернизация қилиш ва техникавий қайта жиҳозлашга оид барча лойиҳалар Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида экспертизадан ўтиши шарт.

Экспертиза қилишда асосий эътибор ишлаб чиқаришнинг техникавий даражасини оширишга, биринчи навбатда, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот умумий ҳажмининг камида 70—80 фоизини экспортга етказиб бериш шарти билан, корхоналарни юқори сифатли рақобатбардош маҳсулот чиқаришни таъминлайдиган замонавий ускуналар билан жиҳозлашга қаратилсин.

Лойиҳаларнинг мазкур шартларга мувофиқ бўлиши учун шахсий жавобгарлик «Ўзбекенгилсаноат» ДАК ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги раҳбарлари зиммасига юклатилсин.

3. «Ўзбекенгилсаноат» ДАК ҳузуридаги Енгил саноат корхоналарини қуриш, қайта ихтисослаштириш ва модернизация қилиш бўйича таклифларни кўриб чиқадиган идоралараро экспертлар кенгаши тугатилиб, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳузурида Енгил саноат корхоналарини қуриш, қайта ихтисослаштириш ва модернизация қилиш бўйича таклифларни кўриб чиқадиган идоралараро экспертлар кенгаши 3-иловага* мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

---

* 1—3-иловалар берилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳузуридаги идоралараро экспертлар кенгаши томонидан енгил саноат корхоналарини қуриш, қайта ихтисослаштириш ва модернизация қилиш бўйича таклифларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

4. Белгилансинки, «Ўзбекенгилсаноат» ДАК, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари корхоналарнинг муассислари билан биргаликда 1 ва 2-иловаларда кўрсатилган лойиҳаларнинг ТИАлари ўз вақтида ва сифатли тайёрланиши ҳамда улар белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига экспертизага тақдим этилиши учун қатъий жавобгардирлар.

5. Ушбу қарорнинг 1 ва 2-иловаларига киритилган корхоналар шахсий эҳтиёжлар учун олиб келинадиган технологик ва ёрдамчи ускуналар, технологик жиҳозлар ва эҳтиёт қисмларга божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод этилсин.

Шахсий эҳтиёжлар учун олиб келинадиган технологик ва ёрдамчи ускуналар, технологик жиҳозлар ва эҳтиёт қисмлар рўйхати Идоралараро экспертлар кенгаши хулосаси асосида Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан аниқланиши белгилаб қўйилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар томонидан тайёр истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2003 йил 20 июндаги ПФ—3267-сонли Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси бошқарув тузилмасини такомиллаштириш ва республика енгил саноатини янада ривожлантиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 25 мартдаги 141-сонли қарорида назарда тутилган имтиёзлар 2009 йилнинг 1 январигача бўлган муддатда мазкур қарорнинг 1 ва 2-иловаларига киритилган корхоналарга татбиқ этилсин.

7. Белгилансинки, мазкур қарорда берилган имтиёзларга мувофиқ бўшайдиган маблағлар ишлаб чиқаришни техникавий қайта жиҳозлаш ва модернизация қилиш, тайёр маҳсулотлар янги турларини ўзлаштириш, шахсий айланма маблағларни тўлдиришга мақсадли йўналтирилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси бўшайдиган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланиш устидан қатъий назорат ўрнатсин. Улардан мақсадли фойдаланилмаган тақдирда, ушбу маблағлар қонун ҳужжатларида назарда тутилган жарима санкциялари қўлланган ҳолда давлат бюджетига тўла ундириб олинади.

8. Маъқулланган модернизация Дастурига киритилган лойиҳаларнинг амалга оширилишини таъминлаш учун «Ўзбекенгилсаноат» ДАК Бошқаруви раиси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммасига шахсий жавобгарлик юклансин.

«Ўзбекенгилсаноат» ДАК Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда модернизация Дастурининг бажарилиши тўғрисида ҳар ойда Вазирлар Маҳкамасига ахборот бериб борсин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Республика тўқимачилик тармоғига инвестициялар жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 27 январдаги 38-сонли қарорининг 1—4-бандлари ҳамда қарорнинг 1, 2-иловалари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги «Ўзбекенгилсаноат» ДАК ҳамда ман-

фаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартишлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,
2006 йил 13 ноябрь,
ПҚ–510-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## 455 «Ўзавтойўл» Давлат-акциядорлик компанияси ташкилий тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Йўл-қурилиш ишлари ҳажми ва сифати устидан назоратни кучайтириш чора-тадбирлари ҳамда 2006 йилда автомобиль йўллари қурилиши дастурини тасдиқлаш тўғрисида» 2006 йил 3 мартдаги ПҚ–299-сонли қарорига мувофиқ, шунингдек умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини яхши ҳолатда сақлаш, таъмирлаш, қуриш ва реконструкция қилиш соҳасида эксплуатация ва пудрат ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш мақсадида:

1. «Ўзавтойўл» ДАК, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси, Ўзбекистон Транспорт ва транспорт коммуникациялари уюшмасининг:

«Ўзавтойўл» ДАК ҳузурида йўл хўжалигининг амалдаги ихтисослаштирилган пудрат таъмирлаш-эксплуатация корхоналари негизида халқаро ва давлат аҳамиятига эга автомобиль йўлларини яхши ҳолатда сақлаш бўйича ихтисослаштирилган таъмирлаш-эксплуатация корхоналарини ташкил этиш;

«Ўзавтойўл» ДАКнинг ҳудудий йўл-қурилиш шўъба корхоналарини ҳудудий йўл-эксплуатация ташкилотлари сифатида қайта ташкил этиш;

«Ўзавтойўл» ДАК ҳудудий йўл-эксплуатация ташкилотлари ҳузуридаги амалдаги туман ихтисослаштирилган йўл-кўприк пудрат таъмирлаш-эксплуатация корхоналари негизида умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари кўприк хўжалигини яхши ҳолатда сақлаш бўйича таъмирлаш-эксплуатация корхоналарини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Қуйидагилар:

«Ўзавтойўл» ДАКнинг ташкилий тузилмаси бошқарув ходимларининг чекланган сони 29 кишидан иборат ва унинг ижро этувчи аппарати тузилмаси 1 ва 2-иловаларга* мувофиқ;

ҳудудий йўл-эксплуатация ташкилоти ва йўл хўжалиги туман пудрат таъмирлаш-эксплуатация корхонасининг намунавий тузилмалари 3 ва 4-иловаларга* мувофиқ;

халқаро ва давлат аҳамиятига эга автомобиль йўлларини яхши ҳолатда сақлаш бўйича ихтисослаштирилган таъмирлаш-эксплуатация корхоналари, шунингдек кўприк хўжалигини яхши ҳолатда сақлаш бўйича ихтисослаштирилган таъмирлаш-эксплуатация корхоналари таркиби ва намунавий тузилмалари 5, 5а, 6, 6а-иловаларга* мувофиқ маъқуллансин.

«Ўзавтойўл» ДАК Бошқаруви раисига зарур ҳолларда компаниянинг ижро этувчи аппарати тузилмасига ходимларнинг белгиланган чекланган сони доирасида ўзгартишлар киритишга рухсат берилсин.

Белгилансинки, «Ўзавтойўл» ДАК умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини давлат томонидан бошқарадиган махсус ваколатли орган ҳисобланади.

«Ўзавтойўл» ДАК белгиланган тартибда:

бир ой муддатда компания Низомига зарур ўзгартиш ва қўшимчалар киритсин;

икки ой муддатда компания ижро этувчи аппарати ходимларини, шунингдек унинг ҳудудий бўлинмалари раҳбар ходимларини, юқори малакали кадрлар билан тўлдиришни назарда тутган ҳолда аттестациядан ўтказсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» 2003 йил 21 августдаги 361-сонли қарорининг 1-банди ҳамда қарорнинг 1—4-иловалари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,
2006 йил 14 ноябрь,
ПҚ–511-сон

* 3—6а-иловалар берилмайди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

# 456 Республика пиллачилик тармоғини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида

## [Кўчирма]

Пиллачилик соҳасида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, республика пиллачилик тармоғига уни модернизациялаш ва янги ишлаб чиқаришларни вужудга келтириш учун хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича қулай шарт-шароитлар яратиш, жаҳон бозорида рақобатбардош тайёр маҳсулот ҳажмини кўпайтириш ва турларини кенгайтириш мақсадида:

1. Қуйидагиларга:

«Ўзбек ипаги» уюшмаси иштирокчиларининг уни тугатиш тўғрисидаги таклифига;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Пилла» ҳудудий бирлашмалари умумий йиғилиши ва Ўзбекистон пиллачилик илмий-тадқиқот институтининг 1-иловага* мувофиқ «Пилла» ҳудудий бирлашмаларининг Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги таркибига, Ўзбекистон пиллачилик илмий-тадқиқот институтининг Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази таркибига киритилиши тўғрисидаги таклифига;

пиллачилик саноати корхоналари ва ташкилотларининг 2-иловага* мувофиқ «Ўзбекенгилсаноат» Давлат-акциядорлик компанияси таркибига киритилиши тўғрисидаги таклифига;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг унинг марказий аппарати тузилмасида ходимлар чекланган сони 5 кишидан иборат ипакчиликни ривожлантириш бошқармасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига;

«Ўзбекенгилсаноат» Давлат-акциядорлик компаниясининг унинг ижро этувчи аппарати тузилмасида ходимлар чекланган сони 7 кишидан иборат пиллачилик саноатини ривожлантириш бошқармасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда «Ўзбекенгилсаноат» ДАК томонидан ишлаб чиқилган:

2006—2010 йиллар даврида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйича махсус ажратиладиган ер майдонларида янги тутзорлар барпо этиш параметрлари 3-иловага** мувофиқ;

2006—2010 йиллар даврида маҳаллий ипак қурти уруғининг серунум зотлари ва дурагайларини етиштириш ҳажмлари 4-иловага** мувофиқ;

2006—2010 йиллар даврида пиллачилик саноати корхоналарини ташкил этиш ва модернизация қилишга инвестицияларни, жумладан тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш дастури 5-иловага** мувофиқ маъқуллансин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари:

махсус ажратиладиган ер майдонларида тутзорлар барпо этиш ва ипак қурти уруғидан тирик пилла етиштириш бўйича 3-иловада назарда тутилган белгиланган топшириқларнинг бажарилишини;

---

* 1-2-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

** 3—5-иловалар берилмайди.

тутзорлар сақлаб қолиниши устидан қаттиқ назоратни, ихтисослаштирилган пиллачилик фермер хўжаликлари ташкил этилиши ва фермер хўжаликларида намунавий куртхоналар қурилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Республика ўсимликларни муҳофаза қилиш ва агрокимё маркази билан биргаликда қизил капалак билан зарарланган барча тут дарахтларига ҳар йили уч маротаба ишлов бериш ҳамда унинг тарқалишига йўл қўймаслик ва бутунлай йўқ қилиш бўйича профилактика тадбирлари ўтказилишини таъминласин.

5. «Ўзбекенгилсаноат» ДАК Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда 2006—2010 йиллар даврида пиллачилик саноати корхоналарини ташкил этиш ва модернизация қилиш дастурига киритилган лойиҳаларни амалга ошириш учун хорижий инвесторларни танлаб олиш ва жалб этиш, маҳсулот умумий ҳажмининг камида 70 фоизи экспортга етказиб берилиши шарти билан ушбу корхоналарни рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган замонавий ускуналар ва технологиялар билан жиҳозлаш бўйича ишларни ташкил этсин.

6. Қуйидагилар:

2006 йил ҳосилидан бошлаб 2010 йилнинг 1 январигача ипак қурти уруғи заводлари ўзи ишлаб чиқарган уруғларни пилла етиштирувчи хўжаликларга тўғридан-тўғри шартномалар бўйича ва пилла тайёрлаш ташкилотлари орқали сотишда, шунингдек пилла тайёрлаш ва бирламчи ишлов бериш корхоналари — қуруқ пиллани қайта ишловчи республика пиллачилик тармоғи корхоналарига сотишда қўшилган қиймат солиғи тўлашдан озод этилсин;

«Ўзбекенгилсаноат» ДАКнинг пиллачилик тармоғи корхоналари томонидан, 6-иловага мувофиқ республикада ишлаб чиқарилмайдиган, шахсий ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб келинадиган хом ашё, бўёқлар, кимёвий воситалар ва ёрдамчи материаллар 2008 йилнинг 1 январигача божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси шахсий ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун ипакчилик тармоғи корхоналари томонидан импорт бўйича олиб келинадиган хом ашё ва материаллардан мақсадли фойдаланиш устидан қаттиқ назорат ўрнатсин.

7. «Ўзбек ипаги» уюшмаси, «Пилла» ҳудудий бирлашмалари ва пиллачилик тармоғи корхоналарининг айрим раҳбарлари молия интизомини, пиллачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотишда белгиланган тартибни қўпол равишда бузгани учун республика Прокуратураси идоралари томонидан қаттиқ жавобгарликка, ҳатто жиноий жавобгарликка тортилганлиги ва эгаллаб турган лавозимларидан озод этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги мажбуриятлар бўйича кафолатини:

«Ўзбек ипаги» уюшмасининг мажбуриятлари бўйича — «Ўзбекенгилсаноат» ДАКнинг Корея Экспорт-импорт банки кредити юзасидан Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки олдидаги мажбуриятлари этиб;

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Корея Экспорт-импорт банки олдидаги мажбуриятини белгиланган тартибда қайта расмийлаштирсин.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки «Атлас» АЖ ва «Булоқбоши ипаги» АЖ пиллакашлик корхоналарини техникавий қайта жиҳозлаш тўғрисида 2001 йил 30 ноябрдаги қарз битими ва кредит шартномасига «Ўзбек ипаги» уюшмаси мажбуриятларининг «Ўзбекенгилсаноат» ДАКга қайта расмийлаштирилишини назарда тутувчи ўзгартишлар киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,
2006 йил 15 ноябрь,
ПҚ–512-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## 457 2007 йилда қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

### [Кўчирма]

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, қишлоқда фермерликни асосий хўжалик субъекти сифатида мустаҳкамлаш ва ривожлантириш мақсадида, шунингдек зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли ва истиқболсиз қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари)ни фермер хўжаликларига айлантириш Дастурига мувофиқ:

1. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича Республика комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда тайёрлаган қуйидаги:

1-иловага* мувофиқ, 2007 йилда қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжаликларига айлантириш;

2-иловага* мувофиқ, 2007 йилда қайта ташкил этиладиган қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳудудида ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаси объектларини барпо этиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва туманлар ҳокимлари, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Фермер хўжаликлари уюшмаси раҳбарлари зиммасига:

икки ой муддатда 1-иловада кўрсатилган қишлоқ хўжалиги корхоналари Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонуни талабларига тўла мувофиқ тарзда фермер хўжаликларига айлантирилиши;

фермер хўжаликларини ташкил этишга даъвогарлар ўртасида очиқ ва ошкора

* 1-2-иловалар берилмайди.

танловлар ўтказилиши. бунда ғолибларни аниқлашда ижтимоий адолат, холислик ва ҳаққонийлик тамойиллари қатъий таъминланиши;

ширкат хўжаликларини тугатиш бўйича ишлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўз вақтида ва тўлиқ якунланиши учун шахсий жавобгарлик юклансин.

3. Вазирлар Маҳкамаси (Ш.М. Мирзиёев) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда:

2007 йилда қайта ташкил этиладиган қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳудудида барпо этиладиган ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаси объектлари 2-иловага қатъий мувофиқ равишда жойлаштирилишини бир ой муддатда аниқласин ва уларни ташкил қилиш устидан назоратни таъминласин;

«Ўздонмаҳсулот» АК корхоналари билан қайта ташкил этиладиган қишлоқ хўжалиги корхоналари ўртасида аввал тузилган шартномаларга тенг ҳажмда давлат эҳтиёжлари учун 2007 йил ҳосилидан бошоқли дон харид қилиш учун янги ташкил этилган фермер хўжаликлари билан шартномалар имзоланишини таъминласин;

1-иловага мувофиқ қишлоқ хўжалиги корхоналарини қайта ташкил этиш натижасида бўшайдиган ходимлар иш билан таъминланишини ташкил этсин.

7. Ўзбекистон Республикаси «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда икки ой муддатда ёрдамчи, ўқув, ўқув-тажриба хўжаликлари ва бошқа хўжалик субъектлари ихтиёридаги қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерларнинг тўлиқ инвентаризациясини ўтказсин.

Инвентаризация натижаларига кўра, ушбу ерлардан оқилона, самарали ва мақсадли фойдаланишни таъминлашга йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуасини амалга ошириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Фермер хўжаликлари уюшмаси телевидение ва оммавий ахборот воситаларида фермер хўжаликларини ривожлантириш ва уларнинг фаолияти, қишлоқда ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмасини ташкил этиш ҳамда ривожлантириш масалаларини ёритиш бўйича махсус кўрсатув ва рукнлар ташкил этсин.

Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,
2006 йил 21 ноябрь,
ПҚ–514-сон

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

### 458 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида («Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилганлиги ҳамда уларнинг молиявий жавобгарлиги эркинлаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 10 октябрдаги ЎРҚ—59-сон Қонуни)

«Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилганлиги ҳамда уларнинг молиявий жавобгарлиги эркинлаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 10 октябрдаги ЎРҚ—59-сон Қонунига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 14 июндаги ПФ—3619-сон ҳамда «Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги қонун бузилишлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида» 2005 йил 24 июндаги ПФ—3622-сон фармонларига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 1-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2006 йил 10 ноябрь,
235-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2006 йил 10 ноябрдаги 235-сон қарорига
1-ИЛОВА

## Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 25 октябрдаги 270-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳақида низомнинг 14-банди ўн иккинчи хатбоши (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1991 й., 10-модда, 36-модда) чиқариб ташлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 23 ноябрдаги 553-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1992 й., 12-сон, 37-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳақида низомнинг 9-бандида:

а) йигирма иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«аудиторлик фаолиятини лицензиялашни белгиланган тартибда амалга оширади»;

б) ўттиз саккизинчи хатбошидаги «бирлашмалар, концернлар, уюшмалар, мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналар, ташкилотлар, муассасаларнинг» сўзлари чиқариб ташлансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 17 майдаги 227-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида давлат ёнғин назорати тўғрисида низомнинг 15-бандида;

а) олтинчи хатбошидаги «ёки бино, иншоот, иморатдан фойдаланишни тақиқлаш тўғрисидаги» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Тадбиркорлик субъектларига нисбатан уларнинг фаолияти тўхтатиб турилишига ёки тўхтатилишига сабаб бўладиган ушбу банднинг бешинчи хатбошида назарда тутилган чоралар суд тартибида қўлланади, фавқулодда вазиятларнинг ва аҳоли ҳаёти ва саломатлигига бошқача муқаррар хавф пайдо бўлишининг олдини олиш муносабати билан фаолиятни ўн иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатга тўхтатиб туриш ҳоллари бундан мустасно».

4. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 19 январдаги 17-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларига киритилаётган ўзгартиришларнинг 2-банди чиқариб ташлансин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 9 мартдаги 124-сон қарори билан тасдиқланган Ёқилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланишдаги бузилишлар учун иқтисодий санкцияларни қўллаш тўғрисида низомда (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1994 й., 3-сон, 15-модда):

1) I бўлимнинг иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

2) II бўлимда:

а) 1.1-бандда:

«б» ва «е» кичик бандларидаги «2 баравар» сўзлари «50 фоиз» сўзлари билан алмаштирилсин;

«г» кичик банди чиқариб ташлансин;

«д» ва «ж» кичик бандларидаги «бир баравар» сўзлари «50 фоиз» сўзлари билан алмаштирилсин;

«и» кичик банди чиқариб ташлансин;

б) 1.2-бандда:

«д» кичик бандидаги «5 баравар» сўзлари «50 фоиз» сўзлари билан алмаштирилсин;

«ж» кичик банди чиқариб ташлансин;

«з» кичик бандидаги «смета ҳажми қийматининг 50 фоизини» сўзлари «смета ҳажми қийматининг 10 фоизини» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 1.3-бандда:

«б» кичик бандидаги «1 баравари миқдорида» ва «5 баравар» сўзлари тегишли равишда «30 фоиз миқдорида» ва «50 фоиз миқдорида» сўзлари билан алмаштирилсин;

«д» кичик бандидаги «10 баравар миқдорда» сўзлари «3 баравар миқдорда» сўзлари билан алмаштирилсин;

«е», «ж», «з», «и» кичик бандларидаги «5 баравар миқдорида» сўзлари «50 фоиз миқдорда» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 2-банд чиқариб ташлансин;

3) III бўлимда:

1-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Тадбиркорлик субъектларига нисбатан иқтисодий санкциялар суд тартибида қўлланади, улар томонидан содир этилган қонун бузилиши айби тан олинган ва иқтисодий санкциялар суммаси ихтиёрий равишда тўланган ҳоллар бундан мустасно»;

бўлимга қуйидаги мазмундаги 6-банд қўшилсин:

«6. Тадбиркорлик субъектининг охирги ҳисобот санасидаги жорий активлари суммасининг 20 фоизидан ортиқ бўлган иқтисодий санкцияларни ундириш унга ундириладиган суммани ундириш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб 6 ой мобайнида тўловларни ҳар ойда бўлиб-бўлиб тўлаш имконини берган ҳолда амалга оширилади»;

6 ва 7-бандлар тегишли равишда 7 ва 8-бандлар деб ҳисоблансин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 8 апрелдаги 194-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси хавфли геологик жараёнларни кузатиш Давлат хизмати тўғрисида низомнинг 19-банди 2-кичик бандидаги «тўхтаб қўйиш» сўзлари ўрнига «ўн иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатга тўхтатиб туриш ёки судга ўн иш кунидан ортиқ муддатга тўхтатиб туриш тўғрисида мурожаат қилиш» сўзлари қўшилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 августдаги 410-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида стандартлар ва ўлчов воситалари устидан давлат назорати тўғрисида низомда:

а) 4-бандда:

бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«уларнинг мансабдор шахсларига нисбатан маъмурий жазо қўллангандан кейин бир йил мобайнида стандартларнинг мажбурий талаблари такрорий бузилганлиги учун хўжалик фаолияти субъектларига нисбатан сотилган маҳсулот қийматининг 50 фоизи миқдорида жарималар қўллаш тўғрисида қарор қабул қилиш;

ўн тўртинчи хатбошидаги «сотишни тақиқлаш тўғрисида» сўзлари «сотишни тақиқлаш ёки тўхтатиб туриш тўғрисида» сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги ўн бешинчи хатбоши қўшилсин:

«Жарима солиш суд томонидан, хўжалик фаолияти субъекти содир этилган қонун бузилиши айбини тан олганда ва жаримани ихтиёрий равишда тўлаганда эса Ўзбекистон Республикаси Давлат бош инспектори, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат бош инспекторлари томонидан амалга оширилади»;

ўн бешинчи хатбоши ўн олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

б) қуйидаги мазмундаги 9-банд қўшилсин:

«9. Хўжалик фаолияти субъектининг охирги ҳисобот санасидаги жорий активлари суммасининг 20 фоизидан ортиқ бўлган жарималарни ундириш унга ундириладиган суммани ундириш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб 6 ой мобайнида тўловларни ҳар ойда бўлиб-бўлиб тўлаш имконини берган ҳолда амалга оширилади»;

9-банд 10-банд деб ҳисоблансин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларини амалга оширишда назорат-касса машиналарини мажбурий қўллаш тартиби тўғрисида» 1994 йил 26 декабрдаги 621-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 5-сон, 28-модда) 8-бандининг биринчи ва иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

9. Импорт контрактни ҳисобга олиш ва унинг ҳаракатини назорат қилиш схемасида (Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 13 мартдаги 95-сон қарори билан тасдиқланган Импорт операциялар бўйича контрактларни ҳисобга олиш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш тўғрисида низомга илова):

а) 8-банддаги иккинчи жумла чиқариб ташлансин;

б) 9 ва 10-бандлар қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«9. Солиқ органлари контракт шартларининг бажарилмаганлиги сабабларини текширадилар ва, зарурат бўлганда, белгиланган тартибда хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан жарима санкцияларини қўллаш чораларини кўрадилар ёки ишни тегишли органларга топширадилар.

10. Хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб рақамлари бўйича операциялар улар томонидан жарима санкциялари тўлангунгача тўхтатиб турилади. Операцияларни тўхтатиб туриш суд тартибида амалга оширилади, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни лигализация қилиш ва терроризмни молиялаштиришнинг аниқланган ҳоллари бундан мустасно».

10. Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 30 мартдаги 126-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1996 й., 3-сон, 11-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази тўғрисида низомнинг 7-бандида:

а) қуйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши қўшилсин:

«қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда маъмурий қонун бузилиши тўғрисида протоколлар тузиш ва уларни судга жўнатиш»;

олтинчи—йигирма бешинчи хатбоши тегишли равишда еттинчи—йигирма олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

б) еттинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«эмитентлар, инвестиция институтлари ва қимматли қоғозлар бозорининг бошқа қатнашчилари томонидан Ўзбекистон Республикасининг қимматли қоғозлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилган тақдирда иқтисодий санкцияларни қўллаш тўғрисида судга мурожаат қилиш, кўрсатиб ўтилган санкцияларни қимматли қоғозлар бозори қатнашчилари томонидан қонун бузилишлари содир этилганлиги айби тан олинганда ва улар ихтиёрий равишда тўланганда қўллаш, ушбу тўловларнинг 10 фоизи Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг ижтимоий ривожлантириш ҳамда ходимларни моддий рағбатлантириш жамғармасига ўтказилади, қолган қисми эса давлат бюджети даромадига йўналтирилади»;

в) ўн бешинчи хатбошидаги «зарур ҳолларда депозитарийда, ишончли ва бошқарувчи компанияларда қимматли қоғозлар бозори қатнашчилари ҳисоб рақамлари

бўйича операцияларни қонун ҳужжатларига мувофиқ тегишли қарор қабул қилингунгача олди-сотди бўйича битишувларни, ишончли бошқарувга, сақлашга беришни, қонун ҳужжатлари бузилган ҳолда тузилган қимматли қоғозлар муомалада бўлиши билан боғлиқ бошқа битишувларнинг амал қилишини айни бир вақтда тўхтатиб турган ҳолда» сўзлари чиқариб ташлансин;

г) ўн тўққизинчи хатбошидаги «эмиссияни ва муомалада бўлишини тўхтатиб туриш ёки чеклаш» сўзлари «ўн иш кунидан ортиқ муддатга тўхтатиб туриш тўғрисида ёки эмиссияни ва муомалада бўлишини чеклаш тўғрисида судга мурожаат қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) йигирманчи хатбошидаги «қарор қабул қилиш» сўзлари «судга мурожаат қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

е) йигирма учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«биржалар иш қоидалари ва қимматли қоғозлар билан операциялар ўтказиш қоидалари бузилган тақдирда фонд биржасидаги операцияларни, шу жумладан клиринг операциялари ҳамда улар бўйича ҳисоб-китобларни ўн иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатга тўхтатиб туриш, ўн иш кунидан ортиқ муддатга тўхтатиб туриш тўғрисида эса судга мурожаат қилиш».

11. Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 14 августдаги 285-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1996 й., 8-сон, 24-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида четдан келтириладиган ва республиканинг ўзида ишлаб чиқариладиган тамаки маҳсулотлари ва спиртли ичимликларга акциз маркаларини қўллаш тартиби тўғрисида низомнинг 4-бандидаги «солиқ органлари қарорлари асосида мусодара қилиш» сўзлари «уларни кейинчалик суд тартибида давлат даромадига ўтказиш учун солиқ хизмати органлари томонидан белгиланган тартибда вақтинчалик олиб қўйиш» сўзлари билан алмаштирилсин.

12. Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 8 ноябрдаги 387-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1996 й., 11-сон, 31-модда) билан тасдиқланган Солиқлар ва бюджетга мажбурий тўловлар бўйича белгиланган муддатида тўланмаган солиқларни корхоналар ва ташкилотлар мол-мулки ҳисобидан ундириб олиш тартиби тўғрисида низомда:

а) 1-банднинг иккинчи хатбошидаги «солиқлар ҳамда бюджетга тўланадиган бошқа тўловлар бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини бузганлик учун жарималар ва бошқа хил санкциялар (бундан кейин — жарима санкциялари деб аталади)» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 3-банднинг биринчи ва учинчи хатбошидаги ҳамда 4-банднинг биринчи хатбошидаги «жарима санкцияларини» сўзлари «солиқлар ва йиғимларни тўлаш муддатини ўтказиб юборганлик учун пеняларни» сўзлари билан алмаштирилсин.

13. Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджетга тўловлар механизмини такомиллаштириш ва тўлов интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1996 йил 5 декабрдаги 431-сон қарорининг 10-бандида:

а) иккинчи хатбошидаги «корхоналар ва ташкилотлар» сўзларидан кейин «(тадбиркорлик субъектлари бундан мустасно)» сўзлари қўшилсин;

б) учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«солиқ органларида ҳисобга қўйилганлиги тўғрисидаги маълумотномасиз корхоналар ва ташкилотларга ҳисоб-китоб ва бошқа ҳисоб рақамлари очилганда банк муассасалари раҳбарларига;».

14. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 31 мартдаги 165-сон қарори билан тасдиқланган «Нархлар (тарифлар)ни шакллантириш ва уларнинг қўлланишини назорат қилиш тартибида»:

а) 19-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«19. Монополияга қарши давлат органи ўтказилган текширишлар асосида хўжалик юритувчи субъектлар томонидан нархларни давлат йўли билан тартибга солиш тартиби бузилиши натижасида олинган суммаларни истеъмолчиларга қайтариш тўғрисида ёхуд истеъмолчиларни аниқлаш мумкин бўлмаганда, Молия вазирлигининг бюджетдан ташқари «Нархларни бошқариш жамғармаси» ҳисоб рақамига ундириб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш юзасидан судга мурожаат қилади, олиб қўйилиши керак бўлган ва амалда тушган жарималар ҳисобини юритади»;

б) 20-банднинг бешинчи ва олтинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

в) 21-банднинг бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Маҳсулотларига, истеъмолчиларга қайтариш рентабеллигининг чекланган даражалари белгиланган корхоналар учун умуман маҳсулотлар (товарлар, хизматлар) гуруҳлари (турлари) бўйича рентабелликнинг чекланган даражасини ошириш ҳисобига олинган ва истеъмолчиларга қайтарилмаган ёхуд корхоналар томонидан чораклик ҳисоб-китоблар асосида Молия вазирлигининг бюджетидан ташқари «Нархларни бошқариш жамғармаси» ҳисоб рақамига киритилмаган сумма олиб қўйилиши керак»;

г) 22-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«22. Ушбу Тартибни бузиш натижасида олинган маблағлар (маҳсулотлар (товарлар ва хизматлар)нинг декларация қилинмаган нархини қўллашдан олинган тафовутдан ташқари) истеъмолчиларга қайтарилади ёхуд истеъмолчиларни аниқлаш мумкин бўлмаган тақдирда Молия вазирлигининг бюджетдан ташқари «Нархларни бошқариш жамғармаси» ҳисоб рақамига ундириб олинади.

Маҳсулотлар (товарлар ва хизматлар)нинг декларация қилинмаган нархини қўллашдан олинган тафовут истеъмолчиларга қайтарилади ёхуд, истеъмолчиларни аниқлаш мумкин бўлмаган тақдирда, тегишли бюджетга ундириб олинади.

Нархлар (тарифлар)ни шакллантириш ва уларнинг қўлланишини назорат қилиш тартибини бузганлик учун ушбу Тартибнинг 28-бандида белгиланган ҳолларда ва миқдорларда жарима ундирилади.

Монополист корхоналар томонидан монопол маҳсулотларни биржа савдолари ва кимошди савдолари орқали, шунингдек тўғридан-тўғри шартномалар бўйича биржа (кимошди савдолари) котировкаларининг ўртача олинган нархларида сотишда уларга нисбатан декларация қилинган чекланган нархни оширганлик учун санкциялар қўлланмайди»;

д) 26-бандда;

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«ноқонуний олинган маблағларни ундириш ва ушбу Тартибни бузганлик учун жарима солиш тўғрисида суд қарори олингач бир ой муддатда ушбу маблағларни Молия вазирлигининг бюджетдан ташқари «Нархларни бошқариш жамғармаси» ҳисоб рақамига ёхуд тегишли бюджетга ундириб олиш чора-тадбирларини кўрадилар»;

учинчи хатбошидаги «маблағларни олиб қўйиш тўғрисида қарор қабул қилган монополияга қарши давлат органи» сўзлари чиқариб ташлансин;

е) 27-банддаги «ноқонуний олинган маблағларни олиб қўйиш ва жарима солиш тўғрисида қарор қабул қилиш» сўзлари «тегишли чора-тадбирлар кўриш» сўзлари билан алмаштирилсин.

ж) 28-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«28. Ушбу Тартибнинг бузилганлигини мустақил равишда аниқлаган ва бунинг натижасида ортиқча сумма олган хўжалик юритувчи субъект уларни истеъмолчиларга қайтаради ёхуд истеъмолчиларни аниқлаш мумкин бўлмаган тақдирда Молия

вазирлигининг бюджетидан ташқари «Нархларни бошқариш жамғармаси ҳисоб рақамига ёки тегишли бюджетга ўтказади. Бу ҳолда жарима қўлланмайди.

Ушбу Тартибнинг бузилганлиги монополияга қарши орган томонидан аниқланган тақдирда 10 фоиздан 20 фоизгача миқдорда жарима қўлланади, худди шундай бузилиш жарима қўллангандан кейин бир йил мобайнида такроран аниқланган тақдирда ушбу Тартибнинг 22-банди биринчи ва иккинчи хатбошига мувофиқ қайтариладиган (олиб қўйиладиган) сумманинг 20 фоиздан 50 фоизигача миқдорда жарима қўлланади.

Жарима солиш суд тартибида амалга оширилади, тайёрловчилар (ижрочилар, сотувчилар) томонидан содир этилган қонун бузилиши айби тан олинган ва жарима ихтиёрий равишда тўланган ҳолларда эса — давлатнинг ваколатли органи томонидан амалга оширилади.

Хўжалик фаолияти субъектининг охирги ҳисобот санасидаги жорий активлари суммасининг 20 фоизидан ортиқ бўлган миқдордаги жаримани ундириш унга ундириладиган суммани ундириш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб 6 ой мобайнида тўловларни ҳар ойда бўлиб-бўлиб тўлаш имконини берган ҳолда амалга оширилади».

15. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 30 июлдаги 374-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1997 й., 7-сон, 26-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси тўғрисида низомнинг 9-бандида:

а) саккизинчи хатбошидаги «мусодара қилиш тўғрисида» сўзларидан кейин «(хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан суд тартибида)» сўзлари қўшилсин;

б) ўн бешинчи ва ўн олтинчи хатбошидаги «ва (ёки) жазо жарималари» сўзлари чиқариб ташлансин;

в) йигирма биринчи хатбошидаги «ва ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиларининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш» сўзлари «ва ушбу товарларга тааллуқли ҳужжатларни текшириш» сўзлари билан алмаштирилсин.

16. Вазирлар Маҳкамасининг «Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслардан солиқлар ва йиғимларни ундиришни тартибга солиш тўғрисида» 1997 йил 23 октябрдаги 483-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1997 й., 10-сон, 35-модда):

а) 1-бандда:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи хатбошидаги «рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси олиб қўйилади» ва «эса» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 7-банднинг биринчи хатбоши чиқариб ташлансин;

в) 9-банд ва қарорга илова чиқариб ташлансин.

17. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига этил спиртини олиб келишни ва унинг транзитини тақиқлаш тўғрисида» 1998 йил 15 майдаги 213-сон қарорининг 2-бандидаги «спиртни давлат фойдасиги мусодара қилсинлар» сўзлари «спиртни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат даромадига ўтказиш бўйича тегишли чора-тадбирлар кўрсинлар» сўзлари билан алмаштирилсин.

18. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 2 июлдаги 275-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1998 й., 7-сон, 23-модда) билан тасдиқланган Спирт ва алкоголли маҳсулотларни ишлаб чиқариш, идишларга қуйиш, сақлаш ва улгуржи сотишни ҳисобга олиш ҳамда назорат қилишга оид низомнинг «Умумий қоидалар» бўлими олтинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Вазирлар Маҳкамасининг рухсатисиз келтирилган чет эл озиқ-овқат спирти-

дан алкоголли маҳсулот ишлаб чиқаришга йўл қўйилмайди. Чет эл озиқ-овқат спирти мавжудлиги, шунингдек бундай спиртни келтиришга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг рухсатномасига эга бўлмаган корхоналар томонидан мазкур спиртдан алкоголли маҳсулот ишлаб чиқариш ҳоллари аниқланган тақдирда давлат солиқ хизмати органлари спиртни ва ушбу спиртдан ишлаб чиқарилган алкоголли маҳсулотни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат даромадига ўтказиш бўйича тегишли чора-тадбирлар кўрадилар».

19. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 8 июлдаги 286-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1998 й., 7-сон, 24-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта назорати давлат инспекцияси тўғрисида низом 3-бандининг ўнинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«суғурталовчилар ва суғурта брокерлари лицензияларининг амал қилишини кўпи билан ўн иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатга тўхтатиб туриш ёхуд суғуртанинг айрим турлари (класслари)га нисбатан тўлиқ тўхтатиш, ҳуқуқий таъсир кўрсатиш чораси сифатида кўрсатиб ўтилган лицензияларнинг амал қилишини ўн иш кунидан ортиқ муддатга тўхтатиб туриш ва тўхтатиш тўғрисида судга мурожаат қилиш».

20. Вазирлар Маҳкамасининг «Спирт ва алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларнинг айланиши устидан давлат назоратини мустаҳкамлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1999 йил 5 январдаги 2-сон қарорининг 5-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 1-сон, 2-модда) қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«5. Белгилаб қўйилсинки:

озиқ-овқат спирти ва алкоголли маҳсулот ишлаб чиқарувчи юридик шахсларга — хом ашё ресурслари, спирт ва алкоголли маҳсулотни сарфлаш ва сақланишини таъминлаш, уларни ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг белгиланган тартибини бузганлик учун энг кам ойлик иш ҳақининг 50 бараваридан 100 баравагигача миқдорда жарима солинади;

алкоголли маҳсулотни акциз маркаларисиз ишлаб чиқарувчи юридик шахсларга энг кам ойлик иш ҳақининг 300 бараваридан 500 бараваригача миқдорда жарима солинади;

акциз маркаларисиз ёки сохта акциз маркалари билан ноқонуний ишлаб чиқарилган алкоголли маҳсулотни сотувчи юридик шахсларга энг кам ойлик иш ҳақининг 100 бараваридан 200 бараваригача миқдорда жарима солинади ва улар алкоголли маҳсулот билан савдо қилиш ҳуқуқидан маҳрум этилади.

Жарима санкциялари суд тартибида қўлланади, тадбиркорлик субъектлари томонидан содир этилган қонунни бузиш айби тан олинган ва жарима санкциялари суммаси ихтиёрий равишда тўланган ҳолларда эса солиқ органлари томонидан қўлланади ва улар давлат бюджетига тушади.

Хўжалик фаолияти субъектининг охирги ҳисобот санасидаги жорий активлари суммасининг 20 фоизидан ортиқ бўлган жарималарни ундириш унга ундириладиган суммани ундириш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб 6 ой мобайнида тўловларни ҳар ойда бўлиб-бўлиб тўлаш имконини берган ҳолда амалга оширилади».

21. Вазирлар Маҳкамасининг «Вино-арoқ маҳсулотларини улгуржи ва чакана сотишни тартибга солиш тўғрисида» 1999 йил 26 мартдаги 136-сон қарорининг 7-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 3-сон, 16-модда) чиқариб ташлансин.

22. Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳоли билан ҳисоб-китобларни амалга оширишда назорат-касса машиналарини мажбурий қўллаш тар-

тиби тўғрисида» 1994 йил 26 декабрдаги 621-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 1999 йил 21 майдаги 264-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 5-сон, 28-модда) 1-бандининг иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

23. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 июлдаги 327-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 7-сон, 35-модда) билан тасдиқланган Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартиби тўғрисида низомда:

а) 1.2-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«1.2. Мазкур Низомда «молия-хўжалик фаолияти» атамаси остида корхоналарнинг маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ҳамда бухгалтерия-молия, ҳисоб-китоб ва товарга илова ҳужжатларини юритиш билан боғлиқ хизматлар кўрсатиш фаолияти тушунилади»;

б) 2.1-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«2.1. Савдо ва савдо-воситачи корхоналар томонидан уч ой мобайнида, бошқа хўжалик юритувчи субъектлар — юридик шахслар томонидан эса — олти ой мобайнида банк ҳисоб рақамлари бўйича пул операцияларини ўтказган ҳолда молия-хўжалик фаолияти амалга оширилмаган ҳолларда тижорат банклари уч кун муддатда у ҳисобга қўйилган жойдаги солиқ хизмати органига ахборот тақдим этади, ахборотда қуйидагилар кўрсатилади:

банкда ҳисоб рақами очилган ва охирги операция ўтказилган сана;

банк ҳисоб рақамларида пул маблағларининг мавжудлиги;

мавжуд дебиторлик ва кредиторлик қарзларнинг, кредиторлар рўйхати кўрсатилган ҳолдаги 2-картотеканинг мавжудлиги;

корхонанинг мансабдор шахслари.

Банк ҳисоб рақамлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисида суднинг тегишли қарори тақдим этилган тақдирда банклар кейинги иш кунидан кечикмай хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисоб рақамларини ёпадилар.

Бунда хўжалик юритувчи субъектларнинг ёпилаётган ҳисоб рақамларидаги маблағлар қолдиқлари фойдаланиш ҳуқуқисиз тижорат банклари томонидан махсус ҳисоб рақамларига ўтказилади, хўжалик юритувчи субъектнинг тўлов учун банкка тақдим этилган кредиторлик қарзи эса кўзда тутилмаган ҳолатлар алоҳида ҳисоб рақамига ўтказилади.

Хўжалик юритувчи субъектлар номига тушган маблағлар уларнинг банкдаги ҳисоб рақамлари ёпилгандан кейин фойдаланиш ҳуқуқисиз махсус ҳисоб рақамларига ўтказилади.

Фойдаланиш ҳуқуқисиз махсус ҳисоб рақамларида жамланган маблағлар тижорат банклари томонидан биринчи навбатда хўжалик юритувчи субъектларнинг бюджетдан ва бюджетдан ташқари фондлардан қарзини тўлашга, қолган сумма эса — тўловларнинг календарь навбати бўйича уларнинг кредиторлик қарзини тўлашга йўналтирилади»;

в) 2.7-банднинг иккинчи хатбошидаги «шунингдек банкка хўжалик юритувчи субъектнинг ёпилган ҳисоб рақамларини тиклаш тўғрисида тегишли хат юборилади» сўзлари чиқариб ташлансин.

24. Вазирлар Маҳкамасининг «Спирт, алкоголли маҳсулотлар ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотишни давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 23 сентябрдаги 444-сон қаро-

рининг 7-банди бешинчи хатбоши (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 9-сон, 58-модда) чиқариб ташлансин.

25. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш тўғрисида» 2000 йил 5 майдаги 180-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 5-сон, 23-модда):

а) 1-илованинг 9.1-бандида:

«а» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

а) Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш Республика кенгаши томонидан тасдиқланган режага мувофиқ мулкчиликнинг барча шаклларидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш»;

«г» кичик бандининг учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

«и» кичик бандига қуйидаги мазмундаги жумла қўшилсин:

«Тадбиркорлик субъектларининг банклардаги ҳисоб рақамлари бўйича операцияларини тўхтатиб туриш суд тартибида амалга оширилади, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришнинг аниқланган ҳоллари бундан мустасно»;

«л» кичик бандидаги «мусодара қилиш» сўзлари «давлат даромадига ўтказиш тўғрисида судга мурожаат қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

«м» кичик бандидаги «шунингдек жарималар суммаларини» сўзлари «ҳамда солиқлар ва йиғимларни тўлаш муддатини ўтказиб юборганлик учун пеняларни» сўзлари билан алмаштирилсин;

«о» кичик бандининг тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

б) 4-илованинг 4.1-бандида:

учинчи хатбошидаги жумла олдига «текширишларни ўтказиш вақтида» сўзлари қўшилсин;

ўн биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«хўжалик юритувчи субъектлар (солиқ тўловчилар)нинг улар ҳужжатлар асосида ва назорат тартибидаги текширишларни ўтказишга ёки текшириш учун давлат солиқ хизмати органлари мансабдор шахсларини даромад (фойда) кўриш учун фойдаланиладиган ёхуд солиқ солиш объектини сақлаш билан боғлиқ хоналар ва жойларга киришига тўсқинлик қилган, давлат солиқ органларига ҳамда уларнинг мансабдор шахсларига текширишларни ўтказиш вақтида молиявий ҳисоботлар, ҳисоб-китоблар, декларациялар ва солиқларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш билан боғлиқ бошқа ҳужжатларни тақдим этмаган (ёки тақдим этишни рад этган) ҳолларда уларнинг банклардаги ва бошқа молия-кредит ташкилотларидаги ҳисоб-китоб ва бошқа счётлар бўйича операцияларини тўхтатиб қўйиш тўғрисида судга мурожаат қилиш (жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришнинг аниқланган ҳоллари бундан мустасно)».

26. Вазирлар Маҳкамасининг «Биржадан ташқари валюта бозорини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 29 июндаги 245-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 6-сон, 33-модда):

а) 4-бандга қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши қўшилсин:

«ушбу қарорда белгиланган жарима санкциялари қўлланган тақдирда, ташқи савдо операциялари бўйича тўлов муддати ўтган дебиторлик қарзларни ундириш муддатларидан қатъи назар, юридик шахслар-резидентларга нисбатан айнан ўша контрактлар бўйича такрорий санкциялар қўлланмайди»;

б) қарорга қуйидаги мазмундаги олтинчи банд қўшилсин:

«6. Юридик шахс-резидентнинг охирги ҳисобот санасидаги жорий активлари суммасининг 20 фоизидан ортиқ бўлган жарима санкцияларини ундириш унга ун-

дириладиган суммани ундириш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб 6 ой мобайнида тўловларни ҳар ойда бўлиб-бўлиб тўлаш имконини берган ҳолда амалга оширилади»;

6—9-бандлар тегишли равишда 7—10-бандлар деб ҳисоблансин.

27. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 14 августдаги 318-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 8-сон, 51-модда) билан тасдиқланган Алоқа соҳасидаги меъёрий ҳужжатлар, давлат ва тармоқ стандартлари талабларини, кўрсатилаётган хизматлар сифатини бузганлик учун иқтисодий санкцияларни ҳисоблаш тартибида:

а) 2-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Тадбиркорлик субъектларига нисбатан иқтисодий санкциялар суд тартибида қўлланади, улар томонидан содир этилган қонун бузилиши айби тан олинган ва иқтисодий санкциялар суммаси ихтиёрий равишда тўланган ҳолларда эса — Ўзбекистон Республикасида почта ва телекоммуникациялар хўжалик юритувчи субъектлари фаолияти устидан давлат назорати ўрнатиш бўйича Давлат алоқа инспекцияси (Давлат алоқа инспекцияси) томонидан қўлланади»;

б) 7-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«7. Пул жўнатмалари ва пенсия суммалари, почта жўнатмаларининг тадбиркорлик субъектлари томонидан биринчи марта ва эҳтиётсизлик туфайли содир этилган, шунингдек зарар етказмайдиган обуна ва чакана савдо суммалари ва нашрларининг корхона айби билан ўғирланишидан ташқари, норматив ҳужжатларни, давлат ва тармоқ стандартларини бузганлик учун хўжалик юритувчи субъектларни жавобгарликка тортиш уларнинг мансабдор шахсларига нисбатан маъмурий жавобгарлик чораларини қўллаш билан чекланади. Ушбу ҳолатда хўжалик юритувчига нисбатан иқтисодий санкциялар қўлланмайди.

Хўжалик юритувчи субъектнинг охирги ҳисобот санасидаги жорий активлари суммасининг 20 фоизидан ортиқ бўлган иқтисодий санкцияларни ундириш унга ундириладиган суммани ундириш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб 6 ой мобайнида тўловларни ҳар ойда бўлиб-бўлиб тўлаш имконини берган ҳолда амалга оширилади».

28. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 сентябрдаги 364-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 9-сон, 61-модда) билан тасдиқланган Табиий монополия субъектларининг товарлари (ишлари, хизматлари)га нархлар (тарифлар) белгилаш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 13-банднинг биринчи ва иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Белгилаб қўйилган ва чекланган нархлар (тарифлар)ни ҳамда устамаларни ошириб юбориш, нархлар (тарифлар)ни белгилаш учун ёки рентабелликнинг чекланган даражасини аниқлаш учун молия органларига нотўғри ахборот бериш, уларнинг ошириб юборилишига сабаб бўлган устамаларни қўллаш, шунингдек маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) қийматига уларнинг нархида ҳисобга олинган амалда ишлатилмаган материалларни ёки бажарилмаган ишларни киритиш ҳоллари монополияга қарши давлат органи томонидан аниқланган тақдирда асоссиз олинган даромад (фойда)ни бевосита истеъмолчига қайтариш ёхуд истеъмолчиларни аниқлаш имкони бўлмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг «Нархларни бошқариш жамғармаси»га ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

Асоссиз олинган даромад (фойда) маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни оширилган нархлар ва тарифлар бўйича (уларга қўшимча тўлов, чегирмалар ва шу кабиларни ҳисобга олган ҳолда) сотишдан амалда олинган тушум билан қонун ҳужжат-

ларига мувофиқ шакллантирилган нархлар ва тарифлар бўйича (уларга қўшимча тўлов, чегирмалар ва шу кабиларни ҳисобга олган ҳолда) айнан шу маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)нинг қиймати ўртасидаги тафовут сифатида аниқланади»;

б) 15-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«15. Мазкур Низом бузилишини мустақил равишда аниқлаган ва бунинг натижасида ортиқча сумма олган табиий монополия субъекти уларни истеъмолчига қайтаради ёхуд истеъмолчиларни аниқлаш имкони бўлмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг бюджетдан ташқари «Нархларни бошқариш жамғармаси»га ёки тегишли бюджетга ўтказади. Бу ҳолда жарима қўлланмайди.

Мазкур Низомнинг бузилиши монополияга қарши орган томонидан аниқланган тақдирда ноқонуний олинган сумманинг 10 фоизидан 20 фоизигача, айнан шу бузилиш жарима қўллангандан кейинги икки йил мобайнида такроран аниқланган тақдирда эса — 20 фоизидан 50 фоизигача жарима қўлланади.

Жарима солиш суд тартибида, тайёрловчилар (ижрочилар, сотувчилар) томонидан содир этилган қонунни бузиш айби тан олинганда ва жарима ихтиёрий равишда тўланганда эса — монополияга қарши давлат органи томонидан амалга оширилади.

Хўжалик фаолияти субъектининг охирги ҳисобот санасидаги жорий активлари суммасининг 20 фоизидан ортиқ бўлган жаримани ундириш унга жарима солиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб 6 ой мобайнида тўловларни ҳар ойда бўлиб-бўлиб тўлаш имкони берган ҳолда амалга оширилади».

29. Вазирлар Маҳкамасининг «Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширишларининг аҳамиятини ошириш тўғрисида» 2000 йил 22 сентябрдаги 365-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 9-сон, 62-модда):

а) 1-банднинг иккинчи хатбошидаги «ва бошқа назорат органлари» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 3-банднинг бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«аудиторлик фаолиятини амалга оширишга берилган лицензиянинг амал қилишини ўн иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатга тўхтатиб туриш, кўрсатиб ўтилган лицензияларнинг амал қилишини ўн иш кунидан ортиқ муддатга тўхтатиб туриш, тўхтатиш ва уларни бекор қилиш тўғрисида судга мурожаат қилиш»;

в) 2-иловада:

5-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Мажбурий аудиторлик текширишни ўтказишдан бўйин товлаш сабаби юзасидан аудиторлик хулосаси мавжуд бўлмаганда хўжалик юритувчи субъектга жарима суд тартибида, унинг томонидан содир этилган қонун бузилиши айби тан олинганда ва жарима ихтиёрий равишда тўланганда эса — солиқ органи томонидан солинади»;

8-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

10-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«10. Солиқ органларининг мансабдор шахслари мажбурий аудиторлик текширишини ўтказмаган хўжалик юритувчи субъектга нисбатан қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган чораларни қўлламаганлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар»;

г) 3-иловада:

3-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«3. Лицензияловчи органнинг аудиторлик фаолиятини амалга оширишга лицензия бериш, беришни рад этиш, унинг амал қилишини тўхтатиш, уни бекор қилиш, амал

қилишини ўн иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатга тўхтатиб туриш ёки лицензиянинг амал қилишини тиклаш тўғрисидаги қарори Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг буйруғи билан расмийлаштирилади»;

28-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«28. Аудиторлик ташкилоти томонидан лицензия талаблари ва шартлари бузилган тақдирда лицензияловчи орган лицензиянинг амал қилишини ўн иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатга тўхтатиб туришга ёхуд ўн иш кунидан ортиқ муддатга тўхтатиб туриш ёки тўхтатиш тўғрисида судга мурожаат қилишга ҳақлидир»;

29-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«29. Лицензиянинг амал қилиши аудиторлик ташкилоти томонидан лицензия талаблари ва шартларининг бузилганлиги аниқланган, шунингдек лицензияловчи органнинг аниқланган бузилишларни бартараф этиш тўғрисидаги қарори аудиторлик ташкилоти томонидан бажарилмаган тақдирда тўхтатиб турилиши мумкин.

Лицензияловчи органнинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори у қабул қилинган кундан бошлаб уч кундан кечикмай ёзма шаклда аудиторлик ташкилотига етказилади. Суднинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори аудиторлик ташкилотига ва лицензияловчи органга қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда етказилади.

Лицензияловчи орган ёки суд лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туришга сабаб бўлган ҳолатларни бартараф этиш учун аудиторлик ташкилотига муддат белгилайди. Бунда лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туришга сабаб бўлган ҳолатларни бартараф этиш учун суд қарорида белгиланган муддат олти ойдан ортиқ бўлиши мумкин эмас»;

31-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«31. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туришга сабаб бўлган ҳолатларни аудиторлик ташкилоти томонидан бартараф этишда лицензияловчи орган ёки лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисида қарор қабул қилган суд кўрсатиб ўтилган ҳолатларнинг бартараф этилганлиги тўғрисидаги тасдиқнома олинган кундан бошлаб ўн кун муддатда лицензиянинг амал қилишини тиклаш тўғрисида қарор қабул қилиши шарт»;

32-банддаги «амал қилишини тўхтатади» сўзлари «амал қилишини тўхтатиш тўғрисида судга мурожаат қилади» сўзлари билан алмаштирилсин;

33-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«33. Лицензиянинг амал қилиши қуйидаги ҳолларда ҳам тўхтатилади:

аудиторлик ташкилоти лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилганда;

аудиторлик ташкилоти тугатилганда;

аудиторлик ташкилотининг фаолияти қайта ташкил этиш натижасида тўхтатилганда, у қайта ўзгартирилган ҳоллардан ташқари;

аудиторлик ташкилоти томонидан лицензия талаблари ва шартлари мунтазам равишда ёки бир марта қўпол тарзда бузилганда;

лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туришга сабаб бўлган ҳолатлар аудиторлик ташкилоти томонидан лицензияловчи орган ёки суд белгилаган муддатда бартараф этилмаганда;

лицензияловчи органнинг лицензия бериш тўғрисидаги қарорининг ноқонунийлиги аниқланганда.

Лицензиянинг амал қилишини ушбу банднинг бешинчи—еттинчи хатбошида назарда тутилган ҳолларда тўхтатиш суд қарорига кўра, бошқа ҳолларда эса — лицензияловчи органнинг қарорига кўра амалга оширилади.

Лицензияловчи органнинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги қарори аудиторлик ташкилотига ёзма шаклда, асосли сабаби кўрсатилган ҳолда, у қабул қилинган кундан бошлаб уч кундан кечикмай етказилади. Суднинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги қарори аудиторлик ташкилотига ва лицензияловчи органга қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда етказилади.

Лицензия унинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги қарор аудиторлик ташкилоти томонидан олинган кундан бошлаб ўн кун мобайнида лицензияловчи органга ва йўқ қилиш учун қайтарилади.

Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан бошлаб тўхтатилади».

35-банднинг олтинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Лицензияни ушбу банднинг учинчи ва тўртинчи хатбошида назарда тутилган ҳолларда бекор қилиш суд тартибида, бошқа ҳолларда эса лицензияловчи органнинг қарорига кўра амалга оширилади»;

36-банднинг биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Лицензияловчи органнинг лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарори аудиторлик ташкилотига ёзма шаклда, қарор қабул қилинган кундан бошлаб уч кундан кечикмай етказилади. Суднинг лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарори аудиторлик ташкилотига ва лицензияловчи органга қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда етказилади»;

37-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«37. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, янгилаш, тўхтатиш, лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарорлар оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши керак».

30. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги 458-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 11-сон, 73-модда) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомда:

а) 6-банднинг учинчи хатбошига қуйидаги мазмундаги жумла қўшилсин:

«Бунда якка тартибдаги лицензияларнинг амал қилиш муддати 5 йилдан кам бўлиши мумкин эмас»;

в) 13-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

г) 41-банднинг иккинчи хатбошидаги «лицензияни олиш билан бир вақтда» сўзларидан кейин «ёхуд ҳар йили тенг улушларда» сўзлари қўшилсин;

д) 45-бандда:

биринчи хатбошидаги «тўхтатиб туриши» сўзларидан олдин «ўн иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатга» сўзлари қўшилсин;

ушбу бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Лицензиянинг амал қилишини ўн иш кунидан ортиқ муддатга тўхтатиб туриш суд тартибида амалга оширилади»;

е) 46-банддаги «тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор» сўзларидан олдин «ўн иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатга ёки лицензиянинг амал қилишини ўн иш кунидан ортиқ муддатга тўхтатиб туриш тўғрисида судга мурожаат қилади» сўзлари қўшилсин;

ж) 47-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«47. Лицензияловчи органнинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори ёзма шаклда, асосли сабаби кўрсатилган ҳолда, қарор қабул қилинган кундан бошлаб уч кундан кечикмай етказилади. Суднинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда етказилади»;

з) 48-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тиклаш тўғрисидаги қарор оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши керак»;

и) 49-банднинг саккизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Лицензиянинг амал қилиши ушбу банднинг тўртинчи—олтинчи хатбошида назарда тутилган ҳолларда суд қарорига кўра, бошқа ҳоларда эса лицензияловчи органнинг қарорига кўра тўхтатилади»;

й) 50-банднинг биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«50. Лицензияловчи органнинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги қарори ёзма шаклда, асосли сабаби кўрсатилган ҳолда, қарор қабул қилинган кундан бошлаб уч кундан кечикмай етказилади. Суднинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда етказилади»;

к) 52-бандда:

биринчи хатбошидаги «лицензияловчи орган томонидан» сўзлари чиқариб ташлансин;

бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Лицензия ушбу банднинг тўртинчи хатбошида назарда тутилган ҳолларда суд қарорига кўра, бошқа ҳолларда эса лицензияловчи органнинг қарорига кўра бекор қилинади»;

олтинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Лицензияловчи органнинг лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарори ёзма шаклда, асосли сабаби кўрсатилган ҳолда, қарор қабул қилинган кундан бошлаб уч кундан кечикмай етказилади. Суднинг лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарори қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда етказилади. Лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарор лицензиат томонидан олинган кундан бошлаб ўн кун мобайнида лицензия лицензияловчи органга ва йўқ қилиш учун қайтарилади»;

еттинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарор оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши керак».

31. Вазирлар Маҳкамасининг «Нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш ва тижорат банкларининг масъулиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2001 йил 22 июндаги 264-сон қарорининг 3-бандида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 6-сон, 31-модда):

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи ва тўртинчи хатбоши иккинчи ва учинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«белгиланган савдо қоидалари бузилган, назорат-касса машиналаридан фойдаланилмаган ва нақд пул маблағлари банк кассаларига ўз вақтида топширилмаган ҳолларда шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари солиқ органларининг тақдимномасига кўра чакана савдо ва пулли хизматлар кўрсатиш учун берилган рухсатномаларнинг амал қилишини ўн иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатга тўхтатиб қўяди ёхуд ўн иш кунидан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйиш ёки рухсатномаларни бекор қилиш тўғрисида судга мурожаат қилади».

32. Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида» 2002 йил 6 майдаги 154-сон қарорининг 6-бандида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 5-сон, 24-модда):

а) биринчи хатбошидан «ва Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид

жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) иккинчи хатбошидаги «мусодара қилинади» сўзлари «қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат даромадига ўтказилади» сўзлари билан алмаштирилсин.

33. Вазирлар Маҳкамасининг «Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 5 августдаги 280-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 8-сон, 46-модда):

а) 2-бандда:

иккинчи хатбошидан «ва Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти» сўзлари чиқариб ташлансин;

учинчи хатбошидаги «чакана савдо ва пулли хизматлар кўрсатиш ҳуқуқини берувчи рухсатномаларнинг амал қилишини тўхтатишгача бўлган» сўзлари «шу жумладан чакана савдо ва пулли хизматлар кўрсатиш учун берилган рухсатномаларнинг амал қилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўхтатиш бўйича» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 6 ва 7-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

в) 8-банддан «Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти» сўзлари чиқариб ташлансин;

г) иловада:

2-банднинг «Масъул бажарувчилар» устунидан «Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаменти, Марказий банк, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари» сўзлари чиқариб ташлансин;

5-банднинг «Масъул бажарувчилар» устунидан «тижорат банклари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари» сўзлари чиқариб ташлансин;

6-банднинг «Масъул бажарувчилар» устунидан «Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаменти, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари» сўзлари чиқариб ташлансин;

10-банднинг «Масъул бажарувчилар» устунидан «Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаменти» сўзлари чиқариб ташлансин.

34. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Пахта тозалаш саноати корхоналарида ҳисоб ва ҳисобот тизимини такомиллаштириш устидан назоратни кучайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2002 йил 13 ноябрдаги ПФ–3161-сон Фармонини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 15 ноябрдаги 393-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 11-сон, 69-модда):

а) 1-иловада «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини тафтиш қилиш бўлими» устуни «Ҳукумат томонидан кафолатланган кредитлардан фойдаланишни назорат қилиш бўлими» устуни билан алмаштирилсин;

б) 2-иловада:

7-банднинг йигирма иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«бюджет ссудаларидан, Ҳукумат томонидан ёки унинг кафолати остида жалб этилган маблағлар ва кредитлардан хўжалик юритувчи субъектларнинг мақсадли фойдаланишини текшириш»;

8-банднинг ўн учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«бюджет ссудаларидан, Ҳукумат томонидан ёки унинг кафолати остида жалб этилган маблағлар ва кредитлардан хўжалик юритувчи субъектларнинг мақсадли фойдаланишини текшириш»;

9-банднинг бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«бюджет ссудаларидан, Ҳукумат томонидан ёки унинг кафолати остида жалб этилган маблағлар ва кредитлардан хўжалик юритувчи субъектларнинг мақсадли фойдаланишини текшириш»;

10-банднинг бешинчи хатбошидан «ва хўжалик юритувчи субъектлар» сўзлари чиқариб ташлансин;

11.6-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ҳукумат томонидан кафолатланган кредитлардан фойдаланишни назорат қилиш бўлими»;

12.3-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ҳукумат томонидан кафолатланган кредитлардан фойдаланишни назорат қилиш бўлими»;

18-банддаги «махсус ваколатли органнинг рухсати бўйича эса хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилади ва текширади» сўзлари «шунингдек бюджет ссудаларидан, Ҳукумат томонидан ёки унинг кафолати остида жалб этилган маблағлар ва кредитлардан хўжалик юритувчи субъектларнинг мақсадли фойдаланишини текширади» сўзлари билан алмаштирилсин.

35. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 ноябрдаги 407-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 11-сон, 71-модда) билан тасдиқланган Улгуржи ва чакана савдо фаолиятини рўйхатдан ўтказиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 28 ва 39-бандлар матнлари қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Рухсат гувоҳномасини чақириб олиш суд тартибида амалга оширилади»;

б) 29-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«29. Рухсат гувоҳномасининг амал қилиши ҳафта мобайнида савдо айланмаси мавжуд бўлмаган ёки нақд пул тушумини инкассация қилиш қоидалари бузилган тақдирда хизмат кўрсатувчи банк ахбороти асосида давлат солиқ хизмати органи тақдимномасига кўра ўн иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатга тўхтатиб турилиши мумкин. Рухсатномани берган туман (шаҳар) ҳокимлиги рухсат гувоҳномасининг амал қилишини тузилган шартномалар бўйича товарлар олинганлиги тўғрисида тасдиқнома олинган тақдирда тиклаши мумкин. Рухсат гувоҳномасининг амал қилишини ўн иш кунидан ортиқ бўлган муддатга тўхтатиб туриш суд тартибида амалга оширилади».

36. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 ноябрдаги 413-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 11-сон, 72-модда) билан тасдиқланган Суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомнинг 31-банди еттинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ёки лицензияни бекор қилиш тўғрисида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қарор чиқариш ёки судга мурожаат қилиш».

37. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 февралдаги 66-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 2-сон, 14-модда) билан тасдиқланган Биржа фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомда:

а) 30-банднинг еттинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ёки лицензияни бекор қилиш тўғрисида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қарор чиқариш ёки судга мурожаат қилиш»;

б) 32-банддан «лицензияловчи орган томонидан» сўзлари чиқариб ташлансин.

38. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги 75-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 2-сон, 15-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида умумий овқатланиш маҳсулотларини (хизматларни) ишлаб чиқариш ва сотиш қоидаларининг 26-банди тўққизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Рухсат гувоҳномасини олиб қўйиш ва бекор қилиш, шунингдек унинг амал қилишини ўн иш кунидан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйиш ва тўхтатиш уларни бериш ваколатига эга бўлган органнинг мурожаати бўйича суд тартибида, ўн иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатга тўхтатиб қўйиш эса — уларни беришга ваколатли бўлган органнинг қарори бўйича амалга оширилади. Мазкур Қоидаларга риоя қилинишини текшириш далолатномалари ёки ваколатли давлат органларининг тақдимномалари судга мурожаат қилиш учун асос ҳисобланади. Айни бир қонун бузилиши учун бир неча санкция қўлланилишига йўл қўйилмайди».

39. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 8 майдаги 210-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 5-сон, 36-модда) билан тасдиқланган Баҳолаш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомда:

а) 31-банднинг еттинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ёки лицензияни бекор қилиш тўғрисида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қарор чиқариш ёки судга мурожаат қилиш»;

б) 33-банддан «лицензияловчи орган томонидан» сўзлари чиқариб ташлансин.

40. Вазирлар Маҳкамасининг «Назорат-касса машиналаридан фойдаланишда жавобгарликни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 23 майдаги 230-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 5-сон, 41-модда):

а) 2-банд чиқариб ташлансин;

б) 5-банддан «Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти» сўзлари чиқариб ташлансин.

41. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 28 июндаги 289-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 6-сон, 50-модда) билан тасдиқланган Нефть маҳсулотларини автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчалари ва мой алмаштириш пунктлари орқали сотиш бўйича фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомда:

а) 5-банднинг биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«5. Нефть маҳсулотларини сотиш бўйича фаолиятни лицензиялаш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг нефть маҳсулотларини автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчалари ва мой алмаштириш пунктлари орқали сотиш бўйича фаолиятни лицензиялаш ҳудудий комиссиялари (кейинги ўринларда матнда «Комиссия» деб юритилади) томонидан амалга оширилади»;

б) 32-банднинг еттинчи хатбошидаги «қарорни» сўзи «таклифни» сўзи билан алмаштирилсин;

в) 34-банднинг биринчи хатбошидан «Комиссия томонидан» сўзлари чиқариб ташлансин;

г) 35-бандда:

биринчи хатбошидан «Комиссиянинг қарорига кўра» сўзлари чиқариб ташлансин;

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

д) 36-бандда:

биринчи хатбошидан «Комиссиянинг қарорига кўра» сўзлари чиқариб ташлансин.

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

42. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 1 июлдаги 298-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 7-сон, 55-модда) билан тасдиқланган Патент вакиллари тўғрисидаги низомда:

а) 21-бандда:

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин ва қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«реестрдан чиқариш тўғрисида судга мурожаат қилиш»;

б) 23-банднинг тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«суднинг қарори».

43. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 9 июлдаги 308-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 7-сон, 60-модда) билан тасдиқланган Қимматли қоғозлар бозорида касбий фаолиятни (инвестиция институтларининг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятини) лицензиялаш тўғрисидаги низомда:

а) 37-банднинг еттинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ёки лицензияни бекор қилиш тўғрисида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қарор чиқариш ёки судга мурожаат қилиш»;

б) 39-банднинг биринчи хатбошидан «лицензияловчи орган томонидан» сўзлари чиқариб ташлансин.

44. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 16 июлдаги 314-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 7-сон, 62-модда) билан тасдиқланган Лотереялар, тотализаторлар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар ташкил этиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомда:

а) 27-банднинг еттинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ёки лицензияни бекор қилиш тўғрисида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қарор чиқариш ёки судга мурожаат қилиш»;

б) 29-банддан «лицензияловчи орган томонидан» сўзлари чиқариб ташлансин.

45. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 16 июлдаги 315-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 7-сон, 63-модда) билан тасдиқланган Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомда:

а) 35-банднинг еттинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ёки лицензияни бекор қилиш тўғрисида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қарор чиқариш ёки судга мурожаат қилиш»;

б) 37-банддан «лицензияловчи орган томонидан» сўзлари чиқариб ташлансин.

46. Вазирлар Маҳкамасининг «Ноозиқ-овқат истеъмол товарлари билан савдо қилишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 28 июлдаги 330-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 7-сон, 68-модда):

а) 4-банд чиқариб ташлансин;

б) 5-банддан «Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти билан биргаликда» сўзлари чиқариб ташлансин;

в) иловада:

45-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«45. Кўрсатилган қонун бузилишлари (бозордаги савдо объекти) аниқланганда, назорат органлари ўз ваколатлари доирасида, тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган тақдимномалар киритади, улар асосида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўн иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатга бозор фаолиятини тўхтатиб туриш тўғрисида қарор қабул қилади ёки ўн иш кунидан ортиқ муддатга бозорнинг фаолиятини тўхтатиб туриш тўғрисида судга мурожаат қилади»;

46-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«46. Йўл қўйилган қонун бузилишлари тўлиқ бартараф этилгандан кейин кўрсатиб ўтилган ҳолатлар бартараф этилганлиги тасдиқланган кундан бошлаб ўн кун муддатда фаолиятни тўхтатиб туриш тўғрисида қарор қабул қилган орган бозор (бозордаги савдо объекти) фаолиятини қайтадан тиклаш тўғрисида қарор қабул қилиши шарт».

47. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 17 сентябрдаги 404-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 9-сон, 86-модда) билан тасдиқланган Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларга солинадиган жарималарни ундириш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 4-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Юридик шахсларга — тадбиркорлик субъектларига жарима суд тартибида, улар ҳуқуқбузарлик содир этилганлигини эътироф этган ва жаримани ихтиёрий равишда тўлаган ҳолларда эса — ваколатли орган томонидан солинади»;

б) 5-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«5. Тадбиркорлик субъектининг охирги ҳисобот санасидаги жорий активлари суммасининг 20 фоизидан ортиқ бўлган жарималарни ундириш унга ундириладиган суммани ундириш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб 6 ой мобайнида тўловларни ҳар ойда бўлиб-бўлиб тўлаш имконини берган ҳолда амалга оширилади»;

48. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг истеъмол товарлари олиб келиш ва сотиш масалалари бўйича айрим қарорларига ўзгартириш, қўшимчалар киритиш ва уларнинг айримларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2003 йил 16 октябрдаги 446-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 10-сон, 97-модда) 1-илованинг 13-банди чиқариб ташлансин.

49. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2003 йил 27 октябрдаги 467-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 10-сон, 101-модда) илованинг 4-банди чиқариб ташлансин.

50. Вазирлар Маҳкамасининг «Тиббий фаолиятни ва фармацевтика фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2003 йил 31 октябрдаги 477-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 10-сон, 106-модда):

а) 1-иловада:

29-банднинг еттинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ёки лицензияни бекор қилиш тўғрисида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қарор чиқариш ёки судга мурожаат қилиш»;

31-банддан «лицензияловчи орган томонидан» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 2-иловада:

26-банднинг еттинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ёки лицензияни бекор

қилиш тўғрисида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қарор чиқариш ёки судга мурожаат қилиш»;

28-банднинг биринчи хатбошидан «лицензияловчи орган томонидан» сўзлари чиқариб ташлансин.

51. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 3 ноябрдаги 479-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 11-сон, 107-модда) билан тасдиқланган Ветеринария фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомда:

27-банднинг еттинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ёки лицензияни бекор қилиш тўғрисида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қарор чиқариш ёки судга мурожаат қилиш»;

29-банднинг биринчи хатбошидан «лицензияловчи орган томонидан» сўзлари чиқариб ташлансин.

52. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида ва унинг ташқарисида гастроль-концерт фаолиятини, шунингдек тўй, юбилей ва бошқа тантаналарда концерт хизмати кўрсатишни, грампластинкалар, аудиокассеталар ва лазерли дискларни ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, ёзиш, кўпайтириш ва сотиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2003 йил 11 ноябрдаги 498-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 11-сон, 114-модда):

а) 1-иловада:

33-банднинг еттинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ёки лицензияни бекор қилиш тўғрисида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қарор чиқариш ёки судга мурожаат қилиш»;

35-банднинг биринчи хатбошидан «лицензияловчи орган томонидан» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 2-иловада:

2-банднинг биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«2. Грампластинкалар, аудиокассеталар ва лазерли дискларни ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, ёзиш, кўпайтириш ва сотиш фаолиятини лицензиялаш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг комиссиялари (кейинги ўринларда «Комиссия» деб юритилади) томонидан амалга оширилади»;

30-банднинг биринчи хатбошидан «Комиссия қарорига кўра» сўзлари чиқариб ташлансин;

31-банддаги «бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномалар» сўзлари «таклифлар» сўзи билан алмаштирилсин.

53. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 ноябрдаги 504-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 11-сон, 116-модда) билан тасдиқланган Энергетика текширувлари ва экспертизалари ўтказиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомда:

а) 25-банднинг еттинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«ҳуқуқий таъсир кўрсатиш чораси сифатида лицензиянинг амал қилишини ўн иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатга тўхтатиб туриш тўғрисида қарор чиқариш, кўрсатиб ўтилган лицензияларни ўн иш кунидан ортиқ муддатга тўхтатиб туриш, тўхтатиш ёхуд бекор қилиш тўғрисида судга мурожаат қилиш»;

б) 27-банднинг биринчи хатбошидан «лицензияловчи орган томонидан» сўзлари чиқариб ташлансин.

54. Вазирлар Маҳкамасининг «Божхона омбори, эркин омбор ва бож олинмай-

диган савдо дўкони фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2003 йил 20 ноябрдаги 523-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 11-сон, 124-модда):

а) 1-илованинг 58-банди еттинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ёки лицензияни бекор қилиш тўғрисида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қарор чиқариш ёки судга мурожаат қилиш»;

б) 2-илованинг 54-банди еттинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ёки лицензияни бекор қилиш тўғрисида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қарор чиқариш ёки судга мурожаат қилиш»;

в) 3-иловада:

47-банднинг еттинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ёки лицензияни бекор қилиш тўғрисида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қарор чиқариш ёки судга мурожаат қилиш»;

49-банднинг биринчи хатбошидан «лицензияловчи органнинг қарорига кўра» сўзлари чиқариб ташлансин;

50-банднинг биринчи хатбошидан ва 51-банднинг биринчи хатбошидан «лицензияловчи органнинг қарорига кўра» сўзлари чиқариб ташлансин.

55. Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида» 2004 йил 5 февралдаги 57-сон қарори 4-бандининг иккинчи хатбошидаги (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 2-сон, 10-модда) «100 фоизи миқдорида» сўзлари «50 фоизи миқдорида» сўзлари билан алмаштирилсин.

56. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 22 мартдаги 136-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 3-сон, 32-модда) билан тасдиқланган Ёнғинга қарши автоматика воситаларини, қўриқлаш сигнализацияларини, ёнғиндан дарак берувчи ва ёнғиндан сақловчи сигнализацияларни лойиҳалаштириш, монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомда:

а) 32-банднинг еттинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ёки лицензияни бекор қилиш тўғрисида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қарор чиқариш ёки судга мурожаат қилиш»;

б) 34-банддан «лицензияловчи орган томонидан» сўзлари чиқариб ташлансин.

57. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 августдаги 373-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 8-сон, 77-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги тўғрисидаги низомнинг 10-банди ўн учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«ҳуқуқий таъсир кўрсатиш чораси сифатида аккредитация қилиш ва аттестациядан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳномаларнинг амал қилишини ўн иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатга тўхтатиб қўйиш, кўрсатиб ўтилган гувоҳномаларни бекор қилиш ёки ўн иш кунидан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйиш тўғрисида судга мурожаат қилиш».

58. Вазирлар Маҳкамасининг «Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва импорт операциялари субъектларининг ҳисобга олиш карталарини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»

2004 йил 2 сентябрдаги 413-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 9-сон, 89-модда):

а) 2-банддан «Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 1-илованинг 30-банди биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«30. Рухсат гувоҳномасининг амал қилиши бир ҳафта мобайнида сотиш бўйича айланмалар мавжуд бўлмаганда ёки нақд пул тушуми инкассацияси қоидалари бузилган тақдирда, рухсатномани берган туман (шаҳар) ҳокимлигининг мурожаати бўйича суд тартибида ўн иш кунидан ортиқ бўлган муддатга, ўн иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатга эса — ҳокимликнинг қарори бўйича тўхтатиб турилади. Давлат солиқ хизмати органининг хизмат кўрсатувчи банкнинг ахборотига асосланган тақдимномаси судга мурожаат қилиш ёки ҳокимлик томонидан тўхтатиб туриш тўғрисида қарор қабул қилиниши учун асос ҳисобланади».

59. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш ва баъзиларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2004 йил 16 сентябрдаги 430-сон қарорига 2-илованинг 2-банди «б» кичик бандининг олтинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2006 йил 10 ноябрдаги 235-сон қарорига
2-ИЛОВА

## Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган қарорлари рўйхати

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ҳамда реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун монополияга қарши фаолиятни амалга оширувчи давлат органи томонидан солинадиган жарималарни хўжалик юритувчи субъектларга қўллаш тартибини тасдиқлаш ҳақида» 1998 йил 26 августдаги 370-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 1999 йил 19 мартдаги 123-сон қарори.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2000 йил 24 октябрдаги 412-сон қарорига илованинг 7-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 10-сон, 69-модда).

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2003 йил 31 январдаги 53-сон қарорига илованинг 2-банди.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2003 йил 27 октябрдаги 467-сон қарорига илованинг 2-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 10-сон, 101-модда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

# 459 Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Транспорт воситаларини бошқариш чоғида ҳайдовчиларнинг мобиль алоқа воситаларидан фойдаланиши муносабати билан авариялар юз бериши эҳтимолини камайтириш ҳамда фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкини ҳимоя қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 2007 йил 1 январдан бошлаб ҳайдовчиларнинг транспорт воситасини бошқариш чоғида телефондан фойдаланиши тақиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ички ишлар вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 10 кун муддатда Вазирлар Маҳкамасига Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

бундай ҳуқуқбузарликларни баҳолашнинг аниқ мезонларини аниқлашни назарда тутган ҳолда ўн кун муддатда ўз норматив ҳужжатларига белгиланган тартибда ўзгартириш ва қўшимчалар киритсин;

мазкур қарор талаблари автомототранспорт воситалари ҳайдовчилари ва аҳоли эътиборига белгиланган тартибда етказилишини, улар орасида зарур тушунтириш ишлари олиб борилишини таъминласин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 11 декабрдаги 472-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 12-сон, 75-модда) билан тасдиқланган Йўл ҳаракати қоидаларининг 3.6-банди қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«транспорт воситасини бошқариш чоғида телефондан фойдаланиш».

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.М. Ханов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2006 йил 21 ноябрь,
241-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

# 460 Техноген хавф юқори бўлган зоналар давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида (Ўзбекистон Республикасининг «Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида» 2006 йил 28 сентябрдаги ЎРҚ—57-сон Қонуни)

Ўзбекистон Республикасининг «Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида» 2006 йил 28 сентябрдаги ЎРҚ—57-сон Қонунига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

Вазирлар Маҳкамасининг «Айрим давлат кадастрларини юритиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2005 йил 30 июндаги 152-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 6-7-сон, 33-модда) билан тасдиқланган Техноген хавф юқори бўлган зоналар давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2006 йил 22 ноябрь,
242-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2006 йил 22 ноябрдаги 242-сон қарорига
ИЛОВА

## Техноген хавф юқори бўлган зоналар давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар

1. 5-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«5. Ўзбекистон Республикасининг «Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ белгиланган хавфли ишлаб чиқариш объектларида рўй бериши мумкин бўлган техноген ҳодисалар (ёнғинлар, портлашлар, хавфли зарарли моддаларни ташқарига чиқариш, бинолар, иншоотлар, техник қурилмалар ва шу кабилар) зоналари ҳамда:

а) радиоактив моддалар ва материаллар ишлаб чиқариладиган, улардан фойдаланиладиган, улар қайта ишланадиган, ҳосил бўладиган, сақланадиган, ташиладиган, йўқ қилиб ташланадиган объектлар;

б) барча турдаги саноат электр қурилмалари қўлланадиган объектлар;

в) гидротехника иншоотларидан, шу жумладан йирик корхоналар чиқиндихоналари ва тиндиргичларидан фойдаланиладиган объектлар;

г) ионли нурланишлар манбаларидан фойдаланиладиган объектлар;

д) фавқулодда вазиятларга (сув, газ, иссиқлик ва электр энергияси таъминотининг тўхтаб қолишига, уй-жой массивларини сув босишига, канализация ва сувни

тозалаш тизимларининг ишдан чиқишига) олиб келувчи бузилишлар (зарарланишлар) содир бўлиши мумкин бўлган объектлар ТХЮЗДК объектлари ҳисобланади».

2. 6-банднинг иккинчи хатбошидаги, 12-банднинг биринчи хатбошидаги, 26 ва 28-бандлардаги, шунингдек Низомга иловадаги «хавфли ишлаб чиқариш объектларидан» ва «хавфли ишлаб чиқариш объектлари» сўзлари тегишли равишда «объектлардан» ва «объектлар» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. 12-банднинг иккинчи хатбошидаги, 20-банднинг иккинчи хатбошидаги, 21-банднинг саккизинчи хатбошидаги, 22-банднинг тўртинчи хатбошидаги, 26-банддаги «хавфли ишлаб чиқариш объектларини», «хавфли ишлаб чиқариш объектларининг», «хавфли ишлаб чиқариш объектларидаги», «хавфли ишлаб чиқариш объектлари» сўзлари тегишли равишда «объектларни», «объектларнинг», «объектлардаги», «объектлар» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. 21-банднинг тўртинчи, бешинчи ва олтинчи хатбошидаги, 22-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошидаги «хавфли ишлаб чиқариш объектининг», «хавфли ишлаб чиқариш объектини» сўзлари тегишли равишда «объектнинг», «объектни» сўзлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

## 461 Ўзбекистон Республикаси оммавий ахборот воситалари вакилларини давлат ҳокимияти органлари ҳузурида аккредитация қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида

«Оммавий ахборот воситалари тўғрисида», «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ, шунингдек давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг ўз вақтида ва холисона ёритилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси оммавий ахборот воситалари вакилларини давлат ҳокимияти органлари ҳузурида аккредитация қилиш тартиби тўғрисидаги Низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2006 йил 23 ноябрь,
243-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2006 йил 23 ноябрдаги 243-сон қарорига
ИЛОВА

# Ўзбекистон Республикаси оммавий ахборот воситалари вакилларини давлат ҳокимияти органлари ҳузурида аккредитация қилиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

## I. Умумий қоидалар

1. Давлат ҳокимияти органлари фаолиятини ўз вақтида ва холисона ёритиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси оммавий ахборот воситалари вакиллари вакиллик ва ижро этувчи ҳокимият органлари ҳузурида аккредитация қилинади.

2. Оммавий ахборот воситаларининг аккредитация қилинган вакилларининг (кейинги ўринларда «мухбирлар» деб аталади) ҳуқуқий мақоми ва касб фаолияти принциплари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида», «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, мазкур Низом ҳамда аккредитация қиладиган органларнинг низомлари билан белгиланади.

## II. Аккредитация қилишнинг асосий тушунчалари ва принциплари

3. Мазкур Низомда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

мухбир — меҳнат шартномалари ва бошқа шартномавий муносабатлар асосида оммавий ахборот воситалари таҳририятлари учун хабарлар ва материалларни қидириш, тўплаш, қайта ишлаш ва тайёрлаш касби билан шуғулланадиган жисмоний шахс;

аккредитация — мухбирнинг ваколатларини давлат ҳокимияти органлари томонидан эътироф этиш тартиботи бўлиб, унинг натижаларига кўра аккредитация қиладиган орган аккредитация қиладиган органнинг фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиш учун оммавий ахборот воситаси (кейинги ўринларда «таҳририят» деб аталади) вакилининг ўз соҳасини билишини тасдиқловчи аккредитация қилиш тўғрисидаги гувоҳномани беради;

аккредитация қилувчи орган — аккредитация тартиботини ташкил этадиган, аккредитацияни ўтказадиган вакиллик ва ижро этувчи ҳокимият органлари.

4. Аккредитация уни ўтказишга жалб этилган мутахассисларнинг ўз ишини пухта билиши ва мухбирларнинг мустақиллиги принципларига асосланади.

Аккредитацияни ўтказишда ўз ишини пухта билиш кадрларни тегишли равишда танлаш, аккредитация тартиботида қатнашадиган экспертларни тайёрлаш тизими ва, зарурият бўлганда, билимларнинг алоҳида соҳалари бўйича мутахассисларни жалб этиш йўли билан таъминланади.

Мустақиллик аккредитация тартиботида аккредитация тўғрисида қарор қабул қилинишига бирор-бир молиявий, маъмурий ёки бошқача таъсир кўрсатишдан холи бўлган ташкилотлар ва экспертлар, мутахассисларнинг қатнашиши билан таъминланади.

5. Мухбирнинг аккредитация қилинишида унинг ўз ишини пухта билишини аниқлаш мезони аккредитация қиладиган орган ва оммавий ахборот воситалари

вакили фаолиятининг ўзига хослиги ҳисобга олинган ҳолда, мазкур органнинг норматив ҳужжатлари билан белгиланади.

6. Аккредитация қиладиган орган ҳузурида ўз мухбирини аккредитация қилиш ҳуқуқига расмий равишда рўйхатдан ўтказилган оммавий ахборот воситалари эгадир.

## III. Мухбирларни аккредитация қилиш

7. Аккредитация қиладиган органлар ҳузурида оммавий ахборот воситаси мухбирини аккредитация қилиш учун таҳририят ўзининг расмий бланкасида бош муҳаррирининг имзоси қўйилган, муҳр билан тасдиқланган буюртманома тақдим этади.

8. Таҳририятнинг буюртманомасида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

оммавий ахборот воситасининг номи ва тури;

ихтисослашуви;

тарқалиш ҳудуди;

электрон почта манзили;

таҳририятнинг телефонлари ва факслари рақамлари;

аккредитацияга тақдим этилган мухбирнинг фамилияси, исми ва отасининг исми;

касб вазифаларини бажариш учун ушбу мухбир ўзи билан бирга олиб юриши зарур бўлган аппаратлар.

Буюртманомага батафсил маълумотлар (мухбирнинг хизмат мавқеи, паспортига оид маълумотлар, дипломи нусхаси, электрон почта манзили, телефон ва факс рақами) мавжуд бўлган маълумотнома ҳамда белгиланган шаклдаги тўртта фотосурат илова қилинади.

9. Мухбирни аккредитация қилиш тўғрисидаги буюртманома аккредитация қиладиган орган томонидан тегишли мурожаат олинган кундан бошлаб бир ой мобайнида кўриб чиқилади.

10. Аккредитация қилинадиган мухбирлар сони таҳририят томонидан аккредитация қилувчи орган билан биргаликда белгиланади.

11. Аккредитация тартиботи қуйидаги асосий тадбирлардан иборат бўлади:

буюртманомани ва тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиш;

мухбирларни аттестациядан ўтказиш;

аккредитация қилиш тўғрисида ёки аккредитация қилишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш, аккредитация тўғрисидаги гувоҳномани расмийлаштириш ва бериш.

12. Оммавий ахборот воситаси таҳририяти томонидан тақдим этилган буюртманомалар ва ҳужжатларни кўриб чиқишни аккредитация қилувчи орган тузадиган эксперт гуруҳи амалга оширади. Ҳужжатларни кўриб чиқиш натижалари ариза тушган пайтдан бошлаб ўн кун муддатда эксперт хулосаси билан расмийлаштирилади.

13. Аттестацияни аккредитация қилувчи орган томонидан расмий равишда тузиладиган комиссия ўтказади. Комиссия таркиби ва аттестацияни ўтказиш муддатлари таҳририят билан келишилиши керак. Таҳририят комиссиянинг айрим аъзолари иштирок этиши ва аттестация ўтказилиши муддатлари юзасидан эътироз сабабларини асослаган ҳолда таклиф билдиришга ҳақлидир.

Комиссия аттестацияни аккредитация қилувчи орган тасдиқлаган дастурга мувофиқ ўтказади. Мухбирнинг касбий сифатлари ва лаёқатини тавсифлаш бўйича тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиш натижалари тўғрисидаги эксперт хуло-

саси, шунингдек экспертиза ва аттестация жараёнида олинган бошқа ахборотлар аттестация комиссиясининг қарор қабул қилиши учун асос ҳисобланади. Аттестация натижалари аттестация далолатномаси билан расмийлаштирилади.

14. Аккредитация қилувчи орган аттестация далолатномасини кўриб чиқиш натижалари асосида мухбирни аккредитация қилиш ёки аккредитация қилишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Оммавий ахборот воситалари мухбирларини аккредитация қилиш тўғрисидаги буюртманома мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ схемага биноан кўриб чиқилади.

15. Ижобий қарор чиқарилган тақдирда аккредитация қилувчи орган қарор қабул қилингандан кейин бир ҳафта муддатда мазкур Низомга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича Ўзбекистон Республикаси оммавий ахборот воситаси мухбирини аккредитация қилиш тўғрисидаги гувоҳномани расмийлаштиради ва беради.

16. Аккредитация қилувчи орган аккредитация қилинган мухбирга 2 йилгача муддатда амал қиладиган аккредитация тўғрисида гувоҳнома беради.

Аккредитация қилиш тўғрисидаги гувоҳнома аккредитация қилувчи орган реестрида рўйхатдан ўтказилган санадан бошлаб амал қилади.

17. Аккредитацияга тааллуқли барча ҳужжатлар (буюртманомалар, қарорлар, далолатномалар, аккредитация қилиш тўғрисидаги гувоҳнома ва шу кабилар) давлат тилида расмийлаштирилади.

18. Аккредитация қилувчи орган Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонунлари ёки мазкур Низом асосида журналистни аккредитация қилишни рад этиши мумкин. Аккредитация қилувчи орган бундай қарорнинг сабаблари тўғрисида уч кун муддатда оммавий ахборот воситаси таҳририятини ёзма шаклда хабардор қилади.

19. Зарур ҳолларда давлат ҳокимияти органлари ҳузурида вақтинчалик ёхуд доимий мухбирлик пунктлари ташкил этилиши мумкин.

## IV. Аккредитация қилинган мухбирларнинг асосий ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

20. Аккредитация қилинган мухбирлар касб фаолияти даврида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳуқуқлардан фойдаланадилар ва мажбуриятларни бажарадилар.

Мухбирни аккредитация қилган органлар уни мажлислар, кенгашлар ва бошқа тадбирлар тўғрисида олдиндан хабардор қилади, стенограммалар, протоколлар ва бошқа ҳужжатлар билан таъминлайди.

21. Аккредитация мухбирнинг расмий шахслар ташрифлари давридаги тадбирларда бевосита қатнашишини кафолатламайди. Ўзбекистон Республикасининг ёки хорижий давлатларнинг расмий шахслари ташрифлари вақтида мухбирларни махсус аккредитация қилиш тартиби қонун ҳужжатлари, шунингдек ушбу тадбирни тайёрлаш ва ўтказиш учун масъул хизматлар талабларига биноан белгиланади.

22. Аккредитация қилинган мухбир қуйидаги ҳуқуқларга эга:

бўлажак мажлислар, кенгашлар ва бошқа тадбирлар тўғрисида олдиндан ахборот олиш;

аккредитация қилган органнинг бинолари (хоналари) ва объектларига тегишли гувоҳнома (рухсатнома) асосида, ушбу орган томонидан белгиланган тартибда кириш;

уни аккредитация қилган органлар томонидан ўтказиладиган мажлислар, йиғилишлар, брифинглар (матбуот конференциялари) ва бошқа тадбирларда қатнашиш, ёпиқ тадбир ўтказилиши тўғрисида қарор қабул қилинган ҳоллар бундан мустасно;

аккредитация қилган органнинг масъул шахсларидан зарур ҳужжатлар ва материалларни сўраш ва олиш, кириш эркин бўлган тадбирларнинг ёзувлари билан танишиш ва улардан нусха олиш;

ёзувлардан, матнли материаллар тайёрлашда, аккредитация қилинган оммавий ахборот воситаларининг теле-, радиодастурларида фойдаланиш;

аудио-, видео- ёки киносуратга олиш, овоз ёзиш учун зарур бўлган техник аппаратлардан, шунингдек компьютер техникаси воситаларидан фақат аккредитация қилган органнинг фаолиятини ёритиш мақсадларида фойдаланиш.

23. Аккредитация қилинган мухбир қуйидагиларга мажбур:

аккредитация қилган органнинг биносида бўлишда унинг ички тартиб-қоидаларига ва ишларини ташкил этиш талабларига риоя қилиш;

ўзи иштирок этаётган тадбирларнинг ўтказилишига аралашмаслик (агар тадбир матбуот учун махсус ташкил этилмаган бўлса);

аккредитация қилган органнинг фаолияти тўғрисида холисона ахборот бериш;

махсус тадбирларни ўтказиш қоидаларига риоя қилиш;

давлат ҳокимияти органларининг фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа талабларни бажариш.

## V. Мухбирнинг аккредитациясини тўхтатиш ва уни аккредитациядан маҳрум қилиш тартиби

24. Қуйидагилар аккредитациянинг тўхтатилиши учун асос ҳисобланади:

мухбирнинг таҳририятдан ишдан бўшатилиши (ушбу ҳолда таҳририят бошқа вакилни аккредитация қилиш тўғрисидаги ариза билан аккредитация қилувчи органга мурожаат қилишга ҳақлидир);

мухбир вакили бўлган оммавий ахборот воситаси фаолиятининг тўхтатилиши;

таҳририят раҳбарияти томонидан мухбирни аккредитация қилган органнинг фаолиятини ёритишдан четлатиш тўғрисида қарор қабул қилиниши (расмий билдиришнома асосида).

25. Мухбир:

ўзи таклиф этилган тадбирлар ўтказилиши тартибига аралашганда;

амалдаги қонун ҳужжатларини ва мазкур Низомни мунтазам равишда бузганда аккредитациядан маҳрум этилиши мумкин.

26. Мухбирни аккредитациядан маҳрум этиш тўғрисидаги қарор аккредитация қилган орган томонидан қабул қилинади. Қарор асосланган, ёзма шаклда расмийлаштирилган, оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан далилланган бўлиши керак.

Аккредитация қилган орган аккредитациядан маҳрум қилинган мухбирнинг таҳририятига қарор қабул қилинган вақтдан бошлаб беш кун муддатдан кечикмай расмий билдиришнома юборади. Бундай қарор кучга кирган вақтдан бошлаб аккредитация тўғрисидаги гувоҳнома ҳақиқий эмас деб ҳисобланади ва у таҳририят томонидан аккредитация қилган органга қайтарилиши керак.

## VI. Янги муддатга аккредитация қилиш

27. Аккредитация қилинган мухбирни янги муддатга аккредитация қилиш аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиш муддати тугагандан кейин таҳририят томонидан тақдим этилган буюртманома асосида ўтказилади.

28. Таҳририят аккредитация қилувчи органга аккредитация тўғрисидаги гувоҳ-

номанинг амал қилиш муддати тугашидан бир ой олдин буюртманома бериши керак.

Янги муддатга аккредитация қилиш аккредитация қилинган мухбирнинг олдинги аккредитацияси давридаги бенуқсон фаолиятини ҳисобга олган ҳолда соддалаштирилган тартибот бўйича амалга оширилиши мумкин.

### VII. Техник ходимлар ва хизмат кўрсатувчи ходимлар

29. Таржимонлар, телеоператорлар, фотомухбирлар, теле-, кино- ва видеоаппаратларга, алоқа воситаларига хизмат кўрсатувчи мутахассислар таҳририятнинг мухбирларга бириктирилган техник ходимлари бўлиши мумкин.

30. Аккредитация қилинган мухбирлар техник ва хизмат кўрсатувчи ходимларни ишга ёллаши мумкин.

Жалб этиладиган техник ходимларнинг шахсий таркиби аккредитация қилувчи орган билан келишилади. Уларга ўз фаолиятини амалга оширишлари учун аккредитация қилувчи орган томонидан тегишли гувоҳнома берилади.

31.Аккредитация қилинган мухбирнинг техник ва хизмат кўрсатувчи ходимларига журналистлик фаолияти билан шуғулланиш тақиқланади.

### VIII. Якунловчи қоидалар

32. Давлат ҳокимияти органлари ҳузуридаги аккредитацияни амалга ошириш тартиби билан боғлиқ низоли масалалар пайдо бўлган тақдирда манфаатдор томон қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда улар юзасидан судга шикоят қилиши мумкин.

33. Аккредитация қилувчи орган ва оммавий ахборот воситаларининг мухбирлари мазкур Низом ҳамда оммавий ахборот воситалари соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиниши учун жавоб берадилар.

Ўзбекистон Республикаси оммавий ахборот воситалари вакилларини давлат ҳокимияти органлари ҳузурида аккредитация қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

## Оммавий ахборот воситалари мухбирларини аккредитация қилиш схемаси

| Босқичлар | Субъектлар | Тадбирлар | Бажариш муддатлари |
|---|---|---|---|
| 1-босқич | Ариза берувчи | Аккредитация қилувчи органга ариза билан мурожаат қилади ва мухбирни давлат ҳокимияти органи ҳузурида аккредитация қилиш учун зарур ҳужжатларни тақдим этади. | Ариза берувчининг хоҳишига кўра |
| 2-босқич | Аккредитация қилувчи орган | Эксперт гуруҳи ташкил этади. Тақдим этилган ҳужжатларни, аккредитация қилиш учун тавсия этилган мухбирнинг ўз соҳасини билиши тўғрисидаги бошқа ҳужжатларни ўрганишни ташкил қилади. | Зарур ҳужжатлар олингандан кейин бир ҳафта муддатда |
| 3-босқич | Эксперт гуруҳи | Тегишли хулосани тақдим этади. | 3 кун муддатда |
| 4-босқич | Аккредитация қилувчи орган | Аттестация комиссиясини ташкил этади. Аттестацияни ўтказиш тартибини тасдиқлайди. | Эксперт комиссиясининг хулосаси олингандан кейин 2 кун муддатда |
| 5-босқич | Аттестация комиссияси | Мухбирни аттестациядан ўтказади. Аттестация комиссияси далолатномасини қабул қилади. | 5 кун муддатда |
| | Аккредитация қилувчи орган | Мухбирни давлат ҳокимияти органи ҳузурида аккредитация қилиш ёхуд рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади. | Аттестация комиссиясининг хулосаси олингандан кейин 3 кун муддатда |
| | | Аккредитация тўғрисидаги гувоҳномани расмийлаштиради, уни аккредитация қилинган мухбирга беради. Давлат ҳокимияти органи реестрига тегишли ёзувни киритади. | Қарор қабул қилингандан кейин бир ҳафта муддатда |
| | | Мухбирни давлат ҳокимияти органи ҳузурида аккредитация қилиш рад этилганлиги тўғрисидаги билдиришномани бундай қарор қабул қилинишининг сабабларини кўрсатган ҳолда оммавий ахборот воситаси таҳририятига юборади (беради). | Қарор қабул қилингандан кейин 3 кун муддатда |

Ўзбекистон Республикаси оммавий ахборот
воситалари вакилларини давлат ҳокимияти
органлари ҳузурида аккредитация қилиш
тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби**

______________________________________________
(аккредитация қиладиган органнинг номи)

## Мухбирни давлат ҳокимияти органи ҳузурида аккредитация қилиш тўғрисида ГУВОҲНОМА

№ ________

Ф.И.О. ______________________________________
(аккредитация қилинган мухбир)

Номи ______________________________________
(оммавий ахборот воситаси)

Тарқатиш шакли ______________________________
(газета, журнал ва бошқалар)

Тил (лар)и ___________________________________

Муассис (лар)и ________________________________
______________________________________________

Ихтисослашуви ________________________________
______________________________________________

Таҳририят манзили _____________________________
______________________________________________

Тарқатиш ҳудуди ______________________________
______________________________________________

Берилган санаси ____________

**Аккредитация қилувчи**
**органнинг раҳбари** ______________________________

Ушбу гувоҳнома «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ берилган.

Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг бузилиши Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жиноий, маъмурий, интизомий жавобгарликка ва бошқа жавобгарликка олиб келади.

# ТЎРТИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИНИНГ ҚАРОРИ

## 462 «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 10-моддасининг биринчи қисмини шарҳлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раис ўринбосари Б. Мирбобоев, судьялар У. Бозоров, Г. Пиржанов ва С. Ҳакимовадан иборат таркибда, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 109-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига ва «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 1-моддасига амал қилган ҳолда, «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 10-моддасининг биринчи қисмини шарҳлаш ҳақидаги ишни очиқ суд мажлисида кўриб чиқди.

Масала Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Конституциявий судга мурожаати муносабати билан «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 19-моддасига мувофиқ судьялар У. Бозоров, Г. Пиржанов ва С. Ҳакимованинг ташаббуси билан киритилди.

Конституциявий суд маърузачи судья С. Ҳакимованинг ахборотини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси қўмитасининг раиси Н. Исмоилов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси қўмитасининг раиси, Конституциявий суд ҳузуридаги Илмий-маслаҳатлашув кенгашининг аъзоси А. Саидов, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг ўринбосари Е. Каньязов, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси юридик бўлимининг мудири Б. Қўчқоров, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг раиси А. Шайховларнинг фикрларини эшитиб, иш бўйича мавжуд материалларни ўрганиб чиқиб қуйидагиларни **аниқлади:**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Конституциявий судга мурожаатида «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 10-моддасининг биринчи қисмига, ушбу норма инвестицияга оид низони ҳал этиш учун Инвестицияга оид низоларни тартибга солувчи халқаро марказ (бундан буён матнда — Марказ)га ўтказишга Ўзбекистон Республикасининг розилигини ўзида ифода этади деб ҳисоблаш мумкинлиги нуқтаи назаридан расмий шарҳ бериш ҳақида савол қўйилган.

«Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 10-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ «Чет эл инвестициялари билан бевосита ёки билвосита боғлиқ низо (инвестицияга оид низо), тарафлар келишувига кўра, улар ўртасидаги маслаҳатлашувлар орқали ҳал этилиши мумкин. Агар тарафлар келишилган ҳал қилувга эриша олмасалар, бундай низо Ўзбекистон Республикасининг хўжалик суди томонидан ёхуд

ҳакамлик воситасида инвестицияга оид низоларни ҳал этишга доир Ўзбекистон Республикаси қўшилган халқаро шартномаларнинг (битимлар ва конвенцияларнинг) қоидалари ва тартиботига мувофиқ ҳал этилиши лозим».

«Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 10-моддасининг биринчи қисмидаги инвестицияга оид низо ҳакамлик воситасида бундай низоларни ҳал этишга доир Ўзбекистон Республикаси қўшилган халқаро шартномаларнинг (битимлар ва конвенцияларнинг) қоидалари ва тартиботига мувофиқ ҳал этилиши лозимлиги ҳақидаги қоидаларни баъзи инвесторлар Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1994 йил 6 майдаги қарори билан ратификация қилинган «Давлатлар ва ажнабий шахслар ўртасидаги инвестицияларга оид низоларни ҳал этиш тартиби тўғрисидаги Конвенция» (бундан буён матнда — Конвенция)га мувофиқ ҳал этиш учун Марказга ўтказишга республика розилиги ифодаси сифатида нотўғри тушунишлари ушбу нормага шарҳ бериш заруриятини келтириб чиқаради.

«Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 10-моддасининг биринчи қисмига шарҳ беришда Конституциявий суд қуйидагиларга асосланади:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг Муқаддимасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлиги тан олинади.

2. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддасига мувофиқ «Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади.

Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар».

3. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 111-моддасига мувофиқ «Мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ўртасидаги, шунингдек тадбиркорлар ўртасидаги, иқтисодиёт соҳасида ва уни бошқариш жараёнида вужудга келадиган хўжалик низоларини ҳал этиш Олий хўжалик суди ва хўжалик судлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида амалга оширилади».

4. «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 3-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ давлат Ўзбекистон Республикаси ҳудудида инвестиция фаолиятини амалга оширувчи чет эллик инвесторларнинг ҳуқуқларини кафолатлайди ва ҳимоя қилади.

5. «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 10-моддасининг биринчи қисми инвестицияга оид низоларни қуйидагича ҳал этиш мумкинлигини белгилайди:

тарафлар келишувига кўра, улар ўртасидаги маслаҳатлашувлар орқали, яъни тарафлар томонидан қонун асосидаги ва доирасидаги ҳар икки тарафга ҳам мақбул бўлган қарорни биргаликда ишлаб чиқиш йўли билан;

агар тарафлар келишилган ҳал қилувга эриша олмасалар, бундай низо Ўзбекистон Республикасининг хўжалик суди томонидан ёхуд ҳакамлик воситасида инвестицияга оид низоларни ҳал этишга доир Ўзбекистон Республикаси қўшилган халқаро шартномаларнинг (битимлар ва конвенцияларнинг) қоидалари ва тартиботига мувофиқ ҳал этилиши лозим.

Ушбу қоидалар мазмунидан «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси

Қонуни 10-моддаси биринчи қисмининг нормалари инвестицияга оид низоларни ҳал қилишнинг мумкин бўлган вариантларини белгилаб, бу вариантлардан бирортасининг воситасида инвестицияга оид низони ҳал этишга тарафларнинг ёзма розилигини назарда тутмаганлиги келиб чиқади. «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 10-моддаси биринчи қисмининг таҳрири муайян битим ёки конвенцияга ҳавола қилмай, умумий қоидалар, кўрсатмаларни белгилайди.

Инвестицияга оид низо тарафлари ёзма розилигининг мажбурийлиги Конвенция 25-моддасининг 1-бандида назарда тутилган бўлиб, мазкур Конвенцияга мувофиқ Марказ таъсис этилган.

Конвенция 25-моддасининг 1-банди билан белгиланган тартибга мувофиқ низо иштирокчиларининг инвестицияга оид низони ҳал этиш учун Марказга ўтказиш ҳақидаги ёзма розилигининг мавжудлиги Марказ томонидан бундай низони ҳал этишнинг мажбурий шарти ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг кўрсатиб ўтилган нормалари, шунингдек иш бўйича бошқа материаллар таҳлили асосида Конституциявий суд «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 10-моддасининг биринчи қисми ўзида «тараф розилиги» тушунчасини ифода этмайди ҳамда ушбу нормада назарда тутилган инвестицияга оид низоларни ҳакамлик воситасида инвестицияга оид низоларни ҳал этишга доир Ўзбекистон Республикаси қўшилган халқаро шартномаларнинг (битимлар ва конвенцияларнинг) қоидалари ва тартиботига мувофиқ ҳал этилиши мумкинлиги тараф розилиги ифодасини билдирмайди, шунингдек Марказ томонидан инвестицияга оид низоларни ҳал қилинишининг асоси сифатида ёзма розиликнинг мавжудлиги мажбурийлиги Конвенция 25-моддасининг 1-бандида назарда тутилган ва унга ҳар бир алоҳида ҳолатда риоя қилиниши лозим, деб ҳисоблайди.

Баён қилинганларга асосланиб ва «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 1, 25, 26, 27-моддаларига амал қилган ҳолда Конституциявий суд **қарор қилди:**

1. «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 10-моддасининг биринчи қисмига қуйидаги шарҳ берилсин:

«Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 10-моддасининг биринчи қисми қоидалари мазмуни бўйича «тараф розилиги» тушунчасини ўзида ифода этмайди;

«Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 10-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган инвестицияга оид низоларни ҳакамлик воситасида инвестицияга оид низоларни ҳал этишга доир Ўзбекистон Республикаси қўшилган халқаро шартномаларнинг (битимлар ва конвенцияларнинг) қоидалари ва тартиботига мувофиқ ҳал этилиши мумкинлиги Конвенцияга мувофиқ инвестицияга оид низони ҳал этиш учун Марказга ўтказишга республика розилигининг ифодаси ҳисобланмайди.

2. Ушбу Қарор «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарида эълон қилинсин.

Тошкент ш.,
2006 йил 20 ноябрь

# БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНК БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

## 463 Микрокредит ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режасини тасдиқлаш ҳақида

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 11 ноябрда 1639-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди***

***(2006 йил 21 ноябрдан кучга киради)***

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги ва «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги қонунларига асосан Марказий банк Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Микрокредит ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб ўн кундан кейин кучга киритилсин.

3. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Марказий банк раиси ўринбосари Ф.Х. Боқиев зиммасига юклатилсин.

**Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,
2006 йил 7 октябрь,
24/5-сон

Марказий банк Бошқарувининг
2006 йил 7 октябрдаги 24/5-сонли
қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

## Микрокредит ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси

### I. Ҳисобварақлар режасининг умумий тавсифи

Микрокредит ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида», «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» ва «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида микрокредит ташкилотлари бухгалтерия ҳисобини юритиш асосларини белгилаб беради. Микрокредит ташкилотлари томонидан бухгалтерия ҳисоби улар Ўзбекистон Республикаси

қонунчилигида белгиланган тартибда юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказилган вақтдан бошлаб қайта ташкил этилгунга ёки тугатилгунга қадар узлуксиз равишда юритилади.

Микрокредит ташкилотлари микромолиявий операцияларни амалга оширишда ва уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттиришда Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларига ва қонунчиликка қатъий риоя қилишлари лозим.

Мазкур ҳисобварақлар режаси микрокредит ташкилотларида микромолиявий операцияларнинг бухгалтерия ҳисобини акс эттириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Ҳисобварақлар режаси микрокредит ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган операцияларнинг ҳисобини юритиш, таҳлил қилиш, гуруҳлаш ва уларга доир ҳисоботларни тузишда қўлланадиган Бош китоб ҳисобварақлари рўйхатидан иборатдир.

Хатоларни тўғрилаш ва ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришлар бўйича тузатишлар киритишда, ҳисобварақларнинг таърифларида кўзда тутилмаган бўлса ҳам ҳисобварақларнинг дебет ва кредитлари бўйича тузатиш ўтказмалари беришга рухсат берилади.

Микрокредит ташкилотларининг ҳисобварақлар режаси бухгалтерия ҳисобининг кўп валютали тизимига асосланган бўлиб, чет эл валютасидаги операцияларнинг ҳисоби юритилиши мумкин бўлган барча ҳисобварақларда хорижий валютадаги операциялар ҳисобини акс эттириш имконини беради. Ҳар бир валюта тури бўйича синтетик ҳисобни юритиш учун — алоҳида Бош китоб, аналитик ҳисобни юритиш учун эса Ёрдамчи китоблар очилади. Ҳар бир валюта бўйича Бош китобларнинг тегишли баланс ҳисобварақларидаги суммалар Ёрдамчи китоблардаги суммалар йиғиндисига мос келиши керак. Микрокредит ташкилоти томонидан амалга ошириладиган ҳар бир операция тегишли валюта тури бўйича Бош ва Ёрдамчи китобларда рўйхатга олиниши керак. Ҳисобот санасида Бош китобларнинг хорижий валюталар бўйича жами суммалари миллий валютага ўтказилади ва ҳисобот даври давомида амалга оширилган барча операциялар бўйича микрокредит ташкилотининг жамланма баланси тузилади.

Ҳисобварақларни кодлаштириш қуйидаги мақсадлар учун ишлаб чиқилган:

ҳисобварақларнинг Бош ва Ёрдамчи китобларда жойланишини енгиллаштириш;

ҳисобварақларни бир тизимда таснифлаш ва гуруҳлашга ёрдам бериш;

ҳисоб жараёнларини автоматлаштиришни енгиллаштириш;

операциялар ёзувини тезлаштириш.

Баланс ҳисобварақларининг Бош китобда кодлаштирилиш тизими қуйидаги схема бўйича бешта белгидан иборатлиги қабул қилинган:

| C | MM | SS |
|---|---|---|

| C | Ҳисобварақ туркуми (категорияси): |
|---|---|
| 1 | Актив |
| 2 | Мажбуриятлар |
| 3 | Капитал |
| 4 | Даромадлар |
| 5 | Харажатлар |
| 9 | Кўзда тутилмаган ҳолатлар |

| MM | Ҳисобварақ туркумига тегишли асосий ҳисобварақлар (биринчи тартиб) |
|---|---|

| SS | Асосий ҳисобварақларга тегишли субҳисобварақлар (иккинчи тартиб) |
|---|---|

Рақамли кодлаштиришга қуйидаги зарур шартлар жойлаштирилган:

жамланма ҳисобварақлар учун ММ ва/ёки SS нол рақамларига эга (масалан, 10000-»Активлар», 10100-»Кассадаги нақд пул ва бошқа тўлов ҳужжатлари» ва бошқалар);

«Активлар» бўлимидаги «.... зарарларни қоплаш захираси» сарлавҳали субҳисобварақлар учун SS ўрнида 99 рақам қабул қилинган.

Ёрдамчи китобда шахсий ҳисобварақлар қуйидаги схема бўйича кодлаштирилади:




Бундан ташқари, операцияларни бошқариш мақсадида Ёрдамчи китобларга Марказий банк, микрокредит ташкилотлари менежменти (бошқариши) учун зарур бўлган батафсил ахборотлар билан таъминловчи қўшимча маълумотлар киритилади.

Ҳисобварақлар режасида ҳар бир ҳисобварақнинг актив ёки пассив бўлиши аниқ белгилаб қўйилган, актив-пассив қолдиқларга эга бўладиган айрим ҳисобварақлар бундан мустасно. Актив ҳисобварақларга «Активлар», «Харажатлар» ва «Кўзда тутилмаган ҳолатлар» бўлимларидаги баланс ҳисобварақлари, пассив ҳисобварақларга «Мажбуриятлар», «Капитал» ва «Даромадлар» бўлимларидаги баланс ҳисобварақлари тааллуқлидир.

Активларнинг реал қийматини акс эттириш мақсадида «Активлар» бўлимига контр-актив ҳисобварақлари, мажбуриятларнинг реал қийматини акс эттириш мақсадида эса «Мажбуриятлар» бўлимига контр-пассив ҳисобварақлар киритилган.

«Кўзда тутилмаган ҳолатлар» бўлимига операцияларни икки ёқлама ёзув услуби бўйича акс эттириш ва амалга оширилган операцияларнинг тўғрилигини қўшимча назорат қилиш имконини берувчи контр-актив ҳисобварақлар киритилган.

Баъзи ҳисобварақлардан ташқари «Активлар» ликвидлилик, «Мажбуриятлар» эса муддатлилик тамойилларига асосан таснифланган.

Мазкур ҳисобварақлар режасида ҳар бир иккинчи тартибли баланс ҳисобварағи учун ҳисобварақ таърифи берилган бўлиб, унда ҳисобварақнинг дебети ва кредити бўйича қандай операцияларни акс эттириш, ҳамда аналитик ҳисобини юритиш кўрсатилган. Батафсил аналитик ҳисоб юритиш учун микрокредит ташкилотларида шахсий ҳисобварақлардан ташқари қўшимча журнал ҳисоби ва реестрлар юритилиши мумкин.

«Даромадлар» ва «Харажатлар» бўлими учун аналитик ҳисоб кўрсатилмаган бўлиб, ушбу бўлимлардаги ҳисобварақлар микрокредит ташкилоти ички ҳисобварақлари ҳисобланади. Микрокредит ташкилотлари Марказий банк талаблари ва ички ҳисоб сиёсатидан келиб чиққан ҳолда мазкур ҳисобварақларда таҳлилий (аналитик) ҳисобни қандай юритишни ўзлари белгилайдилар.

## II. ҲИСОБВАРАҚЛАР РЎЙХАТИ

| Код | Номи |
|---|---|
| **10000** | **АКТИВЛАР** |
| **10100** | **Кассадаги нақд пуллар** |
| 10101 | Кассадаги пул маблағлари |
| 10109 | Йўлдаги нақд пуллар |
| **10500** | **Банкларга қўйилган депозитлар ва бошқа маблағлар** |
| 10503 | Банкларга қўйилган талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар |
| 10505 | Банкларга қўйилган жамғарма депозитлар |
| 10507 | Банкларга қўйилган муддатли депозитлар |
| 10597 | Банкларга қўйилган бошқа маблағлар |
| **11100** | **Сотиб олинган дебиторлик қарзлари — Факторинг** |
| 11101 | Сотиб олинган дебиторлик қарзлари — Факторинг |
| 11103 | Муддати ўтган сотиб олинган дебиторлик қарзлари — Факторинг |
| 11105 | Суд жараёнидаги сотиб олинган дебиторлик қарзлари — Факторинг |
| 11195 | Сотиб олинган дебиторлик қарзлари — Факторинг бўйича дисконт (контр-актив) |
| 11199 | Сотиб олинган дебиторлик қарзлари — Факторинг бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив) |
| **12400** | **Жисмоний шахсларга берилган қисқа муддатли микроқарзлар** |
| 12401 | Жисмоний шахсларга берилган қисқа муддатли микроқарзлар |
| 12405 | Жисмоний шахсларга берилган муддати ўтган микроқарзлар |
| 12409 | Жисмоний шахсларга берилган шартлари қайта кўриб чиқилган қисқа муддатли микроқарзлар |
| 12499 | Жисмоний шахсларга берилган қисқа муддатли микроқарзлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив) |
| **12500** | **Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган қисқа муддатли микрокредитлар** |
| 12501 | Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган қисқа муддатли микрокредитлар |
| 12505 | Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган муддати ўтган микрокредитлар |
| 12509 | Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган шартлари қайта кўриб чиқилган қисқа муддатли микрокредитлар |
| 12599 | Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган қисқа муддатли микрокредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив) |
| **12700** | **Юридик шахсларга берилган қисқа муддатли микрокредитлар** |
| 12701 | Юридик шахсларга берилган қисқа муддатли микрокредитлар |
| 12705 | Юридик шахсларга берилган муддати ўтган микрокредитлар |
| 12709 | Юридик шахсларга берилган шартлари қайта кўриб чиқилган қисқа муддатли микрокредитлар |
| 12799 | Юридик шахсларга берилган қисқа муддатли микрокредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив) |
| **14800** | **Жисмоний шахсларга берилган узоқ муддатли микроқарзлар** |
| 14801 | Жисмоний шахсларга берилган узоқ муддатли микроқарзлар |
| 14809 | Жисмоний шахсларга берилган шартлари қайта кўриб чиқилган узоқ муддатли микроқарзлар |
| 14899 | Жисмоний шахсларга берилган узоқ муддатли микроқарзлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив) |
| **14900** | **Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган узоқ муддатли микрокредитлар** |
| 14901 | Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган узоқ муддатли микрокредитлар |
| 14909 | Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган шартлари қайта кўриб чиқилган узоқ муддатли микрокредитлар |

14999 Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган узоқ муддатли микрокредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)

**15100 Юридик шахсларга берилган узоқ муддатли микрокредитлар**

15101 Юридик шахсларга берилган узоқ муддатли микрокредитлар
15109 Юридик шахсларга берилган шартлари қайта кўриб чиқилган узоқ муддатли микрокредитлар
15199 Юридик шахсларга берилган узоқ муддатли микрокредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)

**15600 Микролизинг (молиявий ижара)**

15607 Микролизинг
15617 Муддати ўтган микролизинг
15619 Шартлари қайта кўриб чиқилган микролизинг
15699 Микролизинг бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)

**15700 Суд жараёнидаги микроқарзлар, микрокредитлар ва микролизинглар**

15701 Жисмоний шахсларга берилган суд жараёнидаги микроқарзлар
15703 Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган суд жараёнидаги микрокредитлар
15707 Юридик шахсларга берилган суд жараёнидаги микрокредитлар
15709 Суд жараёнидаги микролизинг
15799 Суд жараёнидаги микроқарзлар, микрокредитлар ва микролизинглар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)

**16300 Олиниши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар**

16301 Банклардаги депозитлар бўйича олиниши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар
16307 Микроқарзлар бўйича олиниши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар
16309 Микрокредитлар бўйича олиниши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар
16323 Микролизинг (Молиявий ижара) бўйича олиш учун ҳисобланган фоизлар
16397 Бошқа олиниши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар (воситачилик ҳақи)

**16500 Асосий воситалар**

16501 Ер
16505 Тугалланмаган қурилишлар
16509 Микрокредит ташкилоти бинолари ва бошқа иморатлари
16511 Микрокредит ташкилоти бинолари ва бошқа иморатларининг йиғилган эскириш суммаси (контр-актив)
16515 Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш ҳуқуқи
16519 Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш ҳуқуқи бўйича йиғилган эскириш суммаси (контр-актив)
16529 Транспорт воситалари
16531 Транспорт воситаларининг йиғилган эскириш суммаси (контр-актив)
16535 Мебель, мослама ва жиҳозлар
16539 Мебель, мослама ва жиҳозларнинг йиғилган эскириш суммаси (контр-актив)
16549 Операцион ижарага берилган асосий воситалар
16551 Операцион ижарага берилган асосий воситаларнинг йиғилган эскириш суммаси (контр-актив)
16561 Омбордаги асосий воситалар
16563 Омбордаги асосий воситаларнинг йиғилган эскириш суммаси (контр-актив)

**16600 Номоддий активлар**

16601 Номоддий активлар
16605 Номоддий активларнинг йиғилган эскириш суммаси (контр-актив)
16609 Ўрнатиш ва яратиш жараёнидаги номоддий активлар
16617 Гудвилл
16699 Ўрнатиш ва яратиш жараёнидаги номоддий активлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)

**16700 Кўчмас мулк ва бошқа хусусий мулклар**

16701 Кўчмас мулк ва бошқа хусусий мулклар
16707 Кўчмас мулк ва бошқа хусусий мулкларнинг йиғилган эскириш суммаси
16799 Кўчмас мулк ва бошқа хусусий мулклар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)

**19900 Бошқа активлар**

19901 Майда харажатлар
19905 Олинган кредитлар бўйича гаровга қўйилган мулклар ва мулкий ҳуқуқлар
19907 Хизматлар учун олдиндан тўланган харажатлар
19908 Микрокредит ташкилотлари ходимлари билан бўладиган ҳисоб-китоблардаги ундириб олиниши лозим бўлган маблағлар
19909 Товар-моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланган маблағлар ҳисобвараги
19911 Олиниши лозим бўлган маблағлар ҳисобварақлари бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)
19921 Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар
19925 Олдиндан тўланган харажатлар
19931 Муддати узайтирилган солиқлар
19941 Тугатилган ва тугатилиш жараёнида бўлган банклардаги маблағлар
19945 Тугатилган ва тугатилиш жараёнида бўлган банклардаги маблағлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)
19995 Суд жараёнидаги бошқа активлар
19997 Бошқа активлар
19999 Бошқа активлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)

**20000 МАЖБУРИЯТЛАР**

**21600 Олинган қисқа муддатли кредитлар**

21606 Банклардан олинган қисқа муддатли кредитлар
21610 Давлатнинг мақсадли жамғармаларидан олинган қисқа муддатли кредитлар
21614 Банк бўлмаган молиявий муассасалардан олинган қисқа муддатли кредитлар
21618 Нодавлат нотижорат ташкилотлардан олинган қисқа муддатли кредитлар
21622 Халқаро молиявий институтлардан олинган қисқа муддатли кредитлар
21626 Чет эллик инвесторлардан олинган қисқа муддатли кредитлар
21696 Бошқа кредиторлардан олинган қисқа муддатли кредитлар

**22000 Олинган узоқ муддатли кредитлар**

22006 Банклардан олинган узоқ муддатли кредитлар
22010 Давлатнинг мақсадли жамғармаларидан олинган узоқ муддатли кредитлар
22014 Банк бўлмаган молиявий муассасалардан олинган узоқ муддатли кредитлар
22018 Нодавлат нотижорат ташкилотлардан олинган узоқ муддатли кредитлар
22022 Халқаро молиявий институтлардан олинган узоқ муддатли кредитлар
22026 Чет эллик инвесторлардан олинган узоқ муддатли кредитлар
22096 Бошқа кредиторлардан олинган узоқ муддатли кредитлар

**22100 Лизинг (молиявий ижара) бўйича мажбуриятлар**

22102 Банклар олдидаги лизинг бўйича мажбуриятлар
22104 Бошқа лизинг берувчилар олдидаги лизинг бўйича мажбуриятлар

**22400 Тўланиши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар**

22408 Лизинг (молиявий ижара) бўйича ҳисобланган фоизлар
22410 Олинган кредитлар бўйича ҳисобланган фоизлар
22496 Бошқа мажбуриятлар бўйича ҳисобланган фоизлар

**22500 Ҳисобланган солиқлар**

22502 Ҳисобланган даромад(фойда) солиқлари

22504 Ҳисобланган бошқа солиқлар
22506 Тўлаш учун ушлаб қолинган солиқлар
22508 Муддати узайтирилган солиқлар
22510 Нафақа (пенсия) фонди билан бўладиган ҳисоб-китоблар
22512 Бандлик фонди ва бошқа фондлар билан бўладиган ҳисоб-китоблар

**22800 Муддати узайтирилган даромадлар**
22812 Келгуси давр фоизли даромадлари
22896 Бошқа муддати узайтирилган даромадлар

**29800 Бошқа мажбуриятлар**
29801 Мижозлар билан ҳисоб-китоблар
29802 Товар-моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар
29803 Микрокредит ташкилотлари ходимлари билан ҳисоб-китоблардаги тўланиши лозим бўлган маблағлар
29805 Ижара (операцион ижара) бўйича тўланиши лозим бўлган маблағлар
29896 Бошқа мажбуриятлар

**30000 КАПИТАЛ**

**30300 Микрокредит ташкилотининг устав капитали**
30301 Устав капитали

**30900 Захира капитали**
30903 Умумий захира фонди
30905 Текинга олинган мулклар
30908 Бошланғич қийматга нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси

**31200 Тақсимланмаган фойда**
31203 Тақсимланмаган фойда (актив-пассив)
31206 Соф фойда (зарар) (актив-пассив)

**31700 Грант маблағлари**
31701 Грант маблағлари

**40000 ДАРОМАДЛАР**

**40400 Банклардаги депозитлар бўйича фоизли даромадлар**
40401 Банклардаги талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар бўйича фоизли даромадлар
40403 Банклардаги жамғарма депозитлар бўйича фоизли даромадлар
40405 Банклардаги муддатли депозитлар бўйича фоизли даромадлар
40407 Банклардаги бошқа маблағлар бўйича фоизли даромадлар

**42000 Жисмоний шахсларга берилган қисқа муддатли микроқарзлар бўйича фоизли даромадлар**
42001 Жисмоний шахсларга берилган қисқа муддатли микроқарзлар бўйича фоизли даромадлар
42005 Жисмоний шахсларга берилган муддати ўтган микроқарзлар бўйича фоизли даромадлар
42009 Жисмоний шахсларга берилган шартлари қайта кўриб чиқилган қисқа муддатли микроқарзлар бўйича фоизли даромадлар

**42100 Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган қисқа муддатли микрокредитлар бўйича фоизли даромадлар**
42101 Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган қисқа муддатли микрокредитлар бўйича фоизли даромадлар

42105 Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган муддати ўтган микрокредитлар бўйича фоизли даромадлар
42109 Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган шартлари қайта кўриб чиқилган қисқа муддатли микрокредитлар бўйича фоизли даромадлар

**42300 Юридик шахсларга берилган қисқа муддатли микрокредитлар бўйича фоизли даромадлар**
42301 Юридик шахсларга берилган қисқа муддатли микрокредитлар бўйича фоизли даромадлар
42305 Юридик шахсларга берилган муддати ўтган микрокредитлар бўйича фоизли даромадлар
42309 Юридик шахсларга берилган шартлари қайта кўриб чиқилган қисқа муддатли микрокредитлар бўйича фоизли даромадлар

**44200 Жисмоний шахсларга берилган узоқ муддатли микроқарзлар бўйича фоизли даромадлар**
44201 Жисмоний шахсларга берилган узоқ муддатли микроқарзлар бўйича фоизли даромадлар
44209 Жисмоний шахсларга берилган шартлари қайта кўриб чиқилган узоқ муддатли микроқарзлар бўйича фоизли даромадлар

**44300 Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган узоқ муддатли микрокредитлар бўйича фоизли даромадлар**
44301 Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган узоқ муддатли микрокредитлар бўйича фоизли даромадлар
44309 Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган шартлари қайта кўриб чиқилган узоқ муддатли микрокредитлар бўйича фоизли даромадлар

**44500 Юридик шахсларга берилган узоқ муддатли микрокредитлар бўйича фоизли даромадлар**
44501 Юридик шахсларга берилган узоқ муддатли микрокредитлар бўйича фоизли даромадлар
44509 Юридик шахсларга берилган шартлари қайта кўриб чиқилган узоқ муддатли микрокредитлар бўйича фоизли даромадлар

**44700 Суд жараёнидаги микроқарзлар ва микрокредитлар бўйича фоизли даромадлар**
44701 Суд жараёнидаги микроқарзлар бўйича фоизли даромадлар
44703 Суд жараёнидаги микрокредитлар бўйича фоизли даромадлар.

**44900 Бошқа фоизли даромадлар**
44901 Бошқа фоизли даромадлар

**45100 Микролизинг (молиявий ижара) бўйича фоизли даромадлар**
45105 Микролизинг бўйича фоизли даромадлар
45117 Муддати ўтган микролизинг бўйича фоизли даромадлар
45119 Шартлари қайта кўриб чиқилган микролизинг бўйича фоизли даромадлар
45121 Суд жараёнидаги микролизинг бўйича фоизли даромадлар

**45200 даромадлар**
45201 Кўрсатилган хизматлар ва воситачилик учун олинган даромадлар
45217 Сотиб олинган дебиторлик қарзлари бўйича даромадлар- Факторинг

**45900 оизсиз даромадлар**
45901 Асосий воситаларнинг ижараси бўйича олинган даромадлар
45909 Асосий воситаларни сотиш ёки диспозиция қилишдан олинган фойда
45913 Бошқа хусусий мулклар/активларни сотиш ёки диспозиция қилишдан олинган фойда
45921 Ҳисобдан чиқарилган маблағларнинг қайтарилиши
45994 Бошқа фоизсиз даромадлар

**50000 ХАРАЖАТЛАР**

**53100 Қисқа муддатли кредитлар бўйича фоизли харажатлар**

16539 **Мебель, мослама ва бошқа жиҳозларнинг йиғилган эскириш суммаси (контр-актив)**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** микрокредит ташкилоти томонидан иш фаолиятида фойдаланиш учун сотиб олинган мебель, мослама ва жиҳозларнинг йиғилган эскириш суммаси ва қадрсизланиш натижасида кўрилган зарарлар суммаси ҳисобга олинади.

**Ҳисобварақнинг кредитида** мебель, мослама ва жиҳозларнинг эскиришини баҳолаш суммаси, қадрсизланиш натижасида кўрилган зарарлар, шунингдек, қайта баҳолаш натижасида киритилган тузатишлар суммаси акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг дебетида** сотилаётган ва/ёки бошқа йўл билан ҳисобдан чиқарилаётган мебель, мослама ва жиҳозларнинг йиғилган эскириш суммаси, шунингдек қайта баҳолаш натижасида киритилган тузатишлар суммаси акс эттирилади.

**Таҳлилий ҳисоб** асосий воситаларнинг ҳар бир тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

16549 **Операцион ижарага берилган асосий воситалар**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** операцион ижарага берилган асосий воситаларнинг (кўчмас мулкдан ташқари) қиймати ҳисобга олинади.

**Ҳисобварақнинг дебетида** кўчмас мулкдан ташқари ижарага берилган асосий воситаларнинг қиймати, актив сифатида қабул қилиш мезонларига жавоб берадиган кейинги харажатлар, шунингдек қайта баҳолаш натижасида киритилган тузатишлар суммаси акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг кредитида** ижара муддати тугаши ва/ёки ижара шартномаси бекор қилиниши натижасида қайтарилган асосий воситаларнинг қиймати, шунингдек ижара муддати тугагандан кейин ижарачи олган асосий воситаларнинг қиймати ва қайта баҳолаш натижасида киритилган тузатишлар суммаси акс эттирилади.

**Таҳлилий ҳисоб** ижарага берилган ҳар бир асосий восита бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

16551 **Операцион ижарага берилган асосий воситаларнинг йиғилган эскириш суммаси (контр-актив)**

**Ҳисобварақнинг мақсади:** операцион ижара бўйича ижарага берилган асосий воситаларнинг йиғилган эскириш ва уларнинг қадрсизланиши натижасида йиғилган зарарлар суммаси ҳисоби юритилади.

**Ҳисобварақнинг кредитида** ижарага берилган асосий воситаларнинг эскиришини баҳолаш суммаси, қадрсизланиш натижасида кўрилган зарарлар, шунингдек, қайта баҳолаш натижасида киритилган тузатишлар суммаси акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг дебетида** ижарага берилган, ижара муддати тугаши ёки ижара ҳуқуқи бекор қилиниши натижасида қайтариладиган, ёки муддати тугаши билан ижарачи томонидан сотиб олинадиган асосий воситаларнинг йиғилган эскириш суммаси сўндирилади, шунингдек қайта баҳолаш натижасида киритилган тузатишлар суммаси акс эттирилади.

**Таҳлилий ҳисоб** ижарага берилган ҳар бир асосий восита бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

16561 **Омбордаги асосий воситалар**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** микрокредит ташкилоти томонидан сотиб олинган ва омборда эксплуатацияга киритилгунга қадар ҳамда эксплуатациядан чиқарилгандан кейин сақланадиган асосий воситаларнинг қиймати ҳисобга олинади.

**Ҳисобварақнинг дебетида** сотиб олинган ва омборда сақланадиган асосий воситалар деб акс эттирадиган асосий воситаларнинг қиймати ҳамда қайта баҳолаш натижасида киритилган тузатишлар суммаси акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг кредитида** эксплуатацияга киритилган ёки ҳисобдан чиқарилган асосий воситаларнинг қиймати ҳамда қайта баҳолаш натижасида киритилган тузатишлар суммаси акс эттирилади.

**Таҳлилий ҳисоб** ҳар бир асосий восита тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

16563 **Омбордаги асосий воситаларнинг йиғилган эскириш суммаси(контр-актив)**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** омбордаги асосий воситаларнинг йиғилган эскириш ва қайта баҳолаш натижасида киритилган тузатишлар суммаси ҳисобга олинади.

**Ҳисобварақнинг кредитида** омборда асосий воситаларнинг эскириш қиймати ва қадрсизланиши натижасида вужудга келган зарар ҳамда қайта баҳолаш натижасида киритилган тузатишлар суммаси акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг дебетида** эксплуатацияга бериладиган, сотиш ва\ёки бошқа йўл билан ҳисобдан чиқаришдаги асосий воситаларнинг йиғилган эскириш суммасининг ҳисобдан чиқариш ҳамда қайта баҳолаш натижасида киритилган тузатишлар суммаси акс эттирилади.

**Таҳлилий ҳисоб** омбордаги асосий воситалар тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

**16600 НОМОДДИЙ АКТИВЛАР**

16601 **Номоддий активлар**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** дастурий таъминот, муаллифлик ҳуқуқи ва патент каби номоддий активларнинг қиймати ҳисобга олинади.

**Ҳисобварақнинг дебетида** номоддий активларни сотиб олиш билан боғлиқ барча харажатларни ҳисобга олган ҳолдаги қиймати, шунингдек эксплуатацияга тайёр номоддий активларнинг қиймати ва қайта баҳолаш натижасида киритилган тузатишлар суммаси акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг кредитида** сотилаётган ва/ёки бошқа йўл билан ҳисобдан чиқарилаётган номоддий активларнинг қиймати, шунингдек қайта баҳолаш натижасида киритилган тузатишлар суммаси акс эттирилади.

**Таҳлилий ҳисоб** номоддий активларнинг ҳар бир тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

16605 **Номоддий активларнинг йиғилган эскириш суммаси (контр-актив)**
**Ҳисобварақнинг таърифи:** номоддий активларнинг йиғилган эскириш суммаси ва қадрсизланиш натижасида йиғилган зарарлар ҳисобга олинади.
**Ҳисобварақнинг кредитида** номоддий активларнинг амортизация суммаси, қадрсизланиш натижасида кўрилган зарарлар, шунингдек қайта баҳолаш натижасида киритилган тузатишлар суммаси акс эттирилади.
**Ҳисобварақнинг дебетида** сотилаётган ва/ёки бошқа йўл билан ҳисобдан чиқарилаётган номоддий активларнинг йиғилган эскириш ҳамда қайта баҳолаш натижасида киритилган тузатишлар суммаси акс эттирилади.
**Таҳлилий ҳисоб** номоддий активларнинг ҳар бир тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

16609 **Ўрнатиш ва яратиш жараёнидаги номоддий активлар**
**Ҳисобварақнинг таърифи:** эксплуатацияга тайёр бўлмаган, ўрнатиш ва/ёки яратиш жараёнидаги номоддий активлар бўйича харажатлар ҳисобга олинади.
**Ҳисобварақнинг дебетида** эксплуатацияга тайёр бўлмаган номоддий активларнинг ўрнатиш ва\ёки яратиш билан боғлиқ барча харажатларни ҳисобга олган ҳолдаги қиймати, шунингдек қайта баҳолаш натижасида киритилган тузатишлар суммаси акс эттирилади.
**Ҳисобварақнинг кредитида** эксплуатацияга берилаётган, сотилаётган ва/ёки бошқа йўл билан ҳисобдан чиқарилаётган номоддий активларнинг қиймати, шунингдек қайта баҳолаш натижасида киритилган тузатишлар суммаси акс эттирилади.
**Таҳлилий ҳисоб** номоддий активларнинг ҳар бир тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

16617 **Гудвилл**
**Ҳисобварақнинг таърифи:** хўжалик субъектларининг қўшилиши ёки қўшиб олиниши натижасида вужудга келувчи гудвилл ҳисобга олинади.
**Ҳисобварақнинг дебетида** хўжалик субъектларининг қўшилиш ёки қўшиб олиниши натижасида сотиб олинган соф активларининг харид қилиш баҳосини уларнинг ҳақиқий баҳосидан ошиқ суммаси акс эттирилади.
**Ҳисобварақнинг кредитида** гудвиллнинг қадрсизланиши ва\ёки ҳисобдан чиқарилиши акс эттирилади.
**Таҳлилий ҳисоб** ҳар бир хўжалик субъекти бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

16699 **Ўрнатиш ва яратиш жараёнидаги номоддий активлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)**
**Ҳисобварақнинг таърифи:** ўрнатиш ва/ёки яратиш жараёнидаги номоддий активлар қадрсизланиши бўйича зарарларни қоплаш захираси ҳисоби юритилади.
**Ҳисобварақнинг кредитида** қадрсизланиши натижасида вужудга келган зарарлар ва қайта баҳолаш бўйича киритилган тузатишлар суммаси акс эттирилади.
**Ҳисобварақнинг дебетида** эксплуатацияга берилаётган ва/ёки бошқа йўл билан ҳисобдан чиқарилаётган номоддий активларнинг қадрсизланиши бўйича зарарларни ҳисобдан чиқариш ҳамда қайта баҳолаш натижасида киритилган тузатишлар суммаси акс эттирилади.
**Таҳлилий ҳисоб** номоддий активларнинг ҳар бир тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

**16700 КЎЧМАС МУЛК ВА БОШҚА ХУСУСИЙ МУЛКЛАР**

16701 **Кўчмас мулк ва бошқа хусусий мулклар**
**Ҳисобварақнинг таърифи:** микрокредит ташкилоти томонидан гаровга олинган мулкка эгалик ҳуқуқини қўллаган ҳолда қарздорлар ва микролизинг олувчилардан ундириб олинган, микрокредит ташкилоти фаолиятида ёки кўчмас мулкка қилинган инвестиция сифатида фойдаланилмайдиган бошқа хусусий мулклари ҳисобга олинади.
**Ҳисобварақнинг дебетида** микрокредит ва микролизингнинг соф баланс қийматидан ёки қарздорлар ва микролизинг олувчилардан ундириб олинган мулкнинг ҳақиқий

қийматидан қайси бири кичик бўлса, шу қиймати акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг кредитида** сотилган, диспозиция қилинган ва/ёки қайта таснифланган мулкларнинг қиймати акс эттирилади.

**Таҳлилий ҳисоб** мулкларнинг ҳар бир тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

16707 **Кўчмас мулк ва бошқа хусусий мулкларнинг йиғилган эскириш суммаси (контр-актив)**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** микрокредит ташкилоти томонидан гаровга олинган мулкка эгалик ҳуқуқини қўллаган ҳолда қарздорлар ва микролизинг олувчилардан ундириб олинган, микрокредит ташкилоти фаолиятида ёки кўчмас мулкка қилинган инвестиция сифатида фойдаланилмайдиган бошқа хусусий мулкларнинг йиғилган эскириш суммаси ҳисоби юритилади.

**Ҳисобварақнинг кредитида** кўчмас мулк ва бошқа хусусий мулкларнинг йиғилган эскириш суммаси акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг дебетида** сотилаётган ёки\ва бошқа йўл билан ҳисобдан чиқарилаётган кўчмас мулкларнинг эскириш қиймати акс эттирилади.

**Таҳлилий ҳисоб** ҳар бир кўчмас мулк ва бошқа хусусий мулклар бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

16799 **Кўчмас мулк ва бошқа хусусий мулклар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** кўчмас мулк ва бошқа хусусий мулклар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш учун яратилган захира ҳисоби юритилади.

**Ҳисобварақнинг кредитида** ташкил этилган захира суммаси ва/ёки захиранинг ўсиш суммаси акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг дебетида** захиранинг камайиш суммаси ва/ёки бекор қилинган суммаси акс эттирилади.

**Таҳлилий ҳисоб** мулкнинг ҳар бир тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

**19900 БОШҚА АКТИВЛАР**

19901 **Майда харажатлар**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** ўрнатилган тартибда майда харажатлар учун бериладиган ҳисобдорлик суммалари ҳисобга олинади.

**Ҳисобварақнинг дебетида** майда харажатлар учун ҳисобдорлик сифатида берилган суммалар акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг кредитида** фойдаланилмаган маблағларнинг қайтарилиши, шунингдек, ҳисобдорликдаги суммаларнинг қопланиши акс эттирилади.

**Таҳлилий ҳисоб** ҳар бир ҳисобдор шахс бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

19905 **Олинган кредитлар бўйича гаровга қўйилган мулклар ва мулкий ҳуқуқлар**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** олинган кредитлар бўйича микрокредит ташкилоти томонидан гаровга қўйилган мулклар ва мулкий ҳуқуқларнинг ҳисоби юритилади.

**Ҳисорбварақнинг дебетида** микрокредит ташкилоти томонидан олинган кредитларнинг таъминоти сифатида қўйилган мулклар ва мулкий ҳуқуқларнинг қиймати акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг кредитида** кредитор томонидан қайтарилмаган кредитни қоплаш учун фойдаланилган сумма, шунингдек, кредитни қоплашдаги ва кредит шартномаси муддати тугагандаги мулк қиймати акс эттирилади.

**Таҳлилий ҳисоб** ҳар бир гаровга қўйилган мулклар ва мулкий ҳуқуқлар бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

19907 **Хизматлар учун олдиндан тўланган харажатлар**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** кўрсатилган хизматлар учун олдиндан тўланган (1 йилдан ошмаган) харажатлар (почта, телеграф, телефон алоқаси, сув, электр токи, газ,

таъмирлаш ва бошқалар учун аванс) тўловлари ҳисобга олинади.

**Ҳисобварақнинг дебетида** кўрсатилган хизматлар учун олдиндан тўланган харажатлар суммаси акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг кредитида** хизматлар ҳақиқатда бажарилгандаги тўланадиган ва ҳисобдан чиқариладиган суммалар акс эттирилади.

**Таҳлилий ҳисоб** ҳар бир шартнома бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

19908 **Микрокредит ташкилоти ходимлари билан бўладиган ҳисоб-китоблардаги олиниши лозим бўлган маблағлар**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** микрокредит ташкилоти ходимларига хизмат сафари харажатлари учун аванслар, ортиқча ҳисобланган иш ҳақи ёки мукофот (бадал) тариқасида тўланган маблағ, шунингдек жавобгар шахс томонидан етказилган зарар ҳисобга олинади.

**Ҳисобварақнинг дебетида** ходимларга ҳисобланган ва тўланган суммалар акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг кредитида** ҳисобланган ва тўланган суммаларни қоплаш акс эттирилади.

**Таҳлилий ҳисоб** ҳар бир ходим учун алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

19909 **Товар-моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланган маблағлар ҳисобвараги**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** моддий-товар қимматликлар (бу қоидага мувофиқ, асосий воситалар, кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар учун ва бошқа моддий-товар қимматликлар учун аванс тўловларидир) учун ўтказиладиган маблағлар ҳисобга олинади.

**Ҳисобварақнинг дебетида** моддий-товар қимматликлар учун ўтказилган маблағлар акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг кредитида** моддий-товар қимматликлар омборга кирим қилинганда тўланадиган ёки ҳисобдан чиқариладиган акс эттирилади.

**Таҳлилий ҳисоб** ҳар бир шартнома бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

19911 **Олиниши лозим бўлган маблағлар ҳисобварақлари бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** микрокредит ташкилоти томонидан ундириб олинмаслиги мумкин бўлган дебиторлик қарзлари бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси ҳисобга олинади.

**Ҳисобварақнинг кредитида** ташкил этилган захира суммаси ва/ёки захиранинг ўсиш суммаси акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг дебетида** захиранинг камайиш суммаси ва/ёки бекор қилинган суммаси акс эттирилади.

**Таҳлилий ҳисоб** ҳар бир дебитор бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

19921 **Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар**

**Ҳисоб варақнинг таърифи:** микрокредит ташкилоти томонидан сотиб олинган ва омборда сақланаётган кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар, шунингдек, бошқа қимматликлар, шу жумладан микрокредит ташкилотининг бино ва бошқа асосий воситаларини таъмирлаш учун мўлжалланган материаллар ҳисоби олиб борилади.

**Ҳисоб рақамнинг дебетида** сотиб олинган ва омборга кирим қилинган кам баҳоли ва тез эскирувчи предметлар ҳамда бошқа қимматликларнинг қиймати акс эттирилади.

**Ҳисоб рақамнинг кредитида** ҳисобдан чиқарилган ва/ёки фойдаланишга берилган кам баҳоли ва тез эскирувчи предметлар ва бошқа қимматликларнинг қиймати акс эттирилади.

**Таҳлилий ҳисоб** кам баҳоли ва тез эскирувчи предметлар, шунингдек, бошқа қимматликларнинг турлари бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

19925 **Олдиндан тўланган харажатлар**
**Ҳисобварақнинг таърифи:** микрокредит ташкилоти томонидан жорий ҳисобот даври давомида келгуси ҳисобот даври учун олдиндан тўланган харажатлари (даврий нашрларга йиллик обуналар, олдиндан тўланган суғурта тўловлари, ижара тўловлар ва бошқалар)
**Ҳисобварақнинг дебетида** келгуси ҳисобот давридаги харажатлар учун олдиндан тўланган харажатлар суммаси акс эттирилади.
**Ҳисобварақнинг кредитида** қайси даврга тааллуқли бўлса, ўша даврнинг жорий харажатларига ўтказилган харажатларнинг амалда қопланган суммаси ва олдиндан тўланган харажатларнинг қайтарилиши акс эттирилади.
**Таҳлилий ҳисобварақ** харажатлар тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

19931 **Муддати узайтирилган солиқлар**
**Ҳисобварақнинг таърифи:** Ўзбекистон Республикаси бюджетига ва бюджетдан ташқари фондларига олдиндан бўнак тариқасида тўланган солиқлар, йиғимлар, ажратмалар ҳисобга олинади. Ушбу ҳисобварақда муддати узайтирилган солиқ талабларининг ҳам ҳисоби юритилади. Муддати узайтирилган солиқ талаблари бу — жорий даврнинг солиққа тортиладиган даромади (фойдаси)га киритилиб, вақтинчалик фарқлар мавжуд бўлгани сабабли келгуси даврда қопланадиган, лекин келгуси давр солиққа тортиладиган даромад(фойда)ни аниқлашда чегириб ташланадиган даромад (фойда) солиғидир. Бу — бухгалтерия балансидаги фойда билан солиққа тортиладиган фойда ўртасидаги фарқдир.
**Ҳисобварақнинг дебетида** олдиндан тўланган солиқлар ва солиқ талаблари суммаси акс эттирилади.
**Ҳисобварақнинг кредитида** харажатларнинг мос ҳисобварақларидан ҳисобдан чиқарилган суммаси акс эттирилади.
**Таҳлилий ҳисоб** солиқ, йиғим, ажратмаларнинг ҳар бир тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

19941 **Тугатилган ёки тугатилиш жараёнида бўлган банклардаги маблағлар**
**Ҳисобварақнинг таърифи:** микрокредит ташкилотининг, тугатилган ёки тугатилиш жараёнида бўлган банклардаги депозитлари ва бошқа маблағлари ҳисоби юритилади.
**Ҳисобварақнинг дебетида** тугатилган ёки тугатилиш жараёнида бўлган банклардаги депозитлари ва бошқа маблағлари суммаси акс эттирилади.
**Ҳисобварақнинг кредитида** келиб тушган, кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси маблағлари ҳисобидан ёки бошқа активлар билан қопланган тугатилган ёки тугатилиш жараёнида бўлган банкларнинг маблағлари суммаси ҳисобдан чикарилади.
**Таҳлилий ҳисоб** ҳар бир банк бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

19945 **Тугатилган ёки тугатилиш жараёнида бўлган банклардаги маблағлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)**
**Ҳисобварақнинг таърифи:** микрокредит ташкилоти томонидан, тугатилган банк ёки тугатилаётган банклардаги ундирилмаслик эҳтимоли мавжуд бўлган депозитлари ва бошқа маблағлари бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш учун ташкил этилган захира ҳисоби олиб борилади.
**Ҳисобварақнинг кредитида** ташкил этилган захира суммаси ва/ёки захиранинг ўсиш суммаси акс эттирилади.
**Ҳисобварақнинг дебетида** захиранинг бекор қилинган ва/ёки камайиш суммаси акс эттирилади.
**Таҳлилий ҳисоб** ҳар бир банк бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

19995 **Суд жараёнидаги бошқа активлар**
**Ҳисобварақнинг таърифи:** микрокредит ташкилотининг суд жараёнидаги активлари ҳисоби олиб борилади (микрокредит ташкилотининг жавобгар шахси томонидан етка-

зилган моддий зарарлар, ноқонуний берилган пул маблағлари ва бошқалар).
**Ҳисобварақнинг дебетида** суд жараёни сабабли қайта таснифланган ва тегишли асосий ҳисобварақлардан ушбу ҳисобварақҳа ўтказилган активларнинг суммаси акс эттирилади.
**Ҳисобварақнинг кредитида** ундирилган ва/ёки зарарларни қоплаш захираси ҳисобига 19999 — «Бошқа активлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)» ҳисобварағидан ҳисобдан чиқарилган активларнинг суммаси акс эттирилади.
**Таҳлилий ҳисоб** ҳар бир актив бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

19997 **Бошқа активлар**
**Ҳисобварақнинг таърифи**: микрокредит ташкилотининг юқорида таърифланган активларга мос тушмайдиган бошқа активлари ҳисоби олиб борилади.
**Ҳисобварақнинг дебетида** активлар қиймати акс эттирилади.
**Ҳисобварақнинг кредитида** қопланган, сотилган ёки диспозиция қилинган активларнинг суммаси акс эттирилади.
**Таҳлилий ҳисоб** активлар тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

19999 **Бошқа активлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)**
**Ҳисобварақнинг таърифи:** алоҳида «Зарарларни қоплаш захираси» ҳисобварағларида кўзда тутилмаган активлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси ҳисобга олинади.
**Ҳисобварақнинг кредитида** ташкил этилган захира суммаси ва/ёки захиранинг ўсиш суммаси акс эттирилади.
**Ҳисобварақнинг дебетида** захиранинг бекор қилинган ва/ёки камайиш суммаси акс эттирилади.
**Таҳлилий ҳисоб** ҳар бир актив тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

**20000 МАЖБУРИЯТЛАР**

**21600 ОЛИНГАН ҚИСҚА МУДДАТЛИ КРЕДИТЛАР**

21606 **Банклардан олинган қисқа муддатли кредитлар**
**Ҳисобварақнинг таърифи:** олинган санасидан бошлаб 1 йил муддатгача банклардан олинган кредит (шунингдек, моҳияти бўйича кредитлар бўлган бошқа операциялар)ларнинг ҳисоби олиб борилади.
**Ҳисобварақнинг кредитида** олинган кредитлар суммаси акс эттирилади.
**Ҳисобварақнинг дебетида** тўланган кредитлар суммаси ҳисобдан чиқарилади.
**Таҳлилий ҳисоб** ҳар бир кредитор бўйича кредит шартномаларига қараб алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

21610 **Давлатнинг мақсадли жамғармаларидан олинган қисқа муддатли кредитлар**
**Ҳисобварақнинг таърифи:** олинган санасидан бошлаб 1 йил муддатгача давлатнинг мақсадли жамғармаларидан олинган кредит (шунингдек, моҳияти бўйича кредитлар бўлган бошқа операциялар)ларнинг ҳисоби олиб борилади.
**Ҳисобварақнинг кредитида** олинган кредитлар суммаси акс эттирилади.
**Ҳисобварақнинг дебетида** тўланган кредитларнинг суммаси ҳисобдан чиқарилади.
**Таҳлилий ҳисоб** ҳар бир кредитор бўйича кредит шартномаларига қараб алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

21614 **Банк бўлмаган молиявий муассасалардан олинган қисқа муддатли кредитлар**
**Ҳисобварақнинг таърифи:** олинган санасидан бошлаб 1 йил муддатгача банк бўлмаган молиявий муассасалардан, шу жумладан кредит уюшмалари, ломбард ва ли-

зинг компанияларидан олинган кредит (шунингдек, моҳияти бўйича кредитлар бўлган бошқа операциялар)ларнинг ҳисоби олиб борилади.
**Ҳисобварақнинг кредитида** олинган кредитлар суммаси акс эттирилади.
**Ҳисобварақнинг дебетида** тўланган кредитлар суммаси ҳисобдан чиқарилади.
**Таҳлилий ҳисоб** ҳар бир кредитор бўйича кредит шартномаларига қараб алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

21618 **Нодавлат нотижорат ташкилотлардан олинган қисқа муддатли кредитлар**
**Ҳисобварақнинг таърифи:** олинган санасидан бошлаб 1 йил муддатгача нодавлат нотижорат ташкилотлардан олинган кредит (шунингдек, моҳияти бўйича кредитлар бўлган бошқа операциялар)ларнинг ҳисоби олиб борилади.
**Ҳисобварақнинг кредитида** олинган кредитлар суммаси акс эттирилади.
**Ҳисобварақнинг дебетида** тўланган кредитлар суммаси ҳисобдан чиқарилади.
**Таҳлилий ҳисоб** ҳар бир кредитор бўйича кредит шартномаларига қараб алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

21622 **Халқаро молиявий институтлардан олинган қисқа муддатли кредитлар**
**Ҳисобварақнинг таърифи:** олинган санасидан бошлаб 1 йил муддатгача халқаро молиявий институтлардан олинган кредит (шунингдек, моҳияти бўйича кредитлар бўлган бошқа операциялар)ларнинг ҳисоби олиб борилади.
**Ҳисобварақнинг кредитида** олинган кредитлар суммаси акс эттирилади.
**Ҳисобварақнинг дебетида** тўланган кредитларнинг суммаси ҳисобдан чиқарилади.
**Таҳлилий ҳисоб** ҳар бир кредитор бўйича кредит шартномаларига қараб алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

21626 **Чет эллик инвесторлардан олинган қисқа муддатли кредитлар**
**Ҳисобварақнинг таърифи:** олинган санасидан бошлаб 1 йил муддатгача чет эллик инвесторлардан олинган кредит (шунингдек, моҳияти бўйича кредитлар бўлган бошқа операциялар)ларнинг ҳисоби олиб борилади.
**Ҳисобварақнинг кредитида** олинган кредитлар суммаси акс эттирилади.
**Ҳисобварақнинг дебетида** тўланган кредитлар суммаси ҳисобдан чиқарилади.
**Таҳлилий ҳисоб** ҳар бир кредитор бўйича кредит шартномаларига қараб алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

21696 **Бошқа кредиторлардан олинган қисқа муддатли кредитлар**
**Ҳисобварақнинг таърифи:** олинган санасидан бошлаб 1 йил муддатгача юқорида кўрсатилган туркум таърифларга мос тушмайдиган кредиторлардан олинган кредит (шунингдек, моҳияти бўйича кредитлар бўлган бошқа операциялар)ларнинг ҳисоби олиб борилади.
**Ҳисобварақнинг кредитида** олинган кредитлар суммаси акс эттирилади.
**Ҳисобварақнинг дебетида** тўланган кредитлар суммаси акс эттирилади.
**Таҳлилий ҳисоб** ҳар бир кредитор бўйича кредит шартномаларига қараб алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

**22000 ОЛИНГАН УЗОҚ МУДДАТЛИ КРЕДИТЛАР**

22006 **Банклардан олинган узоқ муддатли кредитлар**
**Ҳисобварақнинг таърифи:** олинган санасидан бошлаб 1 йил муддатгача банклар олинган кредит (шунингдек, моҳияти бўйича кредитлар бўлган бошқа операциялар)ларнинг ҳисоби олиб борилади.
**Ҳисобварақнинг кредитида** олинган кредитлар суммаси акс эттирилади.
**Ҳисобварақнинг дебетида** тўланган кредитлар суммаси ҳисобдан чиқарилади.
**Таҳлилий ҳисоб** ҳар бир кредитор бўйича кредит шартномаларига қараб алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

22010 **Давлатнинг мақсадли жамғармаларидан олинган узоқ муддатли кредитлар**
**Ҳисобварақнинг таърифи:** олинган санасидан бошлаб 1 йилдан ортиқ муддатга давлатнинг мақсадли жамғармаларидан олинган кредит (шунингдек, моҳияти бўйича

кредитлар бўлган бошқа операциялар)ларнинг ҳисоби олиб борилади.
**Ҳисобварақнинг кредитида** олинган кредитлар суммаси акс эттирилади.
**Ҳисобварақнинг дебетида** тўланган кредитларнинг суммаси ҳисобдан чиқарилади.
**Таҳлилий ҳисоб** ҳар бир кредитор бўйича кредит шартномаларига қараб алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

22014 **Банк бўлмаган молиявий муассасалардан олинган узоқ муддатли кредитлар**
**Ҳисобварақнинг таърифи:** олинган санасидан бошлаб 1 йилдан ортиқ муддатга банк бўлмаган молиявий муассасалардан, шу жумладан кредит уюшмалари, ломбард ва лизинг компанияларидан олинган кредит (шунингдек, моҳияти бўйича кредитлар бўлган бошқа операциялар)ларнинг ҳисоби олиб борилади.
**Ҳисобварақнинг кредитида** олинган кредитлар суммаси акс эттирлади.
**Ҳисобварақнинг дебетида** тўланган кредитлар суммаси ҳисобдан чиқарилади.
**Таҳлилий ҳисоб** ҳар бир кредитор бўйича кредит шартномаларига қараб алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

22018 **Нодавлат нотижорат ташкилотлардан олинган узоқ муддатли кредитлар**
**Ҳисобварақнинг таърифи:** олинган санасидан бошлаб 1 йилдан ортиқ муддатга нодавлат нотижорат ташкилотлардан олинган кредит (шунингдек, моҳияти бўйича кредитлар бўлган бошқа операциялар)ларнинг ҳисоби олиб борилади.
**Ҳисобварақнинг кредитида** олинган кредитлар суммаси акс эттирилади.
**Ҳисобварақнинг дебетида** тўланган кредитлар суммаси ҳисобдан чиқарилади.
**Таҳлилий ҳисоб** ҳар бир кредитор бўйича кредит шартномаларига қараб алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

22022 **Халқаро молиявий институтлардан олинган узоқ муддатли кредитлар**
**Ҳисобварақнинг таърифи:** олинган санасидан бошлаб 1 йилдан ортиқ муддатга халқаро молиявий институтлардан олинган кредит (шунингдек, моҳияти бўйича кредитлар бўлган бошқа операциялар)ларнинг ҳисоби олиб борилади.
**Ҳисобварақнинг кредитида** олинган кредитлар суммаси акс эттирилади.
**Ҳисобварақнинг дебетида** тўланган кредитларнинг суммаси ҳисобдан чиқарилади.
**Таҳлилий ҳисоб** ҳар бир кредитор бўйича кредит шартномаларига қараб алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

22026 **Чет эллик инвесторлардан олинган узоқ муддатли кредитлар**
**Ҳисобварақнинг таърифи:** олинган санасидан бошлаб 1 йилдан ортиқ муддатга чет эллик инвесторлардан олинган кредит(шунингдек, моҳияти бўйича кредитлар бўлган бошқа операциялар)ларнинг ҳисоби олиб борилади.
**Ҳисобварақнинг кредитида** олинган кредитлар суммаси акс эттирлади.
**Ҳисобварақнинг дебетида** тўланган кредитлар суммаси ҳисобдан чиқарилади.
**Таҳлилий ҳисоб** ҳар бир кредитор бўйича кредит шартномаларига қараб алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

22096 **Бошқа кредиторлардан олинган узоқ муддатли кредитлар**
**Ҳисобварақнинг таърифи:** олинган санасидан бошлаб 1 йилдан ортиқ муддатга юқорида кўрсатилган таърифларга мос тушмайдиган кредиторлардан олинган кредит(шунингдек, моҳияти бўйича кредитлар бўлган бошқа операция)ларнинг ҳисоби олиб борилади.
**Ҳисобварақнинг кредитида** олинган кредитлар суммаси акс эттирилади.
**Ҳисобварақнинг дебетида** тўланган кредитлар суммаси ҳисобдан чиқарилади.
**Таҳлилий ҳисоб** ҳар бир кредитор бўйича кредит шартномаларига қараб алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

**22100 ЛИЗИНГ (МОЛИЯВИЙ ИЖАРА) БЎЙИЧА МАЖБУРИЯТЛАР**
22102 **Банклар олдидаги лизинг бўйича мажбуриятлар**
22104 **Бошқа лизинг берувчилар олдидаги лизинг бўйича мажбуриятлар**

Юқоридаги ҳисобварақлар ўз хусусиятлари бўйича бир хил бўлгани учун уларнинг таърифи умумлаштирилган ҳолда берилмоқда.

**Ҳисобварақларнинг таърифи:** лизинг бўйича мажбуриятлар ҳисоби олиб борилади.
**Ҳисобварақларнинг кредитида** лизингга берилган мулкнинг ҳақиқий қиймати билан минимал лизинг тўловларининг қайси бирининг қиймати кичик бўлса, ўша сумма акс эттирилади.
**Ҳисобварақларнинг дебетида** лизинг тўловлари жадвали бўйича мажбуриятларнинг камайган суммаси ҳисоби юритилади.
**Таҳлилий ҳисоб** ҳар бир лизинг берувчи бўйича лизинг шартномаларига қараб алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

22400 **ТЎЛАНИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН ҲИСОБЛАНГАН ФОИЗЛАР**

22408 **Лизинг (молиявий ижара) бўйича ҳисобланган фоизлар**
**Ҳисобварақнинг таърифи:** лизинг бўйича тўланиши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар ҳисоби олиб борилади.
**Ҳисобварақнинг кредитида** лизинг тўловлари жадвали бўйича тўланиши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар суммаси акс эттирилади.
**Ҳисобварақнинг дебетида** тўланган фоизлар, шунингдек, нотўғри ҳисобланган фоизларнинг қайтарилган суммаси акс эттирилади.
**Таҳлилий ҳисоб** ҳар бир кредитор бўйича шартномаларига қараб алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

22410 **Олинган кредитлар бўйича ҳисобланган фоизлар**
**Ҳисобварақнинг таърифи:** микрокредит ташкилотларининг кредит мажбуриятлари (моҳияти бўйича кредитлар бўлган бошқа операциялар) бўйича ҳисобланган, лекин тўланмаган фоизлар ҳисоби олиб борилади.
**Ҳисобварақнинг кредитида** тўланиши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар суммаси акс эттирилади.
**Ҳисобварақнинг дебетида** тўланган фоизлар суммаси, шунингдек нотўғри ҳисобланган фоизларнинг қайтарилган суммаси ҳисобдан чиқарилади.
**Таҳлилий ҳисоб** ҳар бир кредитор бўйича кредит шартномаларига қараб алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

22496 **Бошқа мажбуриятлар бўйича ҳисобланган фоизлар**
**Ҳисобварақнинг таърифи:** юқорида кўрсатилган туркум таърифларга мос тушмайдиган мажбуриятлар бўйича ҳисобланган, лекин тўланмаган фоизлар ҳисоби олиб борилади.
**Ҳисобварақнинг кредитида** тўланиши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар суммаси акс эттирилади.
**Ҳисобварақнинг дебетида** тўланган фоизлар суммаси, шунингдек нотўғри ҳисобланган фоизларнинг қайтарилиш суммаси ҳисобдан чиқарилади.
**Таҳлилий ҳисоб** мажбуриятлар тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

**22500** **ҲИСОБЛАНГАН СОЛИҚЛАР**

22502 **Ҳисобланган даромад (фойда) солиқлари**
**Ҳисобварақнинг таърифи:** жорий даврда ҳисобланган, лекин ҳали тўланмаган даромад (фойда) солиқлари (даромад (фойда), ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва қонунчиликка мувофиқ равишда бошқа шу каби солиқлар)нинг ҳисоби олиб борилади.
**Ҳисобварақнинг кредитида** ҳисобланган жорий даромад (фойда) солиқлари суммаси акс эттирилади.
**Ҳисобварақнинг дебетида** тўланган даромад (фойда) солиқлари суммаси, шунингдек нотўғри ҳисобланган даромад (фойда) солиқлари суммаси ҳисобдан чиқарилади.
**Таҳлилий ҳисоб** солиқлар тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

22504 **Ҳисобланган бошқа солиқлар**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** ҳисобланган, лекин ҳали тўланмаган солиқ (даромад (фойда) солиғидан ташқари)лар ҳисоби олиб борилади.

**Ҳисобварақнинг кредитида** ҳисобланган солиқлар суммаси акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг дебетида** тўланган солиқларнинг ҳисобдан чиқарилган суммаси, шунингдек, нотўғри ҳисобланган солиқларнинг қайтарилган суммаси ҳисобдан чиқарилади.

**Таҳлилий ҳисоб** солиқлар тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

22506 **Тўлаш учун ушлаб қолинган солиқлар**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** қонунчиликка мувофиқ микрокредит ташкилотининг ходимларидан ушлаб қолган ва бюджет даромадига ўтказиладиган солиқлар ҳисоби олиб борилади.

**Ҳисобварақнинг кредитида** ушлаб қолинадиган солиқлар суммаси акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг дебетида** бюджетга ўтказилган солиқлар суммаси ҳисобдан чиқарилади.

**Таҳлилий ҳисоб** ҳар бир солиқ тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

22508 **Муддати узайтирилган солиқлар**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** муддати узайтирилган даромад солиқлари ҳисобга олинади. Муддати узайтирилган даромад солиғи бу, жорий давр солиққа тортиладиган даромад(фойда)дан чегириб ташланадиган, лекин келгуси даврнинг солиққа тортиладиган даромади (фойдаси)га киритиладиган вақтинчалик фарқларни қўшган ҳолда келгуси даврда тўланадиган даромад(фойда) солиғидир. Бу бухгалтерия фойдаси билан солиққа тортиладиган фойда ўртасидаги фарқдир.

**Ҳисобварақнинг кредитида** ҳисобланган муддати узайтирилган даромад солиқлари суммаси акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг дебетида** муддати узайтирилган даромад солиқларнинг камайган суммаси акс эттирилади.

**Таҳлилий ҳисоб** алоҳида шахсий ҳисобварақда олиб борилади.

22510 **Нафақа (пенсия) фонди билан бўладиган ҳисоб-китоблар**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** қонунчиликка мувофиқ микрокредит ташкилоти томонидан Нафақа фондига ўтказиладиган тегишли ижтимоий тўловлар ҳисоби юритилади.

**Ҳисобварақнинг кредитида** микрокредит ташкилоти томонидан ижтимоий тўловга ўтказиладиган тегишли маблағлар суммаси акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг дебетида** ижтимоий тўловга ўтказилган тегишли маблағлар суммаси акс эттирилади.

**Таҳлилий ҳисоб** тўловлар тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

22512 **Бандлик фонди ва бошқа фондлар билан бўладиган ҳисоб-китоблар**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** микрокредит ташкилоти томонидан қонунчиликка мувофиқ Бандлик фондига, Касаба уюшмаси Федерацияси Кенгашининг ижтимоий суғурта бюджетига ва бошқа фондларга ўтказиладиган тегишли тўловлар ҳисоби олиб борилади.

**Ҳисобварақнинг кредитида** Бандлик фонди ва бошқа фондларга ўтказиладиган тегишли тўловлар суммаси акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг дебетида** Бандлик фонди ва бошқа фондларга ўтказилган тегишли тўловлар суммаси акс эттирилади.

**Таҳлилий ҳисоб** ҳар бир фонд ва тўловлар тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

**22800 МУДДАТИ УЗАЙТИРИЛГАН ДАРОМАДЛАР**

22812 **Келгуси давр фоизли даромадлари**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** олдиндан олинган ва уларнинг амалда ишлаб топилганлигига қараб даврий равишда микрокредит ташкилоти даромадига ўтказиладиган фоизлар ҳисоби олиб борилади.

**Ҳисобварақнинг кредитида** олдиндан олинган фоизлар суммаси акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг дебетида** микрокредит ташкилоти даромадига ўтказилган ишлаб топилган фоизлар суммаси ҳисобдан чиқарилади.

**Таҳлилий ҳисоб** даромадлар тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

22896 **Бошқа муддати узайтирилган даромадлар**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** олдиндан олинган ва уларнинг амалда ишлаб топилганлигига қараб даврий равишда даромадга ўтказиладиган, ҳақиқий хизмат кўрсатилгунига қадар микрокредит ташкилоти даромади сифатида акс эттириш мумкин бўлмаган, мажбурият сифатида акс эттириб туриладиган бошқа муддати узайтирилган даромадлар (фоизли даромадлар мустасно), ижара бўйича олинган бўнак ва бошқа фоизсиз операциялар пул маблағлари ҳисоби олиб борилади.

**Ҳисобварақнинг кредитида** олинган бўнак пул маблағларининг суммаси акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг дебетида** микрокредит ташкилоти даромадига ўтказилган ишлаб топилган даромадлар суммаси ҳисобдан чиқарилади.

**Таҳлилий ҳисоб** даромадлар тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

**29800 БОШҚА МАЖБУРИЯТЛАР**

29801 **Мижозлар билан ҳисоб-китоблар**

**Ҳисобварақнинг мақсади:** мижозлар билан амалга ошириладиган операциялар бўйича турли тўловлар ҳисоби олиб борилади.

**Ҳисобварақнинг кредитида** тўланиши лозим бўлган маблағлар суммаси акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг дебетида** белгиланган мақсади бўйича маблағларни ҳисобдан чиқариш акс эттирилади.

**Таҳлилий ҳисоб** ҳар бир мижоз бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

29802 **Товар-моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** олинган товар-моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар (электр, сув, газ ва бошқалар) учун тўланиши лозим бўлган маблағлар ҳисоби олиб борилади.

**Ҳисобварақнинг кредитида** олинган товар-моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланиши лозим бўлган маблағлар суммаси акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг дебетида** товар-моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланган маблағлар суммаси акс эттирилади.

**Таҳлилий ҳисоб** ҳар бир кредитор ва/ёки тўловлар тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

29803 **Микрокредит ташкилоти ходимлари билан бўладиган ҳисоб-китоблардаги тўланиши лозим бўлган маблағлар**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** иш ҳақи, пенсия, алимент, болалар ёрдам пули, моддий ёрдам, банд қилинган иш ҳақи, бошқа мукофотлар ёки бадаллар бериш учун ҳисобланган маблағлар ҳисоби олиб борилади.

**Ҳисобварақнинг кредитида** тўланиши лозим бўлган ҳисобланган маблағлар акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг дебетида** берилган маблағлар суммаси акс эттирилади.

**Таҳлилий ҳисоб** ҳисоблар тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

29805 **Ижара (операцион ижара) бўйича тўланиши лозим бўлган маблағлар**
**Ҳисобварақнинг таърифи:** операцион ижара бўйича ҳисобланган мажбуриятлар ҳисоби олиб борилади.
**Ҳисобварақнинг кредитида** операцион ижара бўйича тўлаш учун ҳисобланган (харажат) сумма акс эттирилади.
**Ҳисобварақнинг дебетида** операцион ижара бўйича тўлаш учун ҳисобланган сумманинг тўланган ёки ҳисобдан чиқарилган суммалари акс эттирилади.
**Таҳлилий ҳисоб** ҳар бир ижара берувчи бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

29896 **Бошқа мажбуриятлар**
**Ҳисобварақнинг таърифи:** юқорида кўрсатилган туркум таърифларга мос тушмайдиган операциялар ҳисоби олиб борилади.
**Ҳисобварақнинг кредитида** маблағлар келиб тушиши акс эттирилади.
**Ҳисобварақнинг дебетида** маблағларнинг ҳисобдан чиқарилиши акс эттирилади.
**Таҳлилий ҳисоб** операциялар тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

**30000 КАПИТАЛ**

**30300 МИКРОКРЕДИТ ТАШКИЛОТИНИНГ УСТАВ КАПИТАЛИ**

30301 **Устав капитали**
**Ҳисобварақнинг таърифи:** устав капиталининг таъсис ҳужжатларида белгиланган умумий улушларнинг (пул ифодасида) йиғиндиси ҳисобга олинади.
**Ҳисобварақнинг кредитида** таъсисчилардан олинган улушлар суммаси акс эттирилади.
**Ҳисобварақнинг дебетида** микрокредит ташкилотидан чиқиб кетаётган таъсисчиларга қайтарилган улушлар суммаси акс эттирилади.
**Таҳлилий ҳисоб** ҳар бир таъсисчи бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

**30900 ЗАХИРА КАПИТАЛИ**

30903 **Умумий захира фонди**
**Ҳисобварақнинг таърифи:** ўрнатилган тартибга мувофиқ, умумий мақсадлар учун микрокредит ташкилотининг тақсимланмаган фойдаси ҳисобидан ажратилган маблағлар ҳисоби олиб борилади.
**Ҳисобварақнинг кредитида** йил охирида фойдадан умумий захира фондига ўтказилган маблағларнинг суммаси акс эттирилади.
**Ҳисобварақнинг дебетида** умумий захира фондидан маълум мақсадлар учун ҳисобдан чиқарилган маблағлар суммаси акс эттирилади.
**Таҳлилий ҳисоб** ҳар бир мақсадлар бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

30905 **Текинга олинган мулклар**
**Ҳисобварақнинг таърифи:** микрокредит ташкилотининг таъсисчиларидан текинга олинган мулклар қиймати ҳисоби олиб борилади.
**Ҳисобварақнинг кредитида** текинга олинган мулклар қиймати акс эттирилади.
**Ҳисобварақнинг дебетида** бошқа шахслардан мулкларни текинга олиш (олдин текинга олинган) натижасида кўрилган зарарни қоплашга йўналтирилган, шунингдек, ўрнатилган тартибга мувофиқ тақсимланмаган фойда ҳисобига ўтказилган суммалар акс эттирилади.
**Таҳлилий ҳисоб** битта шахсий ҳисобварақда олиб борилади.

30908 **Бошланғич қийматига нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси**

**Ҳисобварақнинг мақсади:** микрокредит ташкилотининг асосий воситалари ва номоддий активлари бозор қийматининг сезиларли ўсиши натижасида бошланғич қийматига нисбатан қийматининг ошган миқдори ҳисоби олиб борилади.

**Ҳисобварақнинг кредитида** микрокредит ташкилотининг асосий воситалари ва номоддий активлари қийматининг баланс қийматига нисбатан ошган миқдори акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг дебетида** баҳоланаётган асосий восита ва номоддий актив сотилганда ёки бошқа йўл билан ҳисобдан чиқарилганда, улар қийматининг ошган миқдори, шунингдек, микрокредит ташкилотининг асосий воситаси ва номоддий активи қийматининг баланс қийматига нисбатан пасайиб кетиши ва ўрнатилган тартибга мувофиқ, тақсимланмаган фойда ҳисобига ўтказилган суммалар ҳисобдан чиқарилади.

**Таҳлилий ҳисоб** ҳар бир баҳоланган асосий восита ва номоддий актив бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

**31200 ТАҚСИМЛАНМАГАН ФОЙДА**

31203 **Тақсимланмаган фойда (актив-пассив)**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** микрокредит ташкилотининг ўтган молиявий фаолияти давомида олган тақсимланмаган фойдаси (зарари)нинг ҳисоби олиб борилади.

**Ҳисобварақнинг кредитида** микрокредит ташкилотининг 31206-ҳисобварақдан ўтказилган соф фойдаси ҳамда захира капиталидан тақсимланмаган фойдага ўтказилган суммалар акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг дебетида** тақсимланмаган фойда ҳисобидан ҳар хил фондлар учун ажратмалар, 31206-ҳисобварақдан ўтказилган зарарлар суммаси, шунингдек, таъсисчилар қарори билан микрокредит ташкилотининг устав капиталига қилинган қайта инвестиция (реинвестиция)лаш суммалари акс эттирилади.

**Таҳлилий ҳисоб** битта шахсий ҳисобварақда юритилади.

31206 **Соф фойда (зарар) (актив-пассив)**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** ҳисобот йилида микрокредит ташкилоти молиявий фаолиятининг натижаларида олинган соф фойда (зарар)ларнинг суммаси ҳисоби олиб борилади.

**Ҳисобварақнинг кредитида** ҳисобот йилида микрокредит ташкилоти томонидан олинган фойда, 31203 — «Тақсимланмаган фойда (актив-пассив)» ҳисобварағига ўтказилган зарарлар суммаси акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг дебетида** ҳисобот йилида микрокредит ташкилоти томонидан кўрилган зарарлар, 31203 — «Тақсимланмаган фойда (актив-пассив)» ҳисобварағига ўтказилган фойдалар суммаси акс эттирилади.

**Таҳлилий ҳисоб** соф фойда ҳисоби бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

**31700 ГРАНТ МАБЛАҒЛАРИ**

31701 **Грант маблағлари**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** микрокредит ташкилотининг хусусий капиталига йўналтириладиган ва микрокредит ташкилоти фаолиятини молиялаштириш манбаи сифатида қараладиган грант маблағлари суммаси ҳисоби олиб борилади.

**Ҳисобварақнинг кредитида** олинган грант маблағлари суммаси акс эттирилади

**Ҳисобварақнинг дебетида** микрокредит ташкилотининг турли фонд ва захира (резерв)ларини ошириш учун йўналтирилган суммалар акс эттирилади.

**Таҳлилий ҳисоб** алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

**40000 ДАРОМАДЛАР**

**40400 БАНКЛАРДАГИ ДЕПОЗИТЛАР БЎЙИЧА ФОИЗЛИ ДАРОМАДЛАР**

40401 **Банклардаги талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар бўйича фоизли даромадлар**
40403 **Банклардаги жамғарма депозитлар бўйича фоизли даромадлар**
40405 **Банклардаги муддатли депозитлар бўйича фоизли даромадлар**
40407 **Банклардаги бошқа маблағлар бўйича фоизли даромадлар**
Юқорида кўрсатилган баланс ҳисобварақлари ўз хусусиятлари бўйича бир хил бўлганлиги учун уларнинг таърифи умумлаштирилиб берилмоқда.

**Ҳисобварақларнинг таърифи:** микрокредит ташкилотининг бошқа банклардаги талаб қилиб олингунча сақланадиган, жамғарма, муддатли ва бошқа депозитлари бўйича фоизли даромадлар ҳисоби юритилади.
**Ҳисобварақларнинг кредитида** келиб тушган ҳамда депозитлар бўйича банклардан олиниши лозим бўлган ҳисобланган фоизли даромадлар суммаси акс эттирилади.
**Ҳисобварақларнинг дебетида** нотўғри ҳисобланган ёки олинган фоизларнинг суммаси ҳамда молиявий ҳисобот йилининг охирида микрокредит ташкилотининг молиявий натижаси сифатида 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобварағига ўтказиладиган даромадлар суммаси акс эттирилади.

**42000 ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРГА БЕРИЛГАН ҚИСҚА МУДДАТЛИ МИКРОҚАРЗЛАР БЎЙИЧА ФОИЗЛИ ДАРОМАДЛАР**

42001 **Жисмоний шахсларга берилган қисқа муддатли микроқарзлар бўйича фоизли даромадлар**
42005 **Жисмоний шахсларга берилган муддати ўтган микроқарзлар бўйича фоизли даромадлар**
42009 **Жисмоний шахсларга берилган шартлари қайта кўриб чиқилган қисқа муддатли микроқарзлар бўйича фоизли даромадлар**

**42100 ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОРЛАРГА БЕРИЛГАН ҚИСҚА МУДДАТЛИ МИКРОКРЕДИТЛАР БЎЙИЧА ФОИЗЛИ ДАРОМАДЛАР**

42101 **Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган қисқа муддатли микрокредитлар бўйича фоизли даромадлар**
42105 **Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган муддати ўтган микрокредитлар бўйича фоизли даромадлар**
42109 **Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган шартлари қайта кўриб чиқилган қисқа муддатли микрокредитлар бўйича фоизли даромадлар**

**42300 ЮРИДИК ШАХСЛАРГА БЕРИЛГАН ҚИСҚА МУДДАТЛИ МИКРОКРЕДИТЛАР БЎЙИЧА ФОИЗЛИ ДАРОМАДЛАР**

42301 **Юридик шахсларга берилган қисқа муддатли микрокредитлар бўйича фоизли даромадлар**
42305 **Юридик шахсларга берилган муддати ўтган микрокредитлар бўйича фоизли даромадлар**
42309 **Юридик шахсларга берилган шартлари қайта кўриб чиқилган қисқа муддатли микрокредитлар бўйича фоизли даромадлар**

**44200 ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРГА БЕРИЛГАН УЗОҚ МУДДАТЛИ МИКРОҚАРЗЛАР БЎЙИЧА ФОИЗЛИ ДАРОМАДЛАР**

44201 **Жисмоний шахсларга берилган узоқ муддатли микроқарзлар бўйича фоизли даромадлар**

44209 **Жисмоний шахсларга берилган шартлари қайта кўриб чиқилган узоқ муддатли микроқарзлар бўйича фоизли даромадлар**

**44300 ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОРЛАРГА БЕРИЛГАН УЗОҚ МУДДАТЛИ МИКРОКРЕДИТЛАР БЎЙИЧА ФОИЗЛИ ДАРОМАДЛАР**

44301 **Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган узоқ муддатли микрокредитлар бўйича фоизли даромадлар**

44309 **Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган шартлари қайта кўриб чиқилган узоқ муддатли микрокредитлар бўйича фоизли даромадлар**

**44500 ЮРИДИК ШАХСЛАРГА БЕРИЛГАН УЗОҚ МУДДАТЛИ МИКРОКРЕДИТЛАР БЎЙИЧА ФОИЗЛИ ДАРОМАДЛАР**

44501 **Юридик шахсларга берилган узоқ муддатли микрокредитлар бўйича фоизли даромадлар**

44509 **Юридик шахсларга берилган шартлари қайта кўриб чиқилган узоқ муддатли микрокредитлар бўйича фоизли даромадлар**

Юқорида кўрсатилган баланс ҳисобварақлари ўз хусусиятлари бўйича бир хил бўлганлиги учун уларнинг таърифи умумлаштирилиб берилмоқда.

**Ҳисобварақларнинг таърифи:** юридик ва жисмоний шахсларга, шунингдек, якка тартибдаги тадбиркорларга берилган муддатли, муддати ўтган ва шартлари қайта кўриб чиқилган микроқарзлар, микрокредитлар бўйича фоизли даромадлар ҳисоби юритилади.

**Ҳисобварақларнинг кредитида** микроқарзлар, микрокредитлар бўйича келиб тушган, шунингдек, олиниши лозим бўлган ҳисобланган фоизли даромадлар суммаси акс эттирилади.

**Ҳисобварақларнинг дебетида** нотўғри ҳисобланган ёки олинган фоизларнинг суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида микрокредит ташкилотнинг молиявий натижаси сифатида 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобварағига ўтказиладиган даромадлар суммаси акс эттирилади.

**44700 СУД ЖАРАЁНИДАГИ МИКРОҚАРЗЛАР ВА МИКРОКРЕДИТЛАР БЎЙИЧА ФОИЗЛИ ДАРОМАДЛАР**

44701 **Суд жараёнидаги микроқарзлар бўйича фоизли даромадлар**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** суд жараёнидаги микроқарзлар бўйича фоизли даромадлар ҳисоби юритилади.

**Ҳисобварақнинг кредитида** микроқарзлар бўйича ишлаб топилган фоизли даромадлар суммаси акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг дебетида** нотўғри ҳисобланган ёки олинган фоизларнинг суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида микрокредит ташкилотининг молиявий натижаси сифатида 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобварағига ўтказиладиган даромадлар суммаси акс эттирилади.

44703 **Суд жараёнидаги микрокредитлар бўйича фоизли даромадлар**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** суд жараёнидаги микрокредитлар бўйича фоизли даромадлари ҳисоби юритилади.

**Ҳисобварақнинг кредитида** микрокредитлар бўйича ишлаб топилган фоизли даромадлар суммаси акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг дебетида** нотўғри ҳисобланган ёки олинган фоизларнинг суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида микрокредит ташкилотининг молиявий натижаси сифатида 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобварағига ўтказиладиган даромадлар суммаси акс эттирилади.

**44900 БОШҚА ФОИЗЛИ ДАРОМАДЛАР**

44901 **Бошқа фоизли даромадлар**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** юқорида таърифланган туркум ҳисобварақларга мос тушмайдиган микрокредит ташкилотларининг ҳисобланган фоизли даромадлари ҳисоби юритилади.

**Ҳисобварақнинг кредитида** келиб тушган ҳамда олиниши лозим бўлган бошқа фоизли даромадлар суммаси акс эттирилади

**Ҳисобварақнинг дебетида** нотўғри ҳисобланган ёки олинган даромадларнинг қайтариш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида микрокредит ташкилотининг молиявий натижаси сифатида 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобварағига ўтказиладиган даромадлар суммаси акс эттирилади.

**45100 МИКРОЛИЗИНГ (МОЛИЯВИЙ ИЖАРА) БЎЙИЧА ФОИЗЛИ ДАРОМАДЛАР**

45105 **Микролизинг бўйича фоизли даромадлар**
45117 **Муддати ўтган микролизинг бўйича фоизли даромадлар**
45119 **Шартлари қайта кўриб чиқилган микролизинг бўйича фоизли даромадлар**
45121 **Суд жараёнидаги микролизинг бўйича фоизли даромадлар**

Юқорида кўрсатилган баланс ҳисобварақлари ўз хусусиятлари бўйича бир хил бўлганлиги учун уларнинг таърифи умумлаштирилиб берилмоқда.

**Ҳисобварақларнинг таърифи:** микрокредит ташкилотлари томонидан муддатли, муддати ўтган ва шартлари қайта кўриб чиқилган микролизинглар ҳамда суд жараёнидаги микролизинглар бўйича ишлаб топилган фоизли даромадлар ҳисоби юритилади.

**Ҳисобварақларнинг кредитида** ишлаб топилган фоизли даромадлар суммаси акс эттирилади.

**Ҳисобварақларнинг дебетида** нотўғри ҳисобланган ва/ёки олинган фоизларнинг қайтариш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида микрокредит ташкилотининг молиявий натижаси сифатида 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобварағига ўтказиладиган даромадлар суммаси акс эттирилади.

**45200 ФОИЗСИЗ ДАРОМАДЛАР**

45201 **Кўрсатилган хизматлар ва воситачилик учун олинган даромадлар**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** микрокредит ташкилотлари томонидан кўрсатилган хизматлар, микроқарзлар, микрокредитлар ва микролизингларни расмийлаштириш, ахборот ва консалтинг ҳамда бошқа хизматларни тақдим қилишдан олинган даромадлар ҳисоби юритилади

**Ҳисобварақнинг кредитида** кўрсатилган хизматлар учун ишлаб топилган даромадлар суммаси акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг дебетида** нотўғри олинган даромадларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида микрокредит ташкилотининг молиявий натижаси сифатида 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобварағига ўтказиладиган даромадлар суммаси акс эттирилади.

45217 **Сотиб олинган дебиторлик қарзлари бўйича даромадлар — Факторинг**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** микрокредит ташкилотлари томонидан сотиб олинган дебиторлик қарзлари бўйича даромадлар ҳисоби юритилади.

**Ҳисобварақнинг кредитида** қарздор томонидан сотиб олинган дебиторлик қарзини қоплашда, ишлаб топилган даромад суммаси акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг дебетида** нотўғри олинган даромадларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида микрокредит ташкилотининг молиявий натижаси сифатида 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобварағига ўтказиладиган даромадлар суммаси акс эттирилади.

**45900 БОШҚА ФОИЗСИЗ ДАРОМАДЛАР**

45901 **Асосий воситаларнинг ижараси бўйича олинган даромадлар**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** микрокредит ташкилотлари томонидан асосий воситалар объектини ва бошқа хусусий мулкларини ижарага беришдан олинган даромадлар ҳисоби юритилади.

**Ҳисобварақнинг кредитида** асосий воситалар объектини ва бошқа хусусий мулкларини ижарага беришдан олинган даромадлар суммаси акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг дебетида** нотўғри олинган ёки ҳисобланган фойдаларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида микрокредит ташкилотининг молиявий натижаси сифатида 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобвараққа ўтказиладиган фойдалар суммаси акс эттирилади.

45909 **Асосий воситаларни сотиш ёки диспозиция қилишдан олинган фойда**

45913 **Бошқа хусусий мулклар/активларни сотиш ёки диспозиция қилишдан олинган фойда**

Юқорида кўрсатилган баланс ҳисобварақлари ўз хусусиятлари бўйича бир хил бўлганлиги учун уларнинг таърифи умумлаштириб берилмоқда.

**Ҳисобварақларнинг таърифи:** микрокредит ташкилотларининг асосий воситаларини ва бошқа хусусий мулклар/активларини сотиш ёки диспозиция қилишдан олинган фойда ҳисоби юритилади.

**Ҳисобварақларнинг кредитида** асосий воситаларини ва бошқа хусусий мулклар/активларини сотиш ёки диспозиция қилишдан олинган фойда суммаси акс эттирилади.

**Ҳисобварақларнинг дебетида** нотўғри олинган фойдаларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида микрокредит ташкилотининг молиявий натижаси сифатида 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобвараққа ўтказиладиган фойдалар суммаси акс эттирилади.

45921 **Ҳисобдан чиқарилган маблағларнинг қайтарилиши**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** микрокредит ташкилотларининг илгари ҳисобдан чиқарилган активларининг ва ташкил этилган захираларининг қайтарилиш суммасини ҳисоби юритилади.

**Ҳисобварақнинг кредитида** илгари ҳисобдан чиқарилган активлар бўйича келиб тушган даромадлар суммаси акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг дебетида** нотўғри олинган фойдаларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида микрокредит ташкилотининг молиявий натижаси сифатида 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобвараққа ўтказиладиган фойдалар суммаси акс эттирилади.

45994 **Бошқа фоизсиз даромадлар**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** юқорида таърифланган туркум ҳисобварақларига мос тушмайдиган микрокредит ташкилотларининг фоизсиз даромадлари (жарима, пеня ва бошқалар) ҳисоби юритилади.

**Ҳисобварақнинг кредитида** юқорида таърифланган туркум ҳисобварақларга мос тушмайдиган, келиб тушган фоизсиз даромадлар суммаси акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг дебетида** нотўғри олинган фойдаларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида микрокредит ташкилотининг молиявий натижаси сифатида 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобвараққа ўтказиладиган фойдалар суммаси акс эттирилади.

**50000 ХАРАЖАТЛАР**

**53100 ҚИСҚА МУДДАТЛИ КРЕДИТЛАР БЎЙИЧА ФОИЗЛИ ХАРАЖАТЛАР**

53101 **Қисқа муддатли кредитлар бўйича банкларга тўланиши лозим бўлган фоизли харажатлар**
53105 **Қисқа муддатли кредитлар бўйича давлат мақсадли жамғармаларига тўланиши лозим бўлган фоизли харажатлар**
53109 **Банк бўлмаган молиявий муассасалардан олинган қисқа муддатли кредитлар бўйича фоизли харажатлар**
53113 **Нодавлат нотижорат ташкилотларидан олинган қисқа мудддатли кредитлар бўйича фоизли харажатлар**
53117 **Халқаро молиявий институтлардан олинган қисқа муддатли кредитлар бўйича фоизли харажатлар**
53121 **Чет эллик инвесторлардан олинган қисқа муддатли кредитлар бўйича фоизли харажатлар**
53195 **Бошқа кредиторлардан олинган қисқа муддатли кредитлар бўйича фоизли харажатлар**

**54100 УЗОҚ МУДДАТЛИ КРЕДИТЛАР БЎЙИЧА ФОИЗЛИ ХАРАЖАТЛАР**

54101 **Банклардан олинган узоқ муддатли кредитлар бўйича фоизли харажатлар**
54105 **Давлат мақсадли жамғармаларидан олинган узоқ муддатли кредитлар бўйича фоизли харажатлар**
54109 **Банк бўлмаган молиявий муассасаларидан олинган узоқ муддатли кредитлар бўйича фоизли харажатлар**
54113 **Нодавлат нотижорат ташкилотларидан олинган узоқ муддатли кредитлар бўйича фоизли харажатлар**
54117 **Халқаро молиявий институтлардан олинган узоқ муддатли кредитлар бўйича фоизли харажатлар**
54121 **Чет эллик инвесторлардан олинган узоқ муддатли кредитлар бўйича фоизли харажатлар**
54195 **Бошқа кредиторлардан олинган узоқ муддатли кредитлар бўйича фоизли харажатлар**

Юқорида кўрсатилган баланс ҳисобварақлари ўз хусусиятлари бўйича бир хил бўлганлиги учун уларнинг таърифи умумлаштирилиб берилмоқда.

**Ҳисобварақларнинг таърифи:** банклардан, давлатнинг мақсадли жамғармаларидан, банк бўлмаган молиявий муассасалардан, нодавлат нотижорат ташкилотларидан, халқаро молиявий институтлардан, чет эллик инвесторлардан ва бошқа кредиторлардан олинган кредитлар (моҳияти бўйича кредитлар бўлган бошқа операциялар) бўйича микрокредит ташкилотининг фоизли харажатлари ҳисоби олиб борилади.

**Ҳисобварақларнинг дебетида** тўланган фоизлар суммаси, шунингдек кредитлар бўйича тўланиши лозим бўлган ҳисобланган фоизли харажатлар суммаси акс эттирилади.

**Ҳисобварақларнинг кредитида** нотўғри ҳисобланган ёки тўланган фоизларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек, ҳисобот йилининг охирида микрокредит ташкилоти молиявий натижаси сифатида 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобвараққа ўтказиладиган сумма акс эттирилади

**54900 БОШҚА ФОИЗЛИ ХАРАЖАТЛАР**

54902 **Бошқа фоизли харажатлар**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** юқорида таърифланган туркум ҳисобварақларга мос тушмайдиган фоизли харажатлар ҳисоби олиб борилади.

**Ҳисобварақнинг дебетида** тўланган фоизлар суммаси, шунингдек, бошқа мажбу-

риятлар бўйича тўланиши лозим бўлган ҳисобланган фоизли харажатлар суммаси акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг кредитида** нотўғри ҳисобланган ва/ёки тўланган фоизларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида микрокредит ташкилоти молиявий натижаси сифатида 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобвараққа ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

**55100 ФОИЗСИЗ ХАРАЖАТЛАР**

55106 **Кўрсатилган хизматлар ва воситачилик харажатлари**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** микрокредит ташкилотларига кўрсатилган хизматлар учун қилинган харажатлар ва воситачилик харажатлари ҳисоби олиб борилади.

**Ҳисобварақнинг дебетида** сарф килинган харажатлар суммаси акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг кредитида** нотўғри тўланган харажатларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида микрокредит ташкилоти молиявий натижаси сифатида 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобвараққа ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

**55600 ТИЖОРАТ ОПЕРАЦИЯЛАРИДАН КЎРИЛГАН ЗАРАРЛАР**

55602 **Тижорат операцияларидан кўрилган зарарлар**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** микрокредит ташкилотининг тижорат операцияларидан кўрилган зарарлари ҳисоби олиб борилади.

**ҳисобварақнинг дебетида** микрокредит ташкилотининг қимматбаҳо металлар, тошлар ва тангалар бўйича тижорат операцияларидан кўрилган зарарлари суммаси акс эттирилади.

**ҳисобварақнинг кредитида** нотўғри акс эттирилган зарарларнинг ҳисобдан чиқариш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида микрокредит ташкилоти молиявий натижаси сифатида 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобвараққа ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

**55900 БОШҚА ФОИЗСИЗ ХАРАЖАТЛАР**

55902 **Асосий воситаларни сотиш ёки диспозиция қилишдан кўрилган зарарлар**

55910 **Бошқа мулкларни/ активларни сотиш ёки диспозиция қилишдан кўрилган зарарлар**

Юқорида кўрсатилган баланс ҳисобварақлари хусусияти бўйича бир хил бўлганлиги учун уларнинг таърифланиши умумлаштирилиб берилмокда.

**Ҳисобварақларнинг таърифи:** мазкур ҳисобварақларда асосий воситаларни ва бошқа хусусий мулкларни сотиш ёки диспозиция қилишдан кўрилган зарарлар ҳисоби олиб борилади.

**Ҳисобварақларнинг дебетида** асосий воситаларни ва бошқа хусусий мулкларни сотиш ёки диспозиция қилишдан кўрилган зарарлар суммаси акс эттирилади.

**Ҳисобварақларнинг кредитида** нотўғри кўрилган зарарларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида микрокредит ташкилоти молиявий натижаси сифатида 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобвараққа ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

55995 **Бошқа фоизсиз харажатлар**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** юқорида таърифланган туркум ҳисобварақларга мос тушмайдиган фоизсиз харажатлар ҳисоби олиб борилади

**Ҳисобварақнинг дебетида** юқорида таърифланган туркум ҳисобварақларга мос тушмайдиган амалга оширилган фоизсиз харажатлар ҳисоби акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг кредитида** нотўғри тўланган харажатларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек ҳисобот йилининг охирида микрокредит ташкилоти молиявий натижаси сифатида 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобвараққа ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

**56100 МИКРОКРЕДИТ ТАШКИЛОТИ ХОДИМЛАРИНИНГ ИШ ҲАҚИ ВА УЛАР УЧУН ҚИЛИНГАН БОШҚА ХАРАЖАТЛАР**

56102 **Иш ҳақи**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** хизматчиларнинг меҳнат иш ҳақи (меҳнат шартномаси ва фуқаровий-ҳуқуқий характердаги шартномалар бўйича бажарилган), иш вақтидан ташқари қилинадиган ишлар, дам олиш ва байрам кунларидаги ишлар, мукофот тўловлари (ойлик иш, бажарилган махсус ишлар учун натижалар бўйича ва бошқалар учун), кўп йиллик иш стажи ва микрокредит ташкилоти низоми ва қонунчиликка мувофиқ микрокредит ташкилотининг бошқа тўловлар учун харажатлари ҳисоби олиб борилади.

**Ҳисобварақнинг дебетида** иш ҳақига қилинган харажатлар суммаси акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг кредитида** нотўғри тўланган харажатларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида микрокредит ташкилоти молиявий натижаси сифатида 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобварaққа ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

56106 **Микрокредит ташкилоти ходимлари учун имтиёзлар**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** микрокредит ташкилотининг ходимлари учун берилган имтиёзларга қилган харажатлари, яъни мукофот тўловлари, (йил якуни бўйича мукофотлар, кўп йиллик хизмати учун, иш стажи учун қўшимча ҳақ, байрам ва юбилей саналарига бериладиган мукофотлар ва бошқалар), микрокредит ташкилоти ходимларининг ўқишлари учун тўловлар, шунингдек уларнинг стипендиялари, ходимларга бериладиган қимматли совғалар қиймати, ҳамда микрокредит ташкилоти низоми ва қонунчиликка мувофиқ равишда жисмоний шахслардан ундириб олинган тўлов ҳисобига микрокредит ташкилоти томонидан тўланадиган суммалар ҳисоби олиб борилади.

**Ҳисобварақнинг дебетида** ходимларга имтиёзлари учун амалга оширилган харажатлар суммаси акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг кредитида** нотўғри тўланган харажатларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида микрокредит ташкилоти молиявий натижаси сифатида 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобварaққа ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

56110 **Тиббий, стоматологик хизматлар учун ва шифохонада даволаш харажатлари**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** микрокредит ташкилоти ходимларига амбулатория ёки стационар медицина ва стоматология хизмати кўрсатиш учун қилган харажатлари, ҳамда улар ва уларнинг болалари учун соғламлаштириш лагерларига, санитар-курорт муассасаларига ва бошқаларга ўрнатилган тартибда тўлиқ ёки қисман тўланадиган йўлланмалар қийматининг ҳисоби олиб борилади.

**Ҳисобварақнинг дебетида** медицина, стоматологик хизматлари кўрсатиш ва шифохонада даволаш харажатлари суммаси акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг кредитида** нотўғри тўланган харажатларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида микрокредит ташкилоти молиявий натижаси сифатида 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобварaққа ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

56114 **Ижтимоий суғурта бўйича бадаллар**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** қонунчиликка мувофиқ нодавлат пенсия фондларига тўланадиган ихтиёрий бадаллари, микрокредит ташкилотининг иш ҳақи фондидан бюджетдан ташқари Пенсия фонди ажратмалари, ягона ижтимоий тўловлар учун микрокредит ташкилоти харажатлари ҳисоби олиб борилади.

**Ҳисобварақнинг дебетида** ижтимоий суғурта учун ўтказилган харажатлар суммаси акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг кредитида** нотўғри ёки ортиқча тўланган харажатларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида микрокредит

ташкилоти молиявий натижаси сифатида 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобвараққа ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

56118 **Ижтимоий химоя бўйича харажатлар**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** микрокредит ташкилотининг қонунчиликда кўрсатилган ҳолларда мехнат шартномасини муддатидан олдин тугатиш вақтида бериладиган ишдан бўшатиш нафақа тўловлари ва компенсация тўловлар, шунингдек қонунчиликка ва микрокредит ташкилоти уставига мувофиқ равишдаги нафақа (болаларга қонунчиликда ўрнатилган балоғат ёшига етгунича бериладиган ва бошқа) тўловлари, моддий ёрдам пуллари ва бошқа тўловларини ҳисоби олиб борилади.
**Ҳисобварақнинг дебетида** ижтимоий ҳимоя учун амалга оширилган харажатлар суммаси акс эттирилади.
**Ҳисобварақнинг кредитида** нотўғри тўланган харажатларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида микрокредит ташкилоти молиявий натижаси сифатида 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобвараққа ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

56122 **Бандлик фонди ва бошқа фондлар учун бадаллар**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** микрокредит ташкилотининг бандлик фондига, ЎзР Касаба уюшмалари Федерациясининг Кенгаши ижтимоий суғурта бюджетига ва бошқа фондларга ажратмалар, шунингдек, қонунчиликка мувофиқ равишда микрокредит ташкилоти ходимларининг соғлиқларини мажбурий ва ихтиёрий суғурталаш ва бошқа бадалларини ҳисоби олиб борилади.
**Ҳисобварақнинг дебетида** бандлик фондига ва бошқа фондлар учун амалга оширилган ажратмалар суммаси акс эттирилади.
**Ҳисобварақнинг кредитида** нотўғри тўланган харажатларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида микрокредит ташкилоти молиявий натижаси сифатида 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобвараққа ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

56195 **Микрокредит ташкилоти ходимлари учун килинган бошқа харажатлар**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** юқоридаги таърифланган ҳисобварақларга мос тушмайдиган, хизматчиларга тўланадиган (тўгараклардаги, клублардаги машғулотларга, газета ва журналларга обуна бўлишга, қонунчиликда ўрнатилган меъёрдан ортиқча тўланган сафар ва вакиллик харажатлар суммаси ва бошқалар) тўловлар ҳисоби олиб борилади.
**Ҳисобварақнинг дебетида** юқорида таърифланган туркумларга мос тушмайдиган, амалга оширилган тўловлар суммаси акс эттирилади.
**Ҳисобварақнинг кредитида** нотўғри тўланган харажатларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида микрокредит ташкилоти молиявий натижаси сифатида 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобвараққа ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

**56200 ИЖАРА ВА ТАЪМИНОТ ХАРАЖАТЛАРИ**

56202 **Ижара тўлови**
56206 **Сув тўлови**
56210 **Электр энергияси ва иситиш тармоқлари харажатлари**
56214 **Таъмирлаш ва таъминот харажатлари**
56218 **Қўриқлаш хизмати харажатлари**
Юқорида кўрсатилган баланс ҳисобварақлари хусусияти бўйича бир хил бўлганлиги учун уларнинг таърифланиши умумлаштирилиб берилмоқда.

**Ҳисобварақларнинг таърифи:** микрокредит ташкилотининг ижарага олинган объектларга, шартнома асосида ишлайдиган микрокредит ташкилоти ходимлари ҳи-

собланмайдиган ходимлардан ташкил топган қўриқчиларга, шунингдек қўриқлаш сигнализациясига, ремонтга ва микрокредит ташкилоти биносини, мебелларни, транспорт ва бошқа жиҳозларни сақлашга, микрокредит ташкилотининг сув, электр, иситиш тармоғи ва бошқа коммунал хизматлари учун тўловлар билан боғлиқ харажатлари ҳисоби олиб борилади.

**Ҳисобварақларнинг дебетида** ижара ва таъминот учун ҳисобланган ва тўланган харажатларини суммаси акс эттирилади.

**Ҳисобварақларнинг кредитида** нотўғри тўланган харажатларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида микрокредит ташкилоти молиявий натижаси сифатида 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобварaққа ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

**56300 ХИЗМАТ САФАРИ ВА ТРАНСПОРТ ХАРАЖАТЛАРИ**

56302 **Хизмат сафари харажатлари**
56306 **Хизмат сафаридаги кунлик харажатлар**
56310 **Микрокредит ташкилоти мулкини кўчириш билан боғлиқ бўлган(Фрахт) харажатлар**
56314 **Ёқилғи харажатлари**

Юқорида кўрсатилган баланс ҳисобварақлари хусусияти бўйича бир хил бўлганлиги учун уларнинг таърифланиши умумлаштирилиб берилмоқда.

**Ҳисобварақларнинг таърифи:** микрокредит ташкилотининг ходимларнинг хизмат сафари билан боғлиқ (транспорт (хизмат сафари харажатлари), меҳмонхона хизмати (яшаш учун бошқа хизматлар) қиймати ва лимит доирасидаги кунлик харажатлар; фрахт (микрокредит ташкилоти офислари ўртасида жиҳозлар ва бошқа мулкларни кўчириш харажатлари, хусусий ва ижарага олинган ҳаракат воситалари учун фойдаланиладиган ёқилғи харажатлари, шунингдек ўрнатилган тартибга мувофиқ равишда хизмат сафари учун фойдаланиладиган микрокредит ташкилоти ходимларининг шахсий автомобиллари учун харажатларини ҳисоби олиб борилади.

**Ҳисобварақларнинг дебетида** хизмат сафари ва транспорт учун қилинган харажатлар суммаси акс эттирилади.

**Ҳисобварақларнинг кредитида** нотўғри тўланган харажатларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида микрокредит ташкилоти молиявий натижаси сифатида 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобварaққа ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

**56400 МАЪМУРИЙ ХАРАЖАТЛАР**

56402 **Реклама ва эълон харажатлари**
56406 **Девонхона, офис ва бошқа буюмлар харажатлари**
56410 **Почта, телефон, факс бўйича харажатлар**
56414 **Ҳужжат маркалари учун харажатлар**
56418 **Китоб, газета ва бошқа даврий нашриётлар бўйича харажатлар**

Юқорида кўрсатилган баланс ҳисобварақлари хусусияти бўйича бир хил бўлганлиги учун уларнинг таърифи умумлаштирилиб берилмоқда.

**Ҳисобварақларнинг таърифи:** микрокредит ташкилотининг газета, радио, телевидение ва бошқа ахборот воситалари орқали берадиган реклама ва эълонларига, бланкаларга, девонхона ва офис қуролларига, почта ва ҳужжат маркаларига, телефон ва факс, маълумотларни узатиш учун бошқа алоқа каналлари (Reuters, SWIFT, Internet, телекс ва бошқалар)дан фойдаланиш харажатлари, шунингдек даврий нашрларга, шу билан бирга электрон билдиргичи («PRAVO», «NORMA» тизимлари ва бошқалар)га қилинган харажатлар ҳисоби олиб борилади.

**Ҳисобварақларнинг дебетида** маъмурий харажатларга тўланган суммалар акс эттирилади.

**Ҳисобварақларнинг кредитида** нотўғри тўланган харажатларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида микрокредит ташкилоти молиявий натижаси сифатида 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобварақҳа ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

**56600 ЭСКИРИШ ХАРАЖАТЛАРИ**

56602 **Микрокредит ташкилоти бино ва бошқа иморатларининг эскириш суммаси**
56610 **Транспорт воситаларининг эскириш суммаси**
56614 **Мебель ва жиҳозларнинг эскириш суммаси**
56618 **Номоддий активларнинг эскириш суммаси**
56622 **Операцион ижарага берилган асосий воситаларнинг эскириш суммаси**
56626 **Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш ҳуқуқи бўйича эскириш суммаси**
56630 **Омбордаги асосий воситаларнинг эскириш суммаси**

Юқорида кўрсатилган баланс ҳисобварақлари хусусияти бўйича бир хил бўлганлиги учун уларнинг таърифланиши умумлаштирилиб берилмоқда.

**Ҳисобварақларнинг таърифи:** микрокредит ташкилотининг асосий воситалар ва номоддий активлар учун ҳисобланадиган эскириш харажатларини ҳисоби олиб борилади.
**Ҳисобварақларнинг дебетида** ҳисобланган эскириш суммаси акс эттирилади.
**Ҳисобварақларнинг кредитида** нотўғри ҳисобланган эскириш суммасининг қайтарилиши, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида микрокредит ташкилоти молиявий натижаси сифатида 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобварақҳа ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

**56700 СУҒУРТА, СОЛИҚ ВА БОШҚА ХАРАЖАТЛАР**

56702 **Юридик ва аудиторлик хизмати харажатлари**
56706 **Маслаҳатчи (консалтинг)лар хизмати учун тўлов харажатлари**

Юқорида кўрсатилган баланс ҳисобварақлари хусусияти бўйича бир хил бўлганлиги учун уларнинг таърифланиши умумлаштирилиб берилмоқда.

**Ҳисобварақларнинг таърифи:** микрокредит ташкилотининг юристлар ва бошқа фирмалар томонидан шартнома асосида кўрсатилган юридик, аудиторлик ва маслаҳатчилик хизматлари учун тўлов харажатлари ҳисоби олиб борилади.
**Ҳисобварақларнинг дебетида** юридик ва маслаҳатчилик хизматлар учун қилинган харажатлари суммаси акс эттирилади.
**Ҳисобварақларнинг кредитида** нотўғри тўланган харажатларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида микрокредит ташкилоти молиявий натижаси сифатида 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобварақҳа ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

56710 **Суғурта харажатлари**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** микрокредит ташкилотининг ўз мулкини суғурта қилишга, ёнғиндан суғурта қилишга ва ўз фаолияти билан боғлиқ бошқа суғурта турларига қилган харажатлари ҳисоби олиб борилади.
**Ҳисобварақнинг дебетида** суғурта учун қилинган харажатлар суммаси акс эттирилади.
**Ҳисобварақнинг кредитида** нотўғри тўланган харажатларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида микрокредит ташкилоти молиявий натижаси сифатида 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобварақҳа ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

56714 **Солиқ (даромад солиғидан ташқари) ва лицензиялар**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** микрокредит ташкилотининг солиқларга, йиғимларга ва қонунчиликка мувофиқ равишда мулкка, йўлга, экологияга бўладиган солиқлар каби бўлган мажбурий ажратмалар, ҳақиқий ишлаб топилган даромаддан Пенсия фондига бўладиган ажратмалар ва бошқа солиқлари (даромад солиғидан ташқари), шунингдек микрокредит ташкилотининг лицензияларга қилган харажатлари ҳисоби олиб борилади.
**Ҳисобварақнинг дебетида** тўланган солиқлар ва лизензияларнинг суммаси акс эттирилади.
**Ҳисобварақнинг кредитида** нотўғри тўланган харажатларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида микрокредит ташкилоти молиявий натижаси сифатида 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобвараққа ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

56718 **Жарима ва пеня харажатлари**

**Ҳисобварақларнинг таърифи:** микрокредит ташкилотининг амалдаги қонунчиликка ва қоидаларга асосан ўзига солинган пеня ва жарималар учун қилган харажатларини ҳисоби олиб борилади.
**Ҳисобварақнинг дебетида** тўланган жарима ва пеняларнинг суммаси акс эттирилади.
**Ҳисобварақнинг кредитида** нотўғри тўланган жарима ва пеняларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида микрокредит ташкилоти молиявий натижаси сифатида 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобварақҳа ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

56722 **Суд жараёни ва/ёки активни сотиб олиш билан боғлиқ бўлган харажатлар**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** микрокредит ташкилотининг суд жараёни билан боғлиқ харажатлари, шунингдек микрокредит ташкилотининг хусусийликни ўз номига ўзлаштириш бўйича харажатлари ҳисоби олиб борилади.
**Ҳисобварақнинг дебетида** суд жараёни, шунингдек активларни сотиб олиш учун қилган харажатларини суммаси акс эттирилади.
**Ҳисобварақнинг кредитида** нотўғри тўланган харажатларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида микрокредит ташкилоти молиявий натижаси сифатида 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобварақҳа ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

56795 **Бошқа операцион харажатлар**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** юқорида таърифланган туркумларга мос тушмайдиган харажатлар ҳисоби олиб борилади.
**Ҳисобварақнинг дебетида** юқорида таърифланган туркумларга мос тушмайдиган тўланган харажатлар суммаси акс эттирилади.
**Ҳисобварақнинг кредитида** нотўғри тўланган харажатларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида микрокредит ташкилоти молиявий натижаси сифатида 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобварақҳа ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

**56800 КЎРИЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН ЗАРАРЛАРНИ БАҲОЛАШ**
56802 **Микроқарз ва микрокредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш**
56814 **Сотиб олинган дебиторлик карзлари — Факторинг бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш**
56830 **Асосий воситалари бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш**
56832 **Номоддий активлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш**
56834 **Бошқа хусусий мулклар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш**

56838 **Микролизинг (молиявий ижара) бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш**

56840 **Ҳисобланган фоизсиз даромадлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш**

56842 **Суд жараёнидаги микроқарз, микрокредит ва микролизинг (молиявий ижара) бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш**

56895 **Бошқа активлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш**

Юқорида кўрсатилган баланс ҳисобварақлари хусусияти бўйича бир хил бўлганлиги учун уларнинг таърифланиши умумлаштирилиб берилмоқда.

**Ҳисобварақларнинг таърифи:** микрокредит ташкилотининг активлари бўйича кўриши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш ҳисоби олиб борилади.

**Ҳисобварақларнинг дебетида** активлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш суммаси акс эттирилади.

**Ҳисобварақларнинг кредитида** кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолашнинг қайтариш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида микрокредит ташкилоти молиявий натижаси сифатида 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобварақҳа ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

**56900 ДАРОМАД СОЛИҒИНИ БАҲОЛАШ**

56902 **Даромад солиғини баҳолаш**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** микрокредит ташкилоти томонидан олинган даромадларга ҳисобланган солиқлар (даромад солиғи, ижтимоий инфраструктурани ривожлантиришга солинган солиқ ва шу каби бошқа солиқлар) бўйича харажатлар ҳисоби олиб борилади.

**Ҳисобварақнинг дебетида** даромад солиғи бўйича ҳисобланган харажатлар суммаси акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг кредитида** нотўғри ҳисобланган солиқларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида микрокредит ташкилоти молиявий натижаси сифатида 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобварақҳа ўтказиладиган сумма акс эттирилади.

**90000 КЎЗДА ТУТИЛМАГАН ҲОЛАТЛАР**

**90900 САВДОГА ОИД МОЛИЯЛАШЛАР**

90966 **Сотиб олинган дебиторлик қарзлари – Факторинг**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** микрокредит ташкилоти томонидан сотиб олинган дебиторлик қарзларининг ҳисоби олиб борилади. Ушбу ҳисобварақ учун контр-ҳисобварақ 96331 — «Сотиб олинган дебиторлик қарзлари — Факторинг бўйича контр-ҳисобварақ»дир.

**Ҳисобварақнинг дебетида** сотиб олинган дебиторлик қарзларининг тўлиқ қиймати акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг кредитида** қарздорлар томонидан тўлиқ қопланган сотиб олинган дебиторлик қарзлар ҳисобдан чиқарилади.

**Таҳлилий ҳисоб** ҳар бир шартнома бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

90993 **Кафолат ва кафилликлар**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** мижозлар фойдасига микрокредит ташкилоти томонидан берилган ёки тасдиқланган кафолат ва кафилликларнинг, шунингдек микрокредит ташкилоти томонидан бошқа эмитентларнинг кафиллик берилган (авалированных микрокредитной организацией) векселларининг номинал қийматини ҳисоби олиб борилади. Ушбу ҳисобварақ учун контр-ҳисобварақ 96337 — «Кафолат ва кафилликлар бўйича контр-ҳисобварақ»дир.

**Ҳисобварақнинг дебетида** берилган кафолатларнинг суммаси, шунингдек микрокредит ташкилоти томонидан бошқа эмитентларнинг кафиллик берилган векселларини номинал қиймати акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг кредитида** фойдаланилган, шунингдек фойдаланилмаган ва ўрнатилган тартибда муддати ўтиши билан йўқ қилинган кафолатларнинг суммаси, шунингдек микрокредит ташкилоти томонидан кафиллик берилган бошқа эмитентларни қопланган векселларининг номинал қиймати акс эттирилади.

**Таҳлилий ҳисоб** ҳар бир кафолат бўйича, шунингдек аваллаштирилган векселларнинг тури ва муддати бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

**91500 АКТИВЛАР БЎЙИЧА ФОИЗЛАР ВА ВОСИТАЧИЛИК ҲАҚЛАРИ**

91501 **Берилган микроқарзлар, микрокредитлар ва микролизинглар бўйича ҳисобланган фоизлар**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** муддати ўтган ва ўрнатилган қоидаларга мувофиқ балансдан ҳисобдан чиқарилган, берилган муддатли ва шартлари қайта кўриб чиқилган микроқарзлар, микрокредитлар ва микролизинглар бўйича ҳисобланган, лекин олинмаган фоизлар, шунингдек «фоиз ўстирмаслик» мақомига ўтказилган микроқарзлар, микрокредитлар ва микролизинглар бўйича ҳисобланадиган фоизлар ҳисоби олиб борилади. Шу билан биргаликда муддати ўтган ҳамда суд жараёнидаги микрокредитлар ва микролизинглар бўйича ҳисобланган, лекин олинмаган фоизлар ҳисобга олинади. Ушбу ҳисобварақ учун контр-ҳисобварақ 96335 — «Активлар бўйича фоизлар ва воситачилик ҳақлари бўйича контр-ҳисобварақ»дир.

**Ҳисобварақнинг дебетида** микроқарзлар, микрокредитлар ва микролизинглар бўйича муддати ўтган ва/ёки ҳисобланган фоизларнинг суммаси акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг кредитида** қопланган ва/ёки ҳисобдан чиқарилган фоизларнинг суммаси акс эттирилади.

**Таҳлилий ҳисоб** ҳар бир қарздор бўйича шартномаларига қараб алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

91505 **Бошқа активлар бўйича фоизлар ва воситачилик ҳақлари**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** бошқа активлар ва воситачиликлар бўйича ҳисобдан чиқарилган фоизлар ҳисоби олиб борилади. Мазкур ҳисобварақ учун контр-ҳисобварақ 96335 — «Активлар бўйича фоизлар ва воситачилик ҳақлари бўйича контр-ҳисобварақ»дир.

**Ҳисобварақнинг дебетида** бошқа активлар бўйича олиниши лозим бўлган муддати ўтган ва/ёки ҳисобланган фоизлар ва воситачилик ҳақлари суммаси акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг кредитида** бошқа активлар бўйича тўланган ва/ёки ҳисобдан чиқарилган фоизлар ва воситачилик ҳақлари суммаси акс эттирилади.

**Таҳлилий ҳисоб** ҳар бир мижоз бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

**91700 МИКРОКРЕДИТ ТАШКИЛОТИНИНГ МИКРОҚАРЗ, МИКРОКРЕДИТ ВА МИКРОЛИЗИНГ БЕРИШ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

91709 **Микрокредит ташкилотининг микроқарз, микрокредит ва микролизинг бериш мажбуриятлари**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** микрокредит ташкилотининг мижозларга ёки банкларга микроқарз, микрокредит ва микролизинг бериш мажбуриятлари ҳисоби олиб борилади. Ушбу ҳисобварақ учун контр-ҳисобварақ 96351 — «Микрокредит ташкилотининг микроқарз, микрокредит ва микролизинглар бериш мажбурияти бўйича контр-ҳисобварақ»дир.

**Ҳисобварақнинг дебетида** микрокредит ташкилотнинг микроқарз, микрокредит ва микролизинг бериш бўйича берилган мажбуриятларининг суммаси акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг кредитида** микроқарз, микрокредит ва микролизинг бериш бўйича ижро этилган ёки бекор қилинган мажбуриятларининг суммаси, шунингдек қисман амалга оширилган тўловлар суммаси акс эттирилади.

**Таҳлилий ҳисоб** мажбуриятлар тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

**91800 МИКРОКРЕДИТ ТАШКИЛОТИНИНГ КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГ ОЛИШ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

91816 **Микрокредит ташкилотининг кредит ва лизинг олиш мажбурияти**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** микрокредит ташкилотининг мижозлардан ёки бошқа банклардан кредит ва\ёки лизинг олиш мажбуриятларининг ҳисоби юритилади. Ушбу ҳисобварақ учун контр-ҳисобварақ 96358 — «Микрокредит ташкилотининг кредит ва лизинг олиш мажбурияти бўйича контр-ҳисобварақ»дир.

**Ҳисобварақнинг дебетида** микрокредит ташкилотининг кредит ва\ёки лизинг олиш бўйича берган мажбуриятларининг суммаси акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг кредитида** кредит ва\ёки лизинг олиш бўйича ижро этилган ёки бекор қилинган мажбуриятларнинг суммаси акс эттирилади.

**Таҳлилий ҳисоб** мажбуриятлар тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

**91900 ҚАРЗДОРЛАРНИНГ МИКРОҚАРЗ, МИКРОКРЕДИТ ВА МИКРОЛИЗИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

91901 **Қарздорларнинг қисқа муддатли микроқарз, микрокредит ва микролизинг бўйича мажбуриятлари**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** қарздорларнинг микрокредит ташкилоти томонидан берилган қисқа муддатли микроқарзлар, микрокредитлар ва микролизинг бўйича муддатли мажбуриятларини ҳисоби олиб борилади. Ушбу ҳисобварақ учун контр-ҳисобварақ 96345 — «Қарздорларнинг қисқа муддатли микроқарзлар, микрокредитлар ва микролизинглар бўйича мажбуриятлари контр-ҳисобварағи»дир.

**Ҳисобварақнинг дебетида** берилган микроқарзлар, микрокредитлар ва микролизинглар бўйича қарздорлардан қабул қилинган муддатли мажбуриятлар суммаси ўтказилади.

**Ҳисобварақнинг кредитида** тўла қопланган мажбуриятлар суммаси акс эттирилади. Қисман амалга оширилган тўловлар суммаси мажбурият тўла бажарилгунга қадар унинг орқа томонига ёзиб борилади.

**Таҳлилий ҳисоб** ҳар бир қарздор бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

91905 **Қарздорларнинг узоқ муддатли микроқарз, микрокредит ва микролизинг бўйича мажбуриятлари**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** қарздорларнинг микрокредит ташкилоти томонидан берилган узоқ муддатли микроқарзлари, микрокредитлари ва микролизинглари бўйича муддатли мажбуриятларини ҳисоби олиб борилади. Ушбу ҳисобварақ учун контр-ҳисобварақ 96349 — «Қарздорларнинг узоқ муддатли микроқарзлар, микрокредитлар ва микролизинглар бўйича мажбуриятлари контр-ҳисобварағи»дир.

**Ҳисобварақнинг дебетида** берилган микроқарзлар, микрокредитлар ва микролизинглар бўйича қарздорлардан қабул қилинган муддатли мажбуриятлар суммаси ўтказилади.

**Ҳисобварақнинг кредитида** тўлиқ қопланган мажбуриятлар суммаси акс эттирилади. Қисман амалга оширилган тўловлар суммаси мажбурият тўла бажарилгунга қадар унинг орқа томонига ёзиб борилади.

**Таҳлилий ҳисоб** ҳар бир қарздор бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

**94500 ГАРОВ СИФАТИДАГИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР, МУЛКЛАР ВА МУЛКИЙ ҲУҚУҚ (ТАЛАБ)ЛАР**

94501 **Гаров сифатида олинган қимматли қоғозлар**

94502 **Гаров сифатида олинган мулклар ва мулкий ҳуқуқ (талаб)лар**

Юқорида кўрсатиб ўтилган баланс ҳисобварақлари хусусияти жиҳатидан бир хил бўлганлиги учун уларнинг таърифи умумлаштирилган ҳолда келтирилган.

**Ҳисобварақларнинг таърифи:** берилган микроқарзлар, микрокредитлар ва микролизингларга гаров сифатида сақланаётган мулклар ва мулкий ҳуқуқ (талаб)лар ҳамда қимматли қоғозларнинг ҳисоби олиб борилади. Гаров сифатида олинган мулклар ва мулкий ҳуқуқ (талаб)лар ҳисобварақҳа гаров бўйича шартнома тузилган вақтдаги баҳоланган қиймати бўйича кирим қилинади. Ушбу ҳисобварақ учун контр-ҳисобварақ 96381 — «Гаров сифатидаги қимматли қоғозлар, мулклар ва мулкий ҳуқуқ (талаб)лар бўйича контр-ҳисобварақ» дир.

**Ҳисобварақларнинг дебетида** гаров таъминоти сифатида қабул қилинган мулклар ва мулкий ҳуқуқ (талаб)лар ҳамда қимматли қоғозларнинг қиймати акс эттирилади

**Ҳисобварақларнинг кредитида** гаровга қабул қилинган ёки микрокредитлар, микроқарзлар ва микролизинглар ҳамда фоизларни қопланганидан сўнг қайтариладиган фойдаланилган мулклар ва мулкий ҳуқуқ (талаб)лар ҳамда қимматли қоғозларнинг суммаси акс эттирилади.

**Таҳлилий ҳисоб** ҳар бир микроқарз, микрокредит ва\ёки микролизинг шартномаси бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

94503 **Гаров сифатида олинган кафолат ва кафилликлар**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** берилган микрокредитлар, микроқарзлар ва микролизингларнинг таъминоти сифатида қабул қилинган кафолат ва кафилликларнинг, шунингдек суғурта полисларининг ҳисоби олиб борилади. Мазкур ҳисобварақ учун контр-ҳисобварақ 96381 — «Гаров сифатидаги қимматли қоғозлар, мулклар ва мулкий ҳуқуқ(талаб)лар бўйича контр-ҳисобварақ» дир.

**Ҳисобварақнинг дебетида** берилган микрокредитлар, микроқарзлар ва микролизингларнинг таъминоти сифатида қабул қилинган кафолат ва кафилликларнинг суммаси акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг кредитида** микроқарзлар, микрокредитлар ва микролизинглар қайтарилмаганда фойдаланилган таъминот суммаси, шунингдек кредитлар қайтарилгандан кейин ва кредит шартномалари ёпилгандан кейин кафолатлар ва кафилликларнинг муддати ўтиши билан ўрнатилган тартибда фойдаланилмаган ва бекор қилинган суммаси акс эттирилади.

**Таҳлилий ҳисоб** ҳар бир тегишли шартнома бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

**95400 БОШҚА КЎЗДА ТУТИЛМАГАН ҲОЛАТЛАР ҲИСОБВАРАҚЛАРИ**

95413 **Ҳисобдан чиқарилган микроқарзлар, микрокредитлар ва микролизинглар**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** амалдаги қоидаларга мувофиқ равишда микрокредит ташкилоти балансидан ҳисобдан чиқарилган микрокредитлар, микроқарзлар ва микролизинглар (тўланмаган қисми)нинг ҳисоби олиб борилади. Ушбу ҳисобварақ учун контр-ҳисобварақ 96397 — «Бошқа кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақлари бўйича контр-ҳисобварақ»дир.

**Ҳисобварақнинг дебетида** ҳисобдан чиқарилган микроқарзлар, микрокредитлар ва микролизинглар суммаси акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг кредитида** қайта тикланган ёки тўланган микроқарзлар, микрокредитлар ва микролизингларнинг, шунингдек ўрнатилган муддат ўтиши билан бекор қилинган микроқарзлар, микрокредитлар ва микролизингларнинг суммаси акс эттирилади.

**Таҳлилий ҳисоб** ҳар бир қарздор бўйича тегишли шартномаларга қараб алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

95497 **Бошқа кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақлари**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** юқоридаги туркум ҳисобварақлар таърифига мос тушмайдиган операциялар ҳисоби олиб борилади. Ушбу ҳисобварақ учун контр-ҳисобварақ 96397 — «Бошқа кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақлари бўйича контр-ҳисобварақ»дир.

**Ҳисобварақнинг дебетида** кирим қилинган маблағлар, ҳужжатлар ёки бошқа қимматбаҳо буюмларнинг қиймати акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг кредитида** ҳисобдан чиқарилган маблағлар, ҳужжатлар ёки бошқа қимматбаҳо буюмларнинг суммаси акс эттирилади.

**Таҳлилий ҳисоб** ҳужжатлар ва бошқа қимматбаҳо буюмлар тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

| | |
|---|---|
| **96300** | **КЎЗДА ТУТИЛМАГАН ҲОЛАТЛАР КОНТР-ҲИСОБВАРАҚЛАРИ** |
| 96331 | **Сотиб олинган дебиторлик қарзлари-Факторинг бўйича контр-ҳисобварақ** |
| 96335 | **Активлар бўйича фоизлар ва воситачилик ҳақлари бўйича контр-ҳисобварақ** |
| 96337 | **Кафолат ва кафилликлар бўйича контр-ҳисобварақ** |
| 96345 | **Қарздорларнинг қисқа муддатли микроқарзлар, микрокредитлар ва микролизинглар бўйича мажбуриятлари контр-ҳисобварағи** |
| 96349 | **Қарздорларнинг узоқ муддатли микроқарзлар, микрокредитлар ва микролизинглар бўйича мажбуриятлари контр-ҳисобварағи** |
| 96351 | **Микрокредит ташкилотининг микроқарзлар, микрокредитлар ва микролизинглар бериш мажбурияти бўйича контр-ҳисобварақ** |
| 96358 | **Микрокредит ташкилотининг кредит ва лизинг олиш мажбурияти бўйича контр-ҳисобварақ** |
| 96381 | **Гаров сифатида олинган қимматли қоғозлар, мулклар ва мулкий ҳуқуқ (талаб)лар бўйича контр-ҳисобварақ** |
| 96397 | **Бошқа кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақлари бўйича контр-ҳисобварақ** |

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

## 464 Самарқанд вилояти ғазначилик ижросида бухгалтерия ҳисоби ҳақида вақтинчалик қоидаларини тасдиқлаш тўғрисидаги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 11 ноябрда 1601-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди***

***(2006 йил 21 ноябрдан кучга киради)***

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бюджети ғазначилик ижроси тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 27 декабрдаги ПҚ–244-сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорининг (Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари тўплами, 2005 й., 52-сон, 386-модда) 18-бандига асосан **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2006 йил 27 июндаги 60-сонли «Самарқанд вилояти ғазначилик ижросида бухгалтерия ҳисоби хақида вақтинчалик қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғига (2006 йил 24 июль, рўйхат рақами 1601 — Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 30-сон, 298-модда) иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Молия вазири Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,
2006 йил 24 октябрь,
90-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

## 465 Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, маҳаллий бюджетларга бюджет ссудаларини бериш ва олинган бюджет ссудаларини қайтариш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 14 ноябрда 1052-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2006 йил 24 ноябрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 23 ноябрдаги 553-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тўғрисидаги низомга асосан **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2001 йил 28 июнда 58-сон буйруғи билан тасдиқданган Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, маҳаллий бюджетларга бюджет ссудаларини бериш ва олинган бюджет ссудаларини қайтариш тартиби тўғрисидаги низомга (2001 йил 19 июль, рўйхат рақами 1052 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2001 йил, 14-сон) иловага* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кундан сўнг амалга киритилсин.

**Молия вазири Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,
2006 йил 25 октябрь,
92-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ, РАҚОБАТ ВА
ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

## 466 Ташкиллаштирилган биржадан ташқари савдоларда кўчмас мулк объектларини сотиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
14 ноябрда 1640-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2006 йил 24 ноябрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 26 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси фаолиятини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–335-сонли қарорига (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 17-сон, 140-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси **қарор қиладилар:**

1. «Ташкиллаштирилган биржадан ташқари савдоларда кўчмас мулк объектларини сотиш тартиби тўғрисидаги низом» иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан ўн кун ўтгандан сўнг кучга киритилади.

**Давлат мулки қўмитаси раиси Д. МУСАЕВ**

Тошкент ш.,
2006 йил 9 октябрь,
01/23-18/04-сон

**Иқтисодиёт вазири Б. ХОДЖАЕВ**

Тошкент ш.,
2006 йил 9 октябрь,
14-сон

**Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси в.б. Б. УЛАШОВ**

Тошкент ш.,
2006 йил 9 октябрь,
4-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

# 467 Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари, кредит уюшмалари ҳамда микрокредит ташкилотлари ижро органлари раҳбарлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодларга нисбатан малака талаблари қўйиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 14 ноябрда 1641-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2006 йил 24 ноябрдан кучга киради)*

«Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари, кредит уюшмалари ҳамда микрокредит ташкилотлари ижро органлари раҳбарлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодларга нисбатан малака талаблари қўйиш тартиби тўғрисида»ги низомнинг лойиҳасини кўриб чиқиб ва муҳокама қилиб, Бошқарув **қарор қилади:**

1. «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари, кредит уюшмалари ҳамда микрокредит ташкилотлари ижро органлари раҳбарлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодларга нисбатан малака талаблари қўйиш тартиби тўғрисида низом» иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор кучга кирган кундан бошлаб, Марказий банк Бошқарувининг 29 январь 2005 йилдаги 1/7-сон қарори ва у билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари ҳамда кредит уюшмалари ижро органлари раҳбарлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодларга нисбатан малака талаблари қўйиш тартиби тўғрисида»ги низом (2005 йил 10 март, рўйхат рақами 1455), ушбу Низомга Марказий банк Бошқарувининг 28 май 2005 йилдаги 11/3-сонли қарори билан тасдиқланган 1-сон ўзгартириш (2005 йил 27 июнь, рўйхат рақами 1455-1), Марказий банк Бошқарувининг 7 октябрь 2005 йилдаги 21/5-сонли қарори билан тасдиқланган 2-сон ўзгартириш (2005 йил 28 октябрь, рўйхат рақами 1455-2) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Кредит уюшмалари Кенгашлари раисларига ҳозирда фаолият кўрсатаётган олий иқтисодий маълумотга эга бўлмаган кредит уюшмалари ижро органлари раҳбарларини 2 йил муддат ичида иккинчи мутахассислик бўйича олий иқтисодий маълумот олиши учун олий ўқув юртига киришларини таъминлаш ёки ижро органи раҳбарини олий иқтисодий маълумотга эга бўлган ходим билан алмаштириш вазифаси юклатилсин.

4. Ушбу қарор Адлия вазирлигида Давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан ўн кун ўтгандан сўнг кучга киритилсин.

**Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,
2006 йил 7 октябрь,
24/6-сон

Марказий банк Бошқарувининг
2006 йил 7 октябрдаги 24/6-сонли
қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари, кредит уюшмалари ҳамда микрокредит ташкилотлари ижро органлари раҳбарлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодларга нисбатан малака талаблари қўйиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

Мазкур Низом «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 51-моддасига мувофиқ, тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари, кредит уюшмалари ҳамда микрокредит ташкилотлари ижро органлари раҳбарлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодларга нисбатан малака талабларини қўйиш ва касбга мувофиқлигини аниқлаш тартибини белгилайди.

### I. Умумий қоидалар

1. Малака талабларини қўйиш ва касбга мувофиқликни аниқлаш (кейинги ўринларда — касбга мувофиқликни аниқлаш) — банк иши ва амалиётини, кредит уюшмалари ҳамда микрокредит ташкилотлари фаолиятини юритишда амалдаги қонунчилик талабларига риоя этилишини таъминлаш учун юқори малака ва салоҳиятга эга бўлган мутахассисларни танлаш усулидир.

2. Касбга мувофиқликни аниқлашнинг асосий тамойиллари — очиқлик, кенгашлилик ва холисликдан иборат.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари, кредит уюшмалари ҳамда микрокредит ташкилотлари ижро органлари раҳбарларининг касбга мувофиқлигини аниқлаш комиссияси» (кейинги ўринларда — Комиссия) касбга мувофиқликни аниқловчи коллегиал орган ҳисобланади.

4. Мазкур Комиссияда тижорат банклари Бошқаруви раислари ва раис ўринбосарлари (Вазирлар Маҳкамаси номенклатурасига кирадиган лавозимлар бундан мустасно), Бошқарув аъзолари, Бош банкнинг бош бухгалтери, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳар ва туман филиаллари, Амалиёт бошқарма (бўлим)лари раҳбарлари ҳамда бош бухгалтерлари, кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотлари ижро органлари раҳбарлари (кейинги ўринларда — Тижорат банкла-

ри, кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотлари раҳбарлари) лавозимларига тайинлаш учун тавсия этилаётган номзодларнинг касбга мувофиқлиги аниқланади.

5. Тижорат банклари, кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотлари раҳбарлари қуйидаги ҳолларда тавсия этилаётган лавозимга мувофиқ эмас деб топиладилар ва ўз навбатида улар ушбу лавозимларга тайинланиши мумкин эмас:

амалга оширган ҳаракатлари юридик шахсларнинг банкротликка ёки молиявий аҳволи ёмонлашувига олиб келганлиги тўғрисида далиллар маълум бўлган тақдирда, банкротликка учраган ёки молиявий аҳволи ёмонлашган банклар, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари ва юридик шахсларнинг собиқ раҳбарлари, бошқарув ва кузатув кенгаши аъзолари ҳамда йирик иштирокчилари (устав капиталида 10 фоиз ва ундан кўп миқдорда овоз берувчи акциялар ёхуд улушларга эга бўлган шахслар);

ўзининг ишбилармонлик ва шахсий хатти-ҳаракатида нотўғри иш юритса;

ўзаро яқин қариндош бўлган шахслар бир банкда раҳбарлик ёки моддий жавобгарлик билан боғлиқ лавозимларда бири иккинчисига бевосита бўйсуниб ёки унинг назорати остида бирга ишласа.

6. Банк ёки филиал раҳбарлари ҳамда бош бухгалтерлари бир банк таркибида бошқа юқори лавозимга ёки бошқа банкка тенг ёки юқори лавозимларга, бир кредит уюшмаси ижро органи раҳбари бошқа кредит уюшмаси ижро органи раҳбарлигига, бир микрокредит ташкилоти ижро органи раҳбари бошқа микрокредит ташкилоти ижро органи раҳбарлигига тавсия этилганда уларнинг касбга мувофиқлиги Комиссия томонидан қайта кўриб чиқилади.

Банк филиали раҳбари ҳамда бош бухгалтери бир банк таркибида бошқа филиалга тенг лавозимларга ўтказилиши Бош банк тақдимномасига асосан Комиссиянинг суҳбат ва (ёки) тест синовига таклиф этилмасдан кўриб чиқилади.

7. Тижорат банклари, кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотлари раҳбарлари эгаллаб турган лавозимидан озод этилиши масаласи тижорат банки Бошқаруви, кредит уюшмаси кенгаши ёки микрокредит ташкилоти муассис(лар)и томонидан Комиссияни хабардор қилган ҳолда амалга оширилади.

Тижорат банклари, кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилоти раҳбарлари эгаллаб турган лавозимидан озод этилганлиги тўғрисидаги буйруқдан кўчирма 3 иш кунидан кечиктирмасдан Марказий банкнинг Тижорат банклари раҳбар ходимларини танлаш ва улар билан ишлаш Бош бошқармасига етказилиши ҳамда ушбу ўринларга тайинлаш учун тавсия этилаётган номзодларнинг ҳужжатлари тижорат банклари томонидан 1-иловага, кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотлари томонидан 2-иловага мувофиқ 15 иш кунидан кечиктирмасдан Комиссияга кўриб чиқиш учун тақдим этилиши лозим.

8. Ушбу Низомнинг 4-бандида қайд этилган раҳбарлик лавозимлари бўйича бўш ўринлар 1 ой муддат ичида бутланиши шарт.

9. Тижорат банклари, кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотлари ушбу Низомнинг 7 ва 8-бандлари талабларига риоя қилмаган тақдирда, уларга нисбатан Марказий банк томонидан қуйидаги чоралар қўлланилиши мумкин:

тижорат банкларига ўрнатилган минимал устав капитали миқдорининг 0,01 фоизи миқдорида жарима солиш;

тижорат банкларида ушбу ҳолатлар қайта такрорланган тақдирда, банк филиалини ёпишгача бўлган чораларни кўриш;

кредит уюшмаси ёки микрокредит ташкилоти лизенциясини амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ҳамда лицензиясини бекор қилишгача бўлган чораларни кўриш.

## II. Малакага доир талаблар

10. Раҳбарлик лавозимига тавсия этилаётган номзод қуйидагиларни билиши лозим:

Тижорат банклари раҳбарлигига номзодлар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида ёритилган асосий масалалар моҳияти;

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва банк фаолиятига оид қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатлари ва бошқа меъёрий ҳужжатларни, шу жумладан:

фуқаролик, хўжалик ва меҳнат қонунчилиги;

банк ҳисоботларини тузиш тартиби;

ҳисоб-китоблар ва тўловларни амалга ошириш тартиби;

молиявий ҳисоботлар, бухгалтерия ҳисобининг миллий ва халқаро стандартлари банк ички кредит сиёсати ва кредитлаш тартиби;

кичик бизнесни кредитлаш тартиби;

омонатларни қабул қилиш ва уларни бериш тартиби;

банкни корпоратив бошқариш тартиби;

ички аудит вазифалари ва фаолияти;

эмиссия-касса операцияларини амалга ошириш тартиби;

чет эл валютаси билан боғлиқ операцияларни амалга ошириш тартиби;

пул муомаласини ташкил этиш масалалари;

Базель қўмитасининг банк фаолиятига оид асосий тамойиллари;

Республика банк тизимида олиб борилаётган кадрлар сиёсатининг моҳияти ва аҳамияти.

Кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотлари ижро органлари раҳбарлигига номзодлар:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, банк, кредит уюшмаси, микрокредит ташкилоти фаолиятига оид қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатлари ва бошқа меъёрий ҳужжатларни, шу жумладан:

фуқаролик, хўжалик ва меҳнат қонунчилиги;

кредит уюшмаси, микрокредит ташкилоти ҳисоботларини тузиш тартиби;

ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби;

кредит сиёсати ва кредитлаш тартиби;

омонатларни қабул қилиш ва уларни бериш тартиби;

Республика банк тизимида олиб борилаётган кадрлар сиёсатининг моҳияти ва аҳамияти.

11. Тижорат банкларининг раҳбарлик лавозимларига тавсия этилаётган номзодлар олий иқтисодий маълумотга, банк тизимида етарли иш тажрибасига ва охирги иш жойидан тавсияга, кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотлари ижро органлари раҳбарлари лавозимига тавсия этилаётган номзодлар олий иқтисодий маълумотга, банк ёки молия соҳасида етарли иш тажрибасига эга бўлишлари лозим.

Агар тижорат банкларининг Бошқаруви аъзолигига банкнинг юридик хизмати раҳбари тавсия этилса, номзод олий юридик маълумотга ва банк тизимида етарли иш тажрибасига эга бўлиши лозим.

Тижорат банкларининг туман филиаллари раҳбарлари ҳамда бош бухгалтерла-

ри лавозимларига истисно тариқасида банк ёки иқтисодий мутахассислик бўйича олий ўқув юртида таълим олаётган ноиқтисодий олий маълумотга эга бўлган номзодлар тавсия этилиши мумкин.

## III. Номзоднинг касбга мувофиқлигини аниқлаш тартиби

12. Комиссия таркиби Марказий банк Раисининг буйруғи билан тасдиқланади. Комиссия таркибидаги ходимлар бошқа лавозимга ёки бошқа ишга ўтган тақдирда, улар ўрнига тайинланган ходимлар Комиссия таркибига киритилган ҳисобланади.

13. Комиссия йиғилиши ва қарорлари аъзоларининг учдан икки қисми иштирок этган тақдирдагина ҳақиқий ҳисобланади. Комиссия қарори унда иштирок этган аъзоларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг келиб қолганда, Комиссия раиси ҳал қилувчи овозга эга бўлади.

14. Комиссия раиси йўқлигида мажлисни унинг ўринбосари ўтказади.

15. Комиссия ишини ташкил этиш Тижорат банклари раҳбар ходимларини танлаш ва улар билан ишлаш Бош бошқармаси томонидан олиб борилади.

16. Тижорат банклари, кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотларининг раҳбарлик лавозимларига тавсия этилаётган номзодларнинг ҳужжатлари дастлаб тижорат банклари, кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотлари томонидан кўриб чиқилиб, сўнг Марказий банкка такдим этилади. Тижорат банклари раҳбар ходимларини танлаш ва улар билан ишлаш Бош бошқармаси мазкур ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, сўнг Комиссиянинг барча аъзоларини таништириши лозим.

17. Тижорат банклари, кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотлари раҳбарлик лавозимга тавсия этилаётган номзодларнинг Комиссияга тақдим этилган ҳужжатларидаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун жавобгардирлар.

18. Комиссия тижорат банклари, кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотлари томонидан такдим этилган номзодларнинг ҳужжатларини ушбу Низом талабларига мувофиқ ҳолда, 10 кун муддатда ўрганиб чиқади ва номзоднинг лавозимга мувофиқлигини аниқлаш масаласини ўзининг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритади.

Марказий банк зарурат туғилган ҳолларда, номзод тўғрисидаги маълумотларнинг тўғрилигини тасдиқлайдиган ахборотларни номзоднинг ўзидан, шунингдек тегишли ваколатли идоралардан суриштириб аниқлаши мумкин.

19. Тавсия этилаётган номзоднинг лавозимга мувофиқлиги Комиссия томонидан ўтказиладиган суҳбат ва (ёки) тест синови орқали аниқланади. Суҳбат ва (ёки) тест натижаларига кўра номзоднинг тавсия этилаётган лавозимга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисида қарор қабул қилинади ва мазкур қарордан кўчирма тижорат банклари, кредит уюшмалари ҳамда микрокредит ташкилотларига юборилади.

20. Фаолият кўрсатаётган тижорат банклари, кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотлари раҳбарлари лавозимига тавсия этилган номзодлар мувофиқ эмас деб топилганда, тижорат банки (банк Кенгаши), кредит уюшмаси ва микрокредит ташкилотлари томонидан Комиссия қароридан тегишли кўчирмани олганидан сўнг, 15 кун муддат ичида ушбу лавозимга бошқа малакали номзодлар тавсия этилиши лозим.

21. Тавсия этилаётган лавозимга мувофиқ эмас, деб топилган номзодлар камида олти ой муддат ўтгандан сўнг ушбу Низомнинг 4-бандида кўрсатилган лавозимларга қайта тавсия этилиши мумкин.

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 24 сентябрдаги «Ўзбе-

кистон Республикаси банк тизимининг раҳбар ходимларини аттестациядан ўтказиш тўғрисида» Ф-896-сонли фармойишига мувофиқ ҳолда ўтказиладиган аттестация якунлари бўйича эгаллаб турган лавозимига нолойиқ деб топилган тижорат банклари раҳбар ходимлари 3 йилдан сўнг раҳбарлик лавозимига қайта тавсия этилиши мумкин. Истисно тариқасида, аттестацияда эгаллаб турган лавозимига нолойиқ деб топилган раҳбарни аттестация санасидан 1 йил ўтгандан сўнг қуйидаги қўшимча ҳужжатлар тақдим этилган тақдирда раҳбарлик лавозимларига қайта тавсия этилишига рухсат берилади:

а) банк Бошқаруви раисининг тавсияномаси;

б) банк Кенгаши ёки Бошқарувининг камида иккита аъзосининг фикрномаси;

в) ходимнинг ўтган вақт мобайнида иш фаолияти натижалари, малакаси, назарий ва амалий билимларини оширганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (агар шундай тавсиялар берилган бўлса).

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари, кредит уюшмалари ҳамда микрокредит ташкилотлари ижро органлари раҳбарлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодларга нисбатан малака талаблари қўйиш тартиби тўғрисида низомга
1-ИЛОВА

## Тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари ҳамда бошқарув аъзоларининг тижорат банки томонидан Комиссияга тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар рўйхати

Бош банк Бошқаруви тақдимномаси (Банк Кенгаши тақдимномаси);

сўровнома;

таржимаи ҳол;

ўқув юртини тугатганлиги тўғрисида диплом нусхаси (агар олий ўқув юртида ўқиётган бўлса — ўқиётган жойидан маълумотнома);

охирги иш жойидан тавсифнома;

тавсия этилаётган номзод билан Бош банкда ўтказилган суҳбат баённомаси;

6 х 4 ҳажмдаги 4 дона сурат;

номзоднинг иш фаолияти ҳақидаги маълумотнома;

номзоднинг иш фаолияти ҳақида касбдошлари томонидан билдирилган фикрнома ёки мулоҳазалар (Бош банк ва унинг вилоятлардаги бошқармалари раҳбарларига 5 та, бош бухгалтерларига 3 та ҳамда шаҳар ва туманлардаги филиаллар раҳбарларига ва бош бухгалтерларига 3 тадан кам бўлмаслиги керак);

турар жойидан маълумотнома ва тавсифнома.

Бундан ташқари, номзод шахсини тасдиқловчи ҳужжат, маълумоти тўғрисидаги диплом, меҳнат дафтарчаси ёки ўқиётганлигини тасдиқловчи синов дафтарчасининг асл нусхасини ўзи билан бирга олиб келиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари, кредит уюшмалари ҳамда микрокредит ташкилотлари ижро органлари раҳбарлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодларга нисбатан малака талаблари қўйиш тартиби тўғрисида низомга
2-ИЛОВА

## Кредит уюшмалари ҳамда микрокредит ташкилотлари ижро органлари раҳбарларининг кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотлари томонидан Комиссияга тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар рўйхати

кредит уюшмаси кенгаши ёки микрокредит ташкилоти муассис(лар)и тақдимномаси;

сўровнома;

таржимаи ҳол;

ўқув юртини тугатганлиги тўғрисида диплом нусхаси (агар олий ўқув юртида ўқиётган бўлса — ўқиётган жойидан маълумотнома);

охирги иш жойидан тавсифнома;

6 х 4 ҳажмдаги 4 дона рангли сурат;

кредит уюшмаси ёки микрокредит ташкилоти томонидан тайёрланган номзоднинг иш фаолияти ҳақидаги маълумотнома;

номзоднинг иш фаолияти ҳақида касбдошлари томонидан билдирилган фикрнома ёки мулоҳазалар (5 тадан кам бўлмаслиги керак);

турар жойидан маълумотнома ва тавсифнома.

Бундан ташқари, номзод шахсини тасдиқловчи ҳужжат, маълумоти тўғрисидаги диплом, меҳнат дафтарчаси ёки ўқиётганлигини тасдиқловчи синов дафтарчасининг асл нусхасини ўзи билан бирга олиб келиши шарт.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

## 468 Корхоналар тасарруфида қолдириладиган, давлат мулкини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан тушган маблағлардан мақсадли фойдаланилишини назорат ва мониторингини юритиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 15 ноябрда 940-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2006 йил 25 ноябрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 27 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ—244-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 52-сон, 386-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 31 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2002 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 490-сон қарорига асосан **буюраман:**

1. Корхоналар тасарруфида қолдириладиган, давлат мулкини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан тушган маблағлардан мақсадли фойдаланилишини назорат ва мониторингини юритиш Қоидалари (2000 йил 28 июнь, рўйхат рақами 940 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2000 йил 12-сон)га иловага* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Ушбу буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилгандан кейин ўн кун муддат ўтгач кучга киради.

**Молия вазири Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,
2006 йил 9 октябрь,
87-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

## 469 Йўл ҳаракати қоидаларини бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқишни ташкил этиш ҳамда ҳайдовчилик гувоҳномасига талон бериш ва алмаштириш тартиби тўғрисидаги Йўриқномани тасдиқлаш ҳақидаги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 21 ноябрда 933-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2006 йил 1 декабрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига ва «Нотариат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 18 майдаги «Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш чоралари тўғрисида»ги 221-37-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 31 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–458-сонли қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2000 йил 23 апрелдаги 87-сонли буйруғига (2000 йил 9 июнь, рўйхат рақами 933) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилсин.

**Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б. МАТЛЮБОВ**

Тошкент ш.,
2006 йил 17 октябрь,
223-сон

Ички ишлар вазирининг
2006 йил 17 октябрдаги 223-сонли
буйруғига
ИЛОВА

### Йўл ҳаракати қоидаларини бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқишни ташкил этиш ҳамда ҳайдовчилик гувоҳномасига талон бериш ва алмаштириш тартиби тўғрисидаги Йўриқномани тасдиқлаш ҳақидаги буйруғига ўзгартириш ва қўшимчалар

I. Буйруқда:

1) 2-банддаги «ИИВ ДАНББ» қисқартмаси «ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) 2.1-банддаги «ДАН» қисқартмаси «Йўл ҳаракати хавфсизлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) 4.1-банддаги «Давлат автомобиль назорати» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати (кейинги ўринларда — ДЙҲХХ)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) 4.3-банддаги «ДАН хизматини» деган сўзлар «ДЙҲХХни» қисқартмаси билан алмаштирилсин;

5) 6-банддаги «ДАН бош» деган сўзлар «Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**II.** Йўриқномада:

1) 2.1, 2.11, 2.12, 3.8, 3.10, 6.10.3, 6.16, 6.17, 6.18, 9.1.4-бандлардаги ва Йўриқномага 5, 11, 9-иловалардаги «ДАН» қисқартмаси «ДЙҲХХ» қисқартмаси билан алмаштирилсин;

2) 2.11.1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2.11.1. Агар ҳайдовчи сафарда бўлса, у тақдим этган тегишли ҳужжатлар ёки маълумотлар асосида ўша ҳудуддаги Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати бошқармаси маъмурий амалиёт бўлими бошлиғи, унинг ўринбосари, маъмурий амалиёт бўйича катта инспектори, туман (шаҳар) ички ишлар бўлимларида автомототранспорт воситаларининг техник ҳолати, улардан фойдаланиш қоида ва меъёрларига амал қилишнинг назорати бўйича бўлинмаси бошлиғи, автомототранспорт воситаларининг техник ҳолати, улардан фойдаланиш қоида ва меъёрларига амал қилишнинг назорати катта инспектори ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича материалларни кўриб чиқиш бўйича катта инспектори (инспектори) томонидан ҳайдовчилик гувоҳномаси талонининг ёки вақтинчалик гувоҳноманинг амал қилиш муддати узайтириб берилади.

---

*Изоҳ: талонни ёки вақтинчалик рухсатномани муддати узайтирилганда «Яшаш жойига етиб олгунга қадар» деб ёзиб, муддат қўйиб берилади. Узайтириш муддати 10 кундан ошмаслига керак.*»;

3) 3.3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3.3. Кодекснинг 125, 126-моддаларида, 127-моддаси биринчи қисмида, 128-моддаси биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 129-моддаси биринчи қисмида, 130-моддаси биринчи қисмида, 131-моддаси учинчи қисмида, 135-моддасида, 136-моддаси учинчи қисмида, 138, 139, 140, 141, 147-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар Ўзбекистон Республикаси ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси бошлиғи, унинг биринчи ўринбосари ёки ўринбосари, Йўл патруль хизмати фаолиятини мувофиқлаштириш ва маъмурий амалиёт бўлими бошлиғи, унинг ўринбосари, муҳим топшириқлар бўйича катта инспектори, инспектори (маъмурий амалиёт бўйича), Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, вилоятлар Ички ишлар бошқармалари, Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармалари ва Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси, Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи, унинг биринчи ўринбосари ёки ўринбосари, Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси, Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси маъмурий амалиёт бўлими бошлиғи, унинг ўринбосари ёки катта инспектори (инспектори), туман (шаҳар) ички ишлар бўлимида автомототранспорт воситаларининг техник ҳолати, улардан фойдаланиш қоида ва меъёрларига амал қилишнинг назорати бўйича бўлинмаси бошлиғи, автомототранспорт воситаларининг техник ҳолати, улардан фойдаланиш қоида ва меъёрла-

рига амал қилишнинг назорати бўйича катта инспектори (инспектори), маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича материалларни кўриб чиқиш бўйича инспектори, улар бўлмаган тақдирда — ички ишлар бўлими бошлиғи ёки унинг ўринбосари томонидан кўриб чиқилади ва маъмурий жазо қўлланилади.»;

4) 3.4-банддаги «йўл-патруль хизмати командири ёки унинг ўринбосари» деган сўзлар «йўл-патруль хизмати бригадаси (батальони, дивизиони, отряди, мобиль гуруҳи) командири, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) 3.5-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3.5. Кодекснинг 125-моддаси биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 126-моддаси биринчи қисмида, 127-моддаси биринчи қисмида, 128-моддаси биринчи, 129-моддаси биринчи қисмида, 135-моддаси биринчи қисмида, 138-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун Йўл-патруль хизмати катта инспектори (инспектори) ва йўл ҳаракати қоидаларига ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга оид бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя этиши устидан назоратни амалга оширувчи бошқа ходимлар томонидан кўриб чиқилади ва маъмурий жазо қўлланилади.»;

6) 3.7-бандда «137-моддаларида» деган сўзлар «137, $176^3$-моддаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) 3.16.2-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3.16.2. Ишни юридик шахсларга тегишли транспорт воситаси доимий (вақтинчалик) рўйхатга олинган жойдаги маъмурий амалиёт бўлими бошлиғи, унинг ўринбосари, маъмурий амалиёт бўйича катта инспектор (инспектор), туман (шаҳар) ички ишлар бўлимида автомототранспорт воситаларининг техник ҳолати, улардан фойдаланиш қоида ва меъёрларига амал қилишнинг назорати бўйича бўлинмаси бошлиғи, автомототранспорт воситаларининг техник ҳолати, улардан фойдаланиш қоида ва меъёрларига амал қилишнинг назорати бўйича катта инспектори (инспектори), маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича материалларни кўриб чиқиш бўйича катта инспектори (инспектори)га кўриб чиқиш учун юборади.

Шахсий транспорт воситалари ҳайдовчилари томонидан содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишнинг тарбиявий ва огоҳлантирувчи ролини ошириш мақсадида ҳуқуқбузарнинг иш, ўқиш жойларидаги жамоаларида ёки яшаш жойларидаги маъмурий амалиёт бўлими бошлиғи, унинг ўринбосари, маъмурий амалиёт бўйича катта инспектор (инспектор), туман (шаҳар) ички ишлар бўлимида автомототранспорт воситаларининг техник ҳолати, улардан фойдаланиш қоида ва меъёрларига амал қилишнинг назорати бўйича бўлинмаси бошлиғи, автомототранспорт воситаларининг техник ҳолати, улардан фойдаланиш қоида ва меъёрларига амал қилишнинг назорати бўйича катта инспектори (инспектори), маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича материалларни кўриб чиқиш бўйича катта инспектори (инспектори)га кўриб чиқиш учун юбориш мумкинлигини назарда тутади.»;

8) 5.6-банддаги «туман (шаҳар) судининг суд ижрочиси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг суд ижрочилари туман (шаҳар) бўлимларининг суд ижрочилари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) 5.10-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5.10. Ҳуқуқбузар бир йил ва ундан ортиқ муддатга транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилган ҳолларда ҳайдовчилик гувоҳномаси ва унинг талони белгиланган тартибда ҳуқуқбузарнинг яшаш жойидаги ДЙҲХХнинг рўйхат-

лаш ва имтиҳон олиш бўлим (бўлинма) (*кейинги ўринларда* — РИБ (ТРИБ)) ларига юборилади.

———————————————-

*Изоҳ: ҳайдовчилик хужжатларидан бирортаси (гувоҳнома ёки унинг талони)нинг йўқолганлиги ёхуд ўғирланганлиги ҳақида асосли далиллар (ҳайдовчининг тушунтириш хати, милиция ёки ёнғиндан сақлаш хизмати маълумотномалари ва ҳ.к.) бўлса, мавжуд ҳайдовчилик хужжати (гувоҳнома ёки унинг талони) асосли далиллар билан биргаликда* ДЙҲХХнинг РИБ (ТРИБ)ларига *юборилади.*»;

10) 5.14-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5.14. Ҳайдовчилик гувоҳномаси талонида кодекснинг 128-моддаси 1-қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар бир йил мобайнида уч марта қайд қилингандан сўнг ҳуқуқбузарнинг яшаш жойида ёки транспорт воситасининг доимий (вақтинча) рўйхатга олинган жойида маъмурий амалиёт бўлими бошлиғи, унинг ўринбосари, маъмурий амалиёт бўйича катта инспектор (инспектор), туман (шаҳар) ички ишлар бўлимида автомототранспорт воситаларининг техник ҳолати, улардан фойдаланиш қоида ва меъёрларига амал қилишнинг назорати бўйича бўлинмаси бошлиғи, автомототранспорт воситаларининг техник ҳолати, улардан фойдаланиш қоида ва меъёрларига амал қилишнинг назорати бўйича катта инспектори (инспектори), маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича материалларни кўриб чиқиш бўйича катта инспектори (инспектори) томонидан алмаштирилади (буйруқнинг 2-иловаси).

———————————————-

*Изоҳ: Кодекснинг 128-моддаси 1-қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлардан бир йилда тўртинчиси содир этилган тақдирда у йўлларда ҳаракатланиш қоидалари бўйича билимини текшириш учун биринчи ҳуқуқбузарлик деб ҳисобланади, маъмурий чора қўллаш эса қонун доирасида ҳал этилади.*»;

11) 5.15-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5.15. Ҳайдовчининг билими Ўзбекистон Республикаси ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, вилоятлар Ички ишлар бошқармалари Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармалари ва Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи, унинг биринчи ўринбосари ёки ўринбосари, Йўл патруль хизмати фаолиятини мувофиқлаштириш ва маъмурий амалиёт бўлими бошлиғи, унинг ўринбосари, муҳим топшириқлар бўйича катта инспектори, инспектори (маъмурий амалиёт бўйича), маъмурий амалиёт бўлими бошлиғи, унинг ўринбосари, катта инспектори (инспектори), туман (шаҳар) ички ишлар бўлимида автомототранспорт воситаларининг техник ҳолати, улардан фойдаланиш қоида ва меъёрларига амал қилишнинг назорати бўйича бўлинмаси бошлиғи, автомототранспорт воситаларининг техник ҳолати, улардан фойдаланиш қоида ва меъёрларига амал қилишнинг назорати гуруҳининг катта инспектори, маъмурий амалиёт бўйича катта инспектори (инспектори) таркибидан тузилган комиссия томонидан ИИВнинг амалдаги буйруқлари асосида текширилади. Бу бўйича иш юритишни олиб бориш эса комиссия аъзоси ҳисобланган маъмурий амалиёт ходими зиммасига юклатилади.»;

12) 6.2, 6.4-бандлардаги «Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, вилоятлар ИИБ ДАНБлари ва Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХНБ» деган сўзлар «Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, вилоятлар Ички ишлар бошқармалари Йўл ҳаракати хавфсизлиги

бошқармалари ва Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси» деган сўзлар билан, 6.2-банддаги «Ўзбекистон Республикаси ИИВ ДАН бош» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13) 6.4-банддаги «Шаҳар, туман ИИБ Давлат автомобиль назорати бўлими (бўлинмаси)» деган сўзлар «Туман (шаҳар) ички ишлар бўлимида автомототранспорт воситаларининг техник ҳолати, улардан фойдаланиш қоида ва меъёрларига амал қилишнинг назорати бўйича бўлинмалар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

14) 6.5-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6.5. Маъмурий баённомалар ва жарима квитанциялари бланкалари ҳисоб-китобининг олиб борилиши ва тарқатилишини, шунингдек рўйхатга олиш китобларининг юритилишини назорат қилиш ҳудудий Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармалари, туман (шаҳар) ИИБлари бошлиқлари буйруқлари билан Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги туман (шаҳар) бўлинмалари ходимлари зиммасига юклатилади. Улар йилнинг ҳар чораги якуни бўйича қатъий ҳисобдаги бланкаларнинг кирим-чиқими ҳақида юқори ДЙҲХХ идораларига ҳисобот берадилар.

Тошкент шаҳар ИИББ йўл-патруль хизмати бригадасида маъмурий баённома ва жарима квитанциялари бланкаларини тарқатилишини назорат қилиш Тошкент шаҳар ИИББ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси маъмурий амалиёт бўлими томонидан амалга оширилади.

ЙПХ бригадасининг ҳар бир отрядида бригада командири буйруғи билан маъмурий баённомалар ва жарима квитанциялари бланкалари ҳисоб-китобини олиб бориш ва бериш, шунингдек рўйхатга олиш китобларини юритишга масъул ходимлар тайинланади. Улар йилнинг ҳар чораги якуни бўйича қатъий ҳисобдаги бланкаларнинг кирим-чиқими ҳақида маъмурий амалиёт бўлимига ҳисобот берадилар. Тошкент шаҳар ИИББ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси маъмурий амалиёт бўлими ўз навбатида йилнинг ҳар чорагида бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармасига ҳисобот беради.»;

15) 6.6-банддаги «ИИВ-ИИБ ДАН бошқармалари ва Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХНБ» деган сўзлар «Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, вилоятлар Ички ишлар бошқармалари Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармалари ва Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси» деган сўзлар билан, «ДАН-ЙҲХН» қисқартмаси «ҳудудий Йўл ҳаракати хавфсизлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

16) 6.9-банддаги «ИИВ-ИИБ ДАН бошқармаси (бўлими, бўлинмаси)нинг» деган сўзлар «Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, вилоятлар ички ишлар бошқармалари Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармалари ва Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси, ДЙҲХХнинг ҳудудий бўлими (бўлинмаси)нинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

17) 6.12-банддаги «ДАН хизматида» деган сўзлар «ДЙҲХХда» қисқартмаси билан алмаштирилсин;

18) 6.14-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6.14. Китоблар рақамлаб чиқилган, чилвирланган, муҳр босилган, Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, вилоятлар ички ишлар бошқармалари Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармалари ва Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси, туман (шаҳар) ички ишлар бўлими девонхонаси (канцелярияси)да рўйхатга олинган бўлиши керак.»;

19) 6.18-бандлардаги «Давлат автомобиль назоратининг рўйхатлаш ва имтиҳон олиш бўлинмаларида (РИБ)» деган сўзлар «ДЙҲХХнинг РИБ (ТРИБ) ларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

20) 6.19-банддаги «ДАН РИБ» қисқартмаси «ДЙҲХХнинг РИБ (ТРИБ)» қисқартмаси билан алмаштирилсин;

21) 7.8, 8.3.1, 8.3.7-бандлардаги «Давлат автомобиль назорати» деган сўзлар «ДЙҲХХ» қисқартмаси билан алмаштирилсин;

22) 8.1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«8.1. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар қонун доирасида ҳал этилаётганлигини, ҳуқуқбузарлик юзасидан иш тўғри юритилаётганлигини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси раҳбарияти ва Бош бошқарма Йўл патруль хизмати фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш ва маъмурий амалиёт бўлими, Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, вилоятлар Ички ишлар бошқармалари Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармалари ва Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси раҳбарияти, туман (шаҳар) ички ишлар идораларининг ҳамда мазкур идоралар Йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмалари раҳбарияти томонидан амалга оширилади.»;

23) 8.2-банддаги «ДАН» қисқартмаси «ДЙҲХХининг жойлардаги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

24) 9.1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9.1. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси, Қарақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, вилоятлар Ички ишлар бошқармалари Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармалари ва Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасининг маъмурий амалиёт ходимлари»;

25) 9.1.1-банддаги «Маъмурий амалиёт бўлими (бўлинмаси, гуруҳи) жойлардаги ДАН бўлим (бўлинма)ларининг» деган сўзлар «Маъмурий амалиёт бўлими ДЙҲХХнинг жойлардаги» деган сўзлар билан, «Давлат автомобиль назоратининг» деган сўзлар «ДЙҲХХнинг» қисқартмаси билан алмаштирилсин;

26) 9.1.2-банддаги «Давлат автомобиль назоратининг» деган сўзлар «ДЙҲХХ идораларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

27) 9.1.4-банддаги «жойлардаги ДАН бўлим (бўлинма)лари» деган сўзлар «ДЙҲХХнинг жойлардаги бўлим (бўлинма)лари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

28) 9.1.7-банддаги «ДАН бўлим (бўлинма)лари» деган сўзлар «ДЙҲХХнинг жойлардаги бўлим (бўлинма)лари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

29) 9.1.8 банддаги «ДАН Бош бошқармасига» деган сўзлар «Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

30) 9.2-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9.2. Туман (шаҳар) ички ишлар бўлими ДЙҲХХ ҳудудий бўлинмасининг маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш бўйича инспектори»;

31) Йўриқномага 1-сонли иловадаги «ДАН мансабдор шахслари» деган сўзлар «ДЙҲХХ мансабдор шахслари» деган сўзлар билан, «ДАН бўлинмасига» деган сўзлар «ДЙҲХХ ҳудудий бўлинмасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

32) Йўриқномага 3-сонли иловадаги «ДАН» қисқартмаси «ДЙҲХХ ҳудудий бўлими (бўлинмаси)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

33) Йўриқномага 10, 11, 12-сонли иловалардаги «ДАН» қисқартмаси «ДЙҲХХ ҳудудий бошқарма (бўлим, бўлинмаси)нинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

34) Йўриқномага 12-сонли иловадаги «ИИБ (ДАН) бурчак штампи» деган сўзлар «ИИБ (ДЙҲХХ) бурчак штампи» деган сўзлар билан, «ички ишлар идорасининг (ДАН) номи» деган сўзлар «(ДЙҲХХ) хизмат номи» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНК БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

# 470 Микрокредит ташкилотлари томонидан молиявий операцияларни амалга ошириш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 23 ноябрда 1642-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2006 йил 3 декабрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Қонунининг 7, 17 ва 51-моддалари ҳамда «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуннинг 15-моддасига мувофиқ, Марказий банк Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Микрокредит ташкилотлари томонидан молиявий операцияларни амалга ошириш қоидалари иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб ўн кундан кейин кучга киритилсин.

**Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,
2006 йил 7 октябрь,
24/3-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ХЎЖАЛИК СУДИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

## 471 Юридик шахслар томонидан истеъмол қилинган электр энергияси учун тўлов муддати ўтган дебитор қарзларни мажбурий тартибда ундириш тўғрисидаги Йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 24 ноябрда 1466-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2006 йил 4 декабрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 31 августдаги ПҚ–458-сонли қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Олий хўжалик суди, Адлия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Олий хўжалик суди, Адлия вазирилиги томонидан 2005 йил 17 мартдаги 2005-35, 103 ва 20-21-3-сонли қарори билан тасдиқланган «Юридик шахслар томонидан истеъмол қилинган электр энергияси учун тўлов муддати ўтган дебитор қарзларни мажбурий тартибда ундириш тўғрисида»ги Йўриқномага (2005 йил 6 апрель, рўйхат рақами 1466) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 10 кун ўтгач кучга киради.

**Давлат солиқ қўмитаси раиси Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,
2006 йил 24 ноябрь,
2006-49-сон

**Олий хўжалик суди раиси А. ИШМЕТОВ**

Тошкент ш.,
2006 йил 24 ноябрь,
СП-01/752-сон

**Адлия вазири Б. МУСТАФОЕВ**

Тошкент ш.,
2006 йил 24 ноябрь,
30-сон

Давлат солиқ қўмитаси, Олий хўжалик
суди, Адлия вазирлигининг
2006 йил 24 ноябрдаги 2006-49,
СП-01/752, 30-сонли қарорига
ИЛОВА

**Юридик шахслар томонидан истеъмол қилинган электр энергияси учун тўлов муддати ўтган дебитор қарзларни мажбурий тартибда ундириш тўғрисидаги Йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида**

1. Йўриқномада:

а) 12-бандда «бўлимлари» деган сўз «бошқармалари» деган сўз билан алмаштирилсин;

б) 7, 9, 11, 15-бандларда «бўлинмасига» деган сўз «бўлимига» деган сўз билан алмаштирилсин;

в) 8, 10, 15-бандларда «бўлинмаси» деган сўз «бўлими» деган сўз билан алмаштирилсин;

г) 12-бандда «бўлинмалари» деган сўз «бўлимлари» деган сўз билан алмаштирилсин.

2. Йўриқномага 3-иловада:

а) «бўлинмасига» деган сўз «бўлимига» деган сўз билан алмаштирилсин;

б) «бўлинмаси» деган сўз «бўлими» деган сўз билан алмаштирилсин.

3. Йўриқномага 4-иловада:

а) «бўлими» деган сўз «бошқармаси» деган сўз билан алмаштирилсин;

б) «бўлинмасига» деган сўз «бўлимига» деган сўз билан алмаштирилсин;

в) «бўлинмаси» деган сўз «бўлим» деган сўз билан алмаштирилсин.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Адлия вазирлиги маълум қилади:**
**вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида**
**2006 йил 11 ноябрдан 24 ноябргача бўлган маълумот**

## *I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:*

1. «Микрокредит ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режасини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2006 йил 7 октябрдаги 24/5-сонли қарори.*

***2006 йил 11 ноябрда 1639-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 21 ноябрдан кучга киради).***

2. «Самарқанд вилояти ғазначилик ижросида бухгалтерия ҳисоби ҳақида вақтинчалик қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2006 йил 24 октябрдаги 90-сон буйруғи.*

***2006 йил 11 ноябрда 1601-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 21 ноябрдан кучга киради).***

3. *«Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, маҳаллий бюджетларга бюджет ссудаларини бериш ва олинган бюджет ссудаларини қайтариш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»* Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2006 йил 25 октябрдаги 92-сонли буйруғи.

***2006 йил 14 ноябрда 1052-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 24 ноябрдан кучга киради).***

4. «Ташкиллаштирилган биржадан ташқари савдоларда кўчмас мулк объектларини сотиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 2006 йил 9 октябрдаги 01/23-18/04, 14, 4 -сонли қарори.*

***2006 йил 14 ноябрда 1640-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 24 ноябрдан кучга киради).***

5. «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари, кредит уюшмалари ҳамда микрокредит ташкилотлари ижро органлари раҳбарлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодларга нисбатан малака талаблари қўйиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқарувининг 2006 йил 7 октябрдаги 24/6-сонли қарори.*

***2006 йил 14 ноябрда 1641-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 24 ноябрдан кучга киради).***

6. «Корхоналар тасарруфида қолдириладиган, давлат мулкини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан тушган маблағлардан мақсадли фойдала-

нилишини назорат ва мониторингини юритиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2006 йил 9 октябрдаги 87-сон буйруғи.*

***2006 йил 15 ноябрда 940-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 25 ноябрдан кучга киради).***

7. «Пахта толасининг жаҳон бозоридаги ва ички нархлари ўртасида юзага келадиган салбий фарқни қоплаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, «Ўзпахтасаноат» уюшмасининг 2006 йил 1 ноябрдаги 96, ЭГ-01/10-160, 01/2698-сон қарори.*

***2006 йил 21 ноябрда 1486-1-сон (ХФУ) билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 1 декабрдан кучга киради).***

8. «Акциядорлик ташқи савдо компанияларнинг пахта толаси учун ҳисоб-китобларни кредитлаш тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқарувининг 2006 йил 1 ноябрдаги 95, 239-В-1-сон қарори.*

***2006 йил 21 ноябрда 1275-1-сон (ХФУ) билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 1 декабрдан кучга киради).***

9. «Йўл ҳаракати қоидаларини бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқишни ташкил этиш ҳамда ҳайдовчилик гувоҳномасига талон бериш ва алмаштириш тартиби тўғрисидаги Йўриқномаларни тасдиқлаш ҳақидаги буйруғига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2006 йил 17 октябрдаги 223-сон буйруғи.*

***2006 йил 21 ноябрда 933-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 1 декабрдан кучга киради).***

10. «Микрокредит ташкилотлари томонидан молиявий операцияларни амалга ошириш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2006 йил 7 октябрдаги 24/3-сонли қарори.*

***2006 йил 23 ноябрда 1642-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 3 декабрдан кучга киради).***

11. «Юридик шахслар томонидан истеъмол қилинган электр энергияси учун тўлов муддати ўтган дебитор қарзларни мажбурий тартибда ундириш тўғрисида»ги Йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Олий хўжалик суди, Адлия вазирлигининг 2006 йил 24 ноябрдаги 2006-49, СП-01/752, 30-сонли қарори.*

***2006 йил 24 ноябрда 1466-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 4 декабрдан кучга киради).***

## *II. Давлат реестридан чиқарилди:*

1. «Таваккалчиликка асосланган ўйин автоматлари залини ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида». *Ўзбекистон Республикаси Молия вазири буйруғи билан тасдиқланган. (рўйхат рақами 1313, 17.02.2004 й ).*

***Адлия вазирининг 2006 йил 11 ноябрдаги 188-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.***

2. «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари ҳамда кредит уюшмалари ижро органлари раҳбарлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодларга нисбатан малака талаблари қўйиш тартиби тўғрисидаги низом». *Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқарувининг қарори билан тасдиқланган. (рўйхат рақами 1455, 10.03.2005 й.), (рўйхат рақами 1455-1, 27.06. 2005 й.), (рўйхат рақами 1455-2, 28.10.2005 й.).*

***Адлия вазирининг 2006 йил 14 ноябрдаги 192-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.***

**Мазкур ҳужжатлар амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

**Тузатиш**

«Ўзбекистон Республикаси фуқароларига нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия бериш тартиби тўғрисида низом» (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 45-сон, 450-модда) 10-бандининг а) ва б) кичик бандларидаги 3 ва 8 рақамлари тегишинча 4 ва 9 рақамлари деб ўқилсин.